

Қосимжон Сидиқов

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”

**ТЎРТЛИКЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА
БАДИИЙ ТАРЖИМА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тошкент 2014

Мазкур монографияда XI асрда яшаб, ижод қилган буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги тўртликларнинг инглиз ва рус тилларига бадий таржима қилишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Унда жумладан, асарнинг юртимиз ва жаҳонда ўрганилиши бўйича амалга оширилган тадқиқотлар танқидий ва қиёсий таҳлил этилган. Асарнинг икки инглизча таржимаси муаллифлари Р.Денкофф ва В.Мей томонидан амалга оширилган таржималарнинг бадий қиммати тўртликлар мисолида аниқланиб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб ўтилган ҳамда В.Мейнинг инглизча талқинига воситачи – рус тилининг таъсири белгиланган. Бадий таржимада қофия, шакл ва мазмун мутаносиблиги, мақол ва афоризмлар ҳамда шеърий санъатларнинг таржимада қайта яратиш имкониятлари, тўртликлар поэтикасини таржимада қанчалик даражада акс этгани аниқлаган, керак ўринларда тегишли тавсия ва таклифлар киритилган.

Монография филологлар, таржимонлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчи ва талабалари, магистрантлар, аспирантлар, мустақил тадқиқотчилар шунингдек, мумтоз адабиёт тарихи, таржима назарияси ва амалиёти, адабий алоқалар билан қизиқувчилар ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Боқижон Тўхлиев, филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар: Насимхон Рахмонов, филология фанлари доктори, профессор
Рахимжон Каримов филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур монография Наманган давлат университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.

И.А.КАРИМОВ

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг қадимий ва бой маданий меросини, адабий ёдгорликларини атрофлича, жиддий тадқиқ қилиш ишларининг кўлами кенгайди. Президентимиз И.А.Каримов: “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹, – деб бежиз таъкидламаган эдилар. Зеро, ота-боболари меросига ҳурмат билан қараган, жиддий ўрганган, уни дунёга танитишга интилган халқдагина ривожланиш ҳам, бутун дунёга танилиш ҳам бўлади. Бу борада президентимизнинг мана бу фикрларини келтириш ўринли: “Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум”².

Шундай буюк мутафаккирлардан бири бу, шубҳасиз, қадимги туркий адабиёт намояндаси, қомусий ижодкор Юсуф Хос Ҳожибдир. У яратган илк туркий ёзма обида намунаси “Қутадғу билиг” ўзининг теран мазмуни, гўзал бадиияти ва нафис поэтикаси билан бир неча асрлардан бери жаҳон илм аҳли, шу жумладан, адабиётсеварларнинг диққат марказида турибди. Асарнинг дунё олимлари томонидан кенг ўрганилаётгани ва жаҳоннинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 134.

² Ўша асар. – Б. 140.

турли тилларига қайта-қайта таржима этилгани бугунги кун тадқиқотчилари олдига уни мукамал тадқиқ этиш бўйича янада кўпроқ вазифаларни қўяди.

Президентимиз ўринли таъкидлаганларидек: “Кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлмоқда. Лекин, афсуски, бу масалада биз ҳали-бери кўзга кўринадиган амалий натижаларга эриша олганимиз йўқ. Илгари ўзбек адабиёти намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш асосан учинчи тил, яъни рус тили орқали амалга оширилар эди. Бу борада қилинган катта ишларни муносиб баҳолаган ҳолда, эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур”¹. Зеро, “Қутадғу билиг” асарининг турли тиллардаги таржималарини тизимли тарзда қиёсий таҳлил этиш унинг жаҳон адабий жараёнидаги мавқеини янада оширади.

Асар ҳозиргача жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Бу борада, айниқса, Ғарбий Европа тилларидаги таржималарнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Ушбу таржималар кўплаб ўзбек ва хорижий олимлар томонидан атрофлича таҳлил этилди ва бу ишлар ҳамон давом этмоқда.

Асарнинг Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда ўрганилиш тарихи анча узоқ даврларга бориб тақалишига қарамай, унинг хорижий тиллардаги талқинини аслият билан қиёсий таҳлил этиш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Бу фикр асарнинг инглизча таржималарига ҳам тўла тааллуқлидир. Асар инглиз тилига биринчи марта Чикаго университети профессори Роберт Денкофф² томонидан 1983 йили ва иккинчи марта инглиз шоири ва таржимони Волтер Мей³ томонидан 1998 йили таржима қилинди. Бу икки

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 139.

² Denkoff R. Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – 281 p.

³ Yusuf Balasaguni. Beneficent Knowledge / Translated into English by W.May. – Moscow-Bishkek: 1998. – 510 p.

таржиманинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд: биринчи таржима, асосан, насрда берилган бўлса, иккинчиси назмда амалга оширилганлигига қарамай бевосита аслиятга эмас, балки воситачи тилдаги таржимага таянган. Шунга кўра, мазкур инглизча таржималарни атрофлича ўрганиш “Қутадғу билиг”нинг жаҳон адабиётида тутган ўрни ва бошқа халқлар адабий анъаналарига таъсирини аниқлаш имконини яратади. Уларни қиёсий таҳлил этиш, аслиятга адекватлик даражасини аниқлаш қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик учун қимматли хулосаларни беради.

Маълумки, “Қутадғу билиг” ҳажман анча катта асар бўлиб, у 6500 дан кўпроқ байтдан иборат. Биз ушбу монография доирасида “Қутадғу билиг”нинг икки инглизча таржимасини аслият билан қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қилдик. В.Мей таржимаси рус тили воситасида амалга оширилганлиги сабабли ўрни билан муқояса учун С.Н.Иванов қаламига мансуб русча таржимани ҳам таҳлилга тортдик.

Юртимизда ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини хорижий тиллардаги талқинлари ва жаҳон адабиёти дурдоналарининг ўзбек тилига ўгирилган таржималарини атрофлича таҳлил этиш бўйича Ғ.Саломов, Н.Комилов, М.Холбеков, М.Бақоева, Ҳ.Кароматов, С.Олимов, З.Исомиддинов, М.Собиров, Р.Каримов, Р.Файзуллаева, М.Жавбўриев, Э.Очилов, К.Жўраев, Й.Нурмуродов А.Абдуллажонов, Н.Ўрмонова, С.Комилова, Б.Холмирзаев ва бошқа бир қатор олимларнинг ишлари бу борадаги кўзга кўринган тадқиқотлар сифатида тан олинаган.

“Қутадғу билиг”нинг жаҳон олимлари томонидан тадқиқ этила бошланганига ҳам уч асрдан ошди. Бу борада йирик туркийшунос олимлар Ҳ.Вамбери, В.Радлов, А.Самойлович, С.Малов, А.Валитова, И.Стеблева, С.Иванов, Н.Гребнев, Р.Арат, Р.Денкофларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ўзбек қутадғу билигшунослик мактабининг заҳматкаш олимлари сифатида А.Фитрат, Қ.Каримов, Ғ.Абдурахмонов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиқов,

А.Қаюмов, А.Абдуазизов, Ҳ.Болтабоев, З.Содиқов, Ҳ.Абдуллаев, А.Ахметова, Б.Абдурахмонова, Ғ.Хўжаев, Ҳ.Неъматов, М.Имомназаров, О.Жўраев, Э.Фозилов, А.Алиев, Э.Умаров ва А.Ёқубовларнинг номларини келтириш ўринли. Бу олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли “Қутадғу билиг”ни ўрганиш, унинг умумфилологик, лингвистик, педагогик, фалсафий, дидактик ва бадий сирларини очиш ҳамда асарнинг бутун жаҳон адабиётидаги мавқеини аниқлашга бўлган қизиқиш янада ортди.

Биз тадқиқот учун “Қутадғу билиг”нинг фақат тўртликлари ажратиб олдик ва бу қуйидаги омиллар билан асосланади:

1. Асар ҳажми жуда катта, у ўн уч минг мисрадан кўпроқ ҳажмга эга. Бутун асарни рус ва икки инглизча таржималари билан қиёслаш катта куч ва вақтни талаб қилади, диссертациянинг ҳажми ҳам бунга имкон бермайди.

2. “Тўртликлар ўзларининг вазни, мавзу ва услуб хусусиятлари, бадий тасвир принципларига кўра асарнинг бошқа қисмларидан мутлақо фарқ қилмайди”¹, демак, биз тўртликлар мисолида ҳам асар бадий хусусиятларининг таржимада акс этиш муаммолари устида фикр юрита оламиз.

3. Асарда 200 дан ортиқ тўртлик мавжуд, рус ва икки инглизча таржимадаги тўртликлар билан 800 дан ортиқ, яъни 3200 дан ортиқ мисрани ташкил этади. Бу ҳажм мавзунини атрофлича ёритишга етарли имкон беради.

¹ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ва айрим жанрлар такомилли (Маснавий, тўртлик, касида). – Т.: Аср-Матбуот, 2004. – Б. 27.

I БОБ

ЖАҲОН ТУРКИЙШУНОСЛИГИДА “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. “Қутадғу билиг” – ўзбек, америка ва инглиз адабий жараёнида

Юксак маънавиятли инсон тарбиясида тарихий ёдгорликлар ва ёзма обидаларнинг ўрни катта. Ўзлимизни англаган, ўз тараққиёт йўлимизга эга бўлган бугунги кунда бундай тарихий асарларни ўрганиш ва келажак авлодга ўргатиш давлатимиз сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”¹. Бугунги давлатчилигимиз сиёсати, комил инсон тарбияси ва буюк келажак қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ота-боболаримизнинг йўл-йўриқлари, панду насиҳатлари ва бой маданий меросига асосланган.

“Қутадғу билиг” умумтуркий обида сифатида жаҳон туркийшуносларининг эътиборини жуда жиддий тарзда тортиб келётгани бежиз эмас.

Ўзбекистонда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари хориж олимларининг бу борада амалга оширган ишларидан кам эмас. Аввало, ўзбек қутадғу билигшунослик мактабига асос солган олимлар сифатида А.Фитрат, Н.Маллаев, Қ.Каримов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиқов ва бошқа бир қатор олимларнинг номларини келтириш ўринли. Бу олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли “Қутадғу билиг”нинг умумфилологик, поэтик жиҳатларини ўрганиш ҳамда асарнинг жаҳоний мавқеини аниқлашга бўлган қизиқиш янада ортди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 140.

Таъкидлаш керакки, йирик адабиётшунос Абдурауф Фитрат юртимизда “Қутадғу билиг”ни тадқиқ қилишни бошлаган илк олимлардандир. У “Маориф ва ўқитғучи” журналининг 1925 йил 2-сонида эълон қилган мақоласида¹ Наманган нусхасининг топилиши, асосий мазмуни ва қолган иккита нусхасининг тарихи ҳамда уларнинг ўрганилиши юзасидан мулоҳазаларни билдирган. Булардан ташқари, Фитрат асардаги тўртликларга ҳам алоҳида тўхталиб, “Қутадғу билиг” маснавий (иккилик тизим) шаклида ёзилган бўлса ҳам, онда бир кўб тўртликлар (рубойлар) бор. Бу тўртликлар яна “Шоҳнома” вазнида бўлуб, қофиялари Эрон шоирлари орасида машхур бўлган рубойлар тартибида” эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, асарнинг Наманган нусхасида тўртликларнинг олтин суви билан ёзилганлигини эслатиб ўтади². Эътибор қилинса, Фитрат асар тўртликларини рубойларга тенглаштиради ва бу ниҳоятда ўринлидир. Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларидаги мавзу кенглиги, маъно серқирралиги уларни рубойга яқинлаштиради. Бироқ, рубой тўртликдан ўзининг вазн хусусияти билан фарқланади. Р.Орзибеков асосли таъкидлаганидек: “Бир хил рубойларнинг 1-, 2-, 4-мисралари ўзаро қофияланган ҳолда 3-мисра бу мисралар билан қофиядош бўлмайди. У қофиядан озод қолади. Унинг қофияланиш схемаси *ааба* дир. Шарқ адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида яратилган рубойларнинг абсолют кўпчилиги шундай қофия системасига эгадир”³. Бундай қофияланиш “Қутадғу билиг” тўртликларига ҳам тўлиғича хосдир. Айтиш мумкинки, “Қутадғу билиг” тўртликлари туркий адабиётда рубой жанрининг шаклланишида муҳим адабий босқич вазифасини ўтаган.

Асардаги тўртликларнинг сони ва муаллифи хусусида туркийшунос олимлар ўртасида анчагина мунозаралар бўлган. Қиёсий таҳлиллардан

¹Фитрат А. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. - Т.: Маънавият, 2000, – Б. 11-16.

² Ўша китоб. – Б. 15.

³ Orzibekov R. O'zbek lirik she'riyati janrlari. – Т.: Fan, 2006. – В. 144.

маълум бўлдики, асарда жами 210 та тўртлик мавжуд ва уларнинг барчаси Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига тегишли.

Мақола сўнгида Фитрат “Қутадғу билиг”нинг барча нусхаларини солиштириб, камчиликларни тўлдириб, бузилган тартибларни тuzатиб, тушунарсиз сўзларни изоҳлаб, янги бир транскрипцияни яратган ҳолда нашр этиш муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган. Туркийшунос олимлар Р.Р.Арат ва Қ.Каримовлар бу вазифани тегишли тарзда амалга оширдилар. Уларнинг тадқиқотлари натижасида асарнинг турк ва ўзбек тилидаги транскрипция ва табдиллари яратилди. Бироқ, жаҳон миқёсида асар устида ҳар томонлама олиб борилаётган кўплаб тадқиқотлар унинг учта кўлёмаси асосида янада мукамалроқ, тўлдирилган транскрипция ва табдилларига эҳтиёж сезилаётганлигини кўрсатмоқда¹.

“Қутадғу билиг” устида жиддий тадқиқот олиб борган таниқли олим Натан Маллаев² ўз изланишларида асар муаллифининг ҳаёти ва ижоди, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий қарашлари, асарнинг ўз давридаги шухрати, сюжет ва композицияси, бадий қиммати ва тили ҳамда асардаги образлар каби масалаларни кенг ва атрофлича таҳлил этди. Олим асарнинг бадий қимматига баҳо бериб, “Қутадғу билиг” туркий тилдаги ёзма адабиёт ҳали у қадар бой тажрибага эга бўлмаган бир даврда вужудга келди. Шоир форс-тожик тилида ижод этиш традицияси изидан бормади, балки катта журъат билан ўз она тилида йирик бадий асар яратишга киришди ва уни муваффақият билан тугатди” – дея алоҳида кўрсатиб ўтади. Бундай фикрни кейинроқ Р.Денкофф ҳам таъкидлаган эди³.

Асарнинг тил хусусиятларини ўрганишда академик Ғ.Абдурахмоновнинг анча жиддий ишларни амалга оширганлиги яхши

¹ Транскрипциялардаги айрим номуносибликларга диссертацияда муносабат билдирилган.

² Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Тўлдирилган учинчи нашр. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 111-138.

³ Denkoff R. Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – P.12.

маълум. Биз учун олимнинг асарнинг рус тилига таржималари борасидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда амалий ишлари алоҳида аҳамият касб этади¹.

Ўзбекистонда “Қутадғу билиг” устида биринчилардан бўлиб монографик даражада тадқиқотлар олиб борган олим Қаюм Каримовдир. Тадқиқотчи асардаги келишик категориялари юзасидан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди² ва “Қутадғу билиг”нинг жаҳон олимлари эътирофига сазовор бўлган нисбатан мукаммал транскрипцияси, ҳозирги ўзбек тилидаги табдилини нашр эттирди. Олим томонидан асарнинг филологик ҳамда поэтик жиҳатларига оид бир қатор илмий тадқиқотлар эълон қилинди³. Асар тўртликларининг яхлит ҳолдаги нашри ҳам бевосита шу олим номи билан боғлиқ⁴. Олим асарни турли тизимларда ўрганиш билан бирга унинг хорижий тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган ишларга ўз танқидий муносабатларини ҳам билдирган⁵. Жумладан, уларнинг бирида қирғиз олимлари У.Асаналиев ва К.Аширалиевларнинг асар тили бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари ва таҳлилларидаги бир қатор хато ва камчиликлар аниқ далиллар асосида очиб берилган.

Боқижон Тўхлиев асарни замонавий адабиётшунослик тамойиллари асосида тадқиқ этиб келаётган олимлардан биридир⁶. У “Қутадғу билиг”нинг

¹ Абдурахмонов Г. Исследования по старотюркскому синтаксису XI в. – М.: Наука, 1967., Абдурахмонов Ф. “Қутадғу билиг” асари ҳақида // Научные труды ТГУ и ФГПИ к 40-летию ФГПИ. Вып. 377. Гуманитарные и естественные науки. – Ташкент-Фергана, 1970. – С. 186-190., Абдурахмонов Г. К переводу “Қутадғу билиг” на русский язык // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4. – С. 120-126., Абдурахмонов Ф. “Қутадғу билиг” танқидий матнини тайёрлаш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 40-44.

² Каримов Қ. “Қутадғу билигда” келишик категорияси: Филол. фан. ном. ... дис. – Т.: 1962. – 194 б.

³ Каримов Қ. “Қутадғу билиг”ни транскрипция ва тавсиф қилиш принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 5. – Б. 28-34., Каримов Қ. Восита келишиги (“Қутадғу билиг” материаллари асосида) // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Т.: Фан, 1977. – Б. 47-54., Каримов Қ. Илк бадий дoston. – Т.: Фан, 1976. – 223 б., Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шoҳнома” // Обществeнные науки в Узбекистане. – Тошкент, 1965, – № 8. – Б. 27-30., Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Т.: ЎзФА, 1961. – Б. 26-29., Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг тузилиши ва вазни // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Т.: ЎзФА, 1961. – Б. 66-21.

⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи. Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 971 б.

⁵ Шукуров Ш., Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг тили таҳлиliga бағишланган бир тадқиқот хусусида // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Т.: Фан, 1977. – Б. 159-168.

⁶ Тухлиев Б. Краткий обзор изданий о древнейшем письменном памятнике “Қутадғу билиг” // Библиотеки Узбекистана. Сб. стат. по теории и практике библиотечного дела. – № 11. – Ташкент, 1981. – С. 129-140.,

жанр хусусиятларини ўрганиш устида салмоқли тадқиқотларни амалга оширди, асар поэтикаси, жанри ва ундаги бадиий санъатлар масалаларини, шунингдек асарнинг туркий халқлар фольклори билан алоқадор жиҳатларини атрофлича таҳлил қилди¹, булар асосида монографиялар² нашр этди. Булардан ташқари, “Қутадғу билиг”нинг ўзбек тилида кирилл ва лотин алифболарида болаларбоп нашрларини чоп эттирди. Олимнинг янги маълумотларига қараганда шу кунларда асарнинг янги мукамал матни, транскрипцияси ва рус тилига таржимаси амалга оширилмоқда³.

Туркийшунослик, жумладан, “Қутадғу билиг”нинг тил ва ёзув хусусиятлари устида жиддий тадқиқотлар олиб бораётган яна бир йирик олим Қосимжон Содиковдир⁴. Унинг изланишлари натижасида асар кўлёмаларининг график хусусиятлари анча батафсил текширилди, шулар асосида туркийшунослик бир қатор илмий хулосаларга эга бўлди. Олимнинг тадқиқотларида асар кўлёмаларининг топилиш тарихи, тузилиши, ўзаро тафовутлари, жумладан, кўлёмалардаги тушиб қолган айрим қисмлар тўғрисида илмий маълумотлар берилган. Асар кўлёмаси нусхаларини таҳлил қилиб, “...Ҳирот нусхасида сатрларда изчиллик йўқ, айрим бетлари зичлашиб кетган. Кўпи 33-36 сатрли, баъзан 48, ҳатто 20 қаторли саҳифалар ҳам бор. Котиб (бахши)нинг шошилиб ёзгани сезилиб туради.

Тўхлиев Б. Қадимий ёзма ёдгорлик – “Қутадғу билиг” нашрлари ҳақида қисқача обзор // Ўзбекистон кутубхоналари. Кутубхоначилик назарияси ва практикасига оид мақолалар тўплами. № 12. – Тошкент, 1982. – Б. 151-165.

¹ Тўхлиев Б. Поэтика “Қутадғу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба: Дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – 147 с.

² Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. – Т.: Фан, 1990. – 24 б., Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва айрим жанрлар тақомили (маснавий, тўртлик, қасида). – Т.: Асп-Матбуот, 2004. – 119 б., Тўхлиев Б. Вопросы поэтики “Қутадғу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба – Т.: Асп-матбуот, 2004. – 214 с.

³ Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”нинг матни ва таржимаси хусусида // Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. Республика амалий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 24-26.

⁴ Содиков Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувидаги варианты ҳақида // Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. Илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 1983. – № 3. – Б. 57-62., Содиков Қ. “Қутадғу билиг”нинг тил хусусиятлари // Исҳоқов М. Рахмонов Н., Содиков Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Б. 229-306., Махмудов Қ., Содиков Қ. ХІ–ХV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1994. – 164 б., Содиков Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзуви кўлёмаси ва асар вариантчилиги масаласи // Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. – Тошкент, 1998. – № 1-2. – Б. 29-34., Содиков Қ. Туркий матннавигимиз асослари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1998, № 3. – Б. 30-32., Содиков Қ. Туркий матннавигимиз тарихидан // Қаюмов А., Исҳоқов М., А. Отаҳўжаев, Қ. Содиков. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000, – Б. 146-204., Исҳоқов М., Содиков Қ., Омонов Қ. Мангу битиклар. – Т.: 2009. – Б. 96-98.

... Қоҳира нусхасида ора-ора асарнинг саҳифалари, ҳатто айрим боблари ҳам тушиб қолган. Баъзи бетлари аралашган ҳолда қайта муқоваланган. Мазкур нусхада асарнинг якуни йўқ.

... Наманган нусхасида асарнинг якуни йўқ: китоб “Ўзғурмиш Ўгдулмишга панд беришини айтади” бобида тугайди. Ҳатто мана шу боб охирламасданоқ узилиб қолган” – деб таъкидлайди. Шу тарзда у учта кўлёманинг ҳар бирига мукаммал филологик тавсифлар бериб чиқади.

Шунингдек, Қ.Содиқов асар нусхалари бобларининг қиёсий жадвалини ҳам тузган¹. Мазкур тадқиқотнинг “Қутадғу билиг” нашрлари бўлимида жаҳон туркийшунослигида асарнинг ўзбек ва бошқа турли тиллардаги табдил ва таржималари рўйхати келтирилган. Эслатиш керакки, ушбу рўйхатга Н.Гребневнинг² русча, Р.Денкофф³ ва В.Мейнинг⁴ инглизча таржималари киритилмаган⁵.

“Қутадғу билиг”нинг таржимашунос олимларимиз назарига тушганига ҳам анча вақт бўлди. Гулом Хўжаев ўз номзодлик диссертациясида ўзбек адабиётининг бадий-услубий ўзига хосликларининг немис тилида қайта яратиш масалаларини қиёсий таҳлил қилди⁶.

“Қутадғу билиг”нинг Р.Денкофф қаламига мансуб биринчи инглизча таржимаси хусусида илк маротаба тилшунос олим, профессор Абдузукхур Абдуазизовнинг мақоласи чоп қилиниб, унда таржиманинг ўзига хос томонлари, ютуқлари, камчиликлари кўрсатилиб, мутаржим ҳақида фикрлар

¹ Бу ҳақда қаранг: Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан // Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000, – Б. 146-204.

² Юсуф Баласағунский. Наука быт счастливым. Перевод Наума Гребнева. – М.: Художественная литература, 1975. – 188 с.

³ Denkoff R. Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – 281 p.

⁴ Yusuf Balasaguni. Beneficent Knowledge / Translated into English by W. May. – Moscow-Bishkek: 1998. – 510 p.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг нашрлари // Туркий матннавислик тарихидан // Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000, – Б. 159-161.

⁶ Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы литературы в переводе на немецкий язык: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1985. – 24 с.

билдирилган¹. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг ақл ва заковат борасидаги фалсафий қарашлари тўғрисида олимлар ўртасидаги мунозарали масалага эътибор қаратамиз. Адабиётшунос олим Н.Маллаев ўз тадқиқотида Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий-таълимий қарашлари борасида фикр билдирар экан, “Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий қарашлари, хусусан, медицинага оид мулоҳазалари Абу Али Ибн Синонинг мероси таъсирида шаклланган бўлиши керак. Шоир “Тожи Ҳаким” деганда², Абу Али Ибн Синони кўзда тутган бўлиши мумкин”³, – деб ёзади. Бу фикр немис олими Отто Албертс томонидан ҳам таъкидланган⁴. А.Абдуазизов бу фикрни маъқулламайди. У ёзади: “... Бу фикр ҳақиқатга зиддир. Гўёки Абу Али Ибн Сино ақл ва заковатни бир-биридан ажратиб, фалсафий жиҳатдан аввал ўрганилади, кейин заковат қилинади, деб ёзган эмиш. Юсуф Хос Ҳожиб эса шу ғояни қабул қилган эмиш. Ваҳоланки, Юсуф Хос Ҳожиб асарда ақл ва заковатни ажралмас ҳолда изоҳлаган”⁵. Ва бу бизнингча ҳам айни ҳақиқатдир.

Таржимашунос олим Зоҳиджон Содиков бир неча йиллардан бери “Қутадғу билиг”нинг хорижий тиллардаги талқинларини таржимашунослик тамойиллари асосида илмий таҳлилдан ўтказиб келаётган олимлардан яна биридир. Унинг дастлабки тадқиқотларида асарнинг иккита немисча таржимаси аслият билан қиёсланиб таҳлилдан ўтказилди⁶. Олим бу тадқиқотида “Қутадғу билиг”нинг венгер шарқшуноси Х.Вамбери ва рус-олмон туркийшуноси В.Радловлар томонидан амалга оширилган немисча

¹ Абдуазизов А. “Қутадғу билиг” инглиз тилида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 28 (3236).

² Аслида “Тожи Ҳаким” ифодаси асар матнида мавжуд эмас. Эҳтимол, бу китобни нашр этишдаги техник хатолик туфайли содир бўлган бўлиши ҳам мумкин. Асарда унинг ўрнида “тажик билгаси” ифодаси қўлланган: Нэку тэр эшитгил тэжик билгэси, Тэжик билгэлэри жавықар куси (Тожиқ донишманди нима дейди, эшитгин, Тожиқ донишмандлари (нинг) овозаси таралади). Аслида, у “тожиқ ҳакими” бўлиши мумкин (3226).

³ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Тўлдирилган учинчи нашр. – Т.: Ўқитувчи, 1976, - Б.126-127.

⁴ Denkoff R. Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – P. 12.

⁵ Абдуазизов А. “Қутадғу билиг” инглиз тилида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. - № 28 (3236).

⁶ Содиков З. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари: Филол. фан. ном. ... дисс – Т., 1994. – 134 б.

таржималарини қиёсий таҳлил этган. З.Содиқов Р.Денкофф таржимасига илова этилган кириш сўзини ўзбек тилига ўгириб, “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этди¹. Муаллиф мақолага инглизча таржима ва мутаржим ҳақидаги, унинг таржимадаги муваффақияти, шунингдек, Р.Денкоффнинг асар тўғрисидаги айрим фикрларига танқидий мулоҳазаларни ҳам илова қилган.

Олимнинг асар таржималари ҳақида эълон қилган монографияси ҳам бу соҳадаги муносиб ютуқлардан бири сифатида эътироф этилиши мумкин². Унда китобнинг Ғарб ижтимоий-эстетик қарашлари билан муносабатлари ҳақида анча кенг мулоҳазалар билдирилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий, шунингдек, бадий-эстетик тафаккур тарихида тутган ўрнига тегишли баҳо берилган. Унинг таржимашунослик нуқтаи назаридан чиқарган хулосалари соҳа ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Таъкидлаш керакки, олим тадқиқотларига В.Мейнинг инглизча таржимаси жалб этилмаган. Шунинг учун ҳам асарнинг русча ва икки инглизча таржимасини аслият билан шеърий таржима қонуниятлари асосида қиёсий-типологик таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этади.

Асарнинг матний муаммоларини ўрганишда Ҳ.Неъматов эълон қилган илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эга³. Олим ўз тадқиқотларида, асосан, асарнинг матни, ундаги кемтикликлар ва қўлёзмалардаги номутаносибликларни атрофлича таҳлил этди. Асарнинг Наманган нусхасидан тушиб қолган маълум қисмларини қиёсий таҳлил орқали аниқлади.

Академик Бахтиёр Назаров асар юзасидан Индиана университетидagi халқаро конференциядаги ўз маърузасида “Қутадғу билиг”нинг туркий халқлар ва жаҳон адабиётида тутган ўрни, Юсуф Хос Ҳожиб

¹ Роберт Денкофф. Бахту тахтга элтувчи билим. Инглиз тилидан З.Содиқов таржимаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2005, Ноябрь. – Б. 152-154.

² Содиқов З. “Қутадғу билиг” таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Т.: Фан, 2007. – 171 б.

³ Неъматов Ғ. Юсуф Хос Ҳожиб. Ўзғурмишнинг ўлими (“Қутадғу билиг”дан) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – № 1. – Б. 64-65.

дидактикасининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида асосли фикрларни билдирган. Асар муаллифини Шарқнинг буюк мутаффаққирлари билан бир қаторда Аристотель ва Суқрот каби ғарб донишмандлари билан тенглаштиради ва биз бунга тўлиқ қўшиламыз.

Адабиётшунос Ҳамро Абдуллаев¹ асардаги халқ мақоллари ва афоризмларни илмий таҳлилдан ўтказди. Уларнинг туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ фольклоридаги вариантлари билан қиёсий таҳлил қилди. Тадқиқот юзасидан илмий рисола чоп этди².

Юртимизда “Қутадғу билиг”ни педагогик жиҳатдан ўрганишда дастлаб А.Ахметова³ илмий тадқиқот олиб борган бўлса, асарни таълим босқичларида ўрганиш бўйича Б.Абдурахмонова⁴ номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бундан ташқари, асарнинг турли қирраларини ўрганишга ҳисса қўшган яна кўплаб олимларнинг номларини келтириш ўринли. Хусусан, А.Қаюмов⁵, Ҳ.Болтабоев⁶, Ҳ.Ҳомидов⁷, М.Имомназаров⁸, О.Жўраев⁹, Б.Валихўжаев¹⁰, М.Хайруллаев¹¹, Э.Фозилов¹², А.Алиев¹³, Э.Умаров¹⁴, А.Ёқубов¹, Х.Кўрўғли²,

¹ Абдуллаев Ҳ. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 2005. – 160 б.

² Абдуллаев Ҳ. “Қутадғу билиг”да халқ мақоллари. – Нукус: Билим, 2003. – 15 б.

³ Ахметова А.К. Педагогические взгляды Юсуфа Хас Хаджиба Баласагунского (по поэме “Қутадғу билиг”): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: 1990. – 24 с.

⁴ Абдурахмонова Б. Таълим босқичларида “Қутадғу билиг”ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари: Пед. Фан. ном. дисс.... автореф. – Т., 2007. – 24 б.

⁵ Қаюмов А. Эзгулик инжулари // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1966. 30 сентябр., Қаюмов А. Қутадғу билиг // Гулистон, – Тошкент, 1967. – № 1. – Б. 9-11.

⁶ Болтабоев Ҳ. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”дан // Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари Ҳамидулла Болтабоев талқинларида. 1-китоб. Қайта ишланган ва тузатилган иккинчи нашр. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2008. – Б. 334-337.

⁷ Ҳомидов Ҳ. Қирк беш аллома ҳикояти. – Т.: Фан, 1995. – Б. 65-71.

⁸ Имомназаров М. Юсуф Хос Ҳожиб // Буюк сиймолар, алломалар. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 1995. – Б. 46-48.

⁹ Жўраев О. Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратилишидаги маҳорати // Адабий меърос. Ўзбек адабиёти тарихидан тарихидан материал ва тадқиқотлар. Илмий асарлар тўплами – Т.: Фан, 1982. – № 1 (21). – Б. 58-62.

¹⁰ Валихўжаев В. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан, 1974. – Б. 29-33.

¹¹ Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (уйғониш даври маданияти). – Т.: Фан, 1994, – Б. 44-46.

¹² Фазылов Э.И. Лексика “Қутадғу билиг” в древнетюркском словаре // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4. – С. 165-168.

¹³ Алиев А. “Қутадғу билиг” ва “Девону луғот ит-турк”нинг Наманган шеваларига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 5 – Б.35-37.

¹⁴ Умаров Э. “Қутадғу билиг”даги бир ибора тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 6. – Б. 64-66.

Х.Кўрўғли², М.Саидов³, И.Баролина⁴ каби олимлар асарнинг адабий-лисоний, фалсафий, ахлоқий хусусиятларига оид масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб боришди.

Қатор тадқиқотлардан англашиладики, мавжуд учта қўлёзма асосида “Қутадғу билиг”нинг мукамал танқидий матни транскрипцияси ва табдилини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Бугунги кунда ҳам асарни ўрганишга катта қизиқиш билдирилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Унга тилшунос ва адабиётшунос ёшларимиз турли жиҳатдан ёндашиб, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари асосида асардаги факт ва ҳодисалар моҳиятини ёритиб беришга интиломқдалар. Журнал ва илмий тўпламларда асарнинг бошқа поэтик хусусиятлари ҳақида ҳам кўплаб кузатишларнинг эълон қилиб борилаётганини кўриш мумкин⁵.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “Қутадғу билиг”ни хорижий тилларга таржима қилиш иши асар ёзилган даврдаёқ бошланган экан. Асар ўша пайтнинг ўзида турли халқлар орасида “Адаб ул-мулук”, “Анис ул-мамолик”, “Зийнат ул-умаро”, “Шоҳномаи туркий” ва “Қутадғу билиг” номлари билан машҳур бўлганлигига ишоралар бор⁶. Демак, асар ўша даврнинг ўзидаёқ ўзга элларга маълум ва машҳур бўлган, бошқа тилда гаплашувчилар уни ўзлаштирганлар.

¹ Ёкубов А. “Қутадғу билиг”да давлатчилик концепцияси. – Т.: Халқ мероси, 1997. – 64 б., Ёкубов А. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуфи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995, 9 июнь.

² Корогли Х. Алп Эр Тонга и Афрасияб по Юсуфу Баласағуни, Махмуду Кашғари и другим авторам. Советская тюркология, – Баку, 1970. – № 4. – С. 108-115.

³ Азимов И., Саидов М. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари. – Т.: 1993. – 26 б.

⁴ Баролина И. Поэма Кутадгу билиг // Юсуф Хас Хаджиб. Наука быть счастливым. Перевод Н.Гребнева. – Т.: Изд-во Литература и искусства им. Гафура Гуляма, 1963, – С. 118.

⁵ Мирсамиқова Р. “Қутадғу билиг”да юз билан боғлиқ рухий тасвирлар // Классик мерос ва ёшлар тарбияси. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 61-63., Тошпўлатова Д. “Қутадғу билиг” асаридаги мақоллар таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – № 5. – Б. 74., Иботов С. “Қутадғу билиг”нинг бир таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 5. – Б. 71-73.

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи. Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 114.

Асар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида икки маротаба немис тилига таржима қилиниб, у ҳақда махсус тадқиқотлар яратилди¹. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб бу ноёб асарни турк², рус³ ҳамда Марказий Осиё⁴ туркийшунослари жиддий ўрганиб, бир қатор танқидий матн, табдил ва таржима нашрларини яратдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, 1983 йилда “Қутадғу билиг” илк маротаба Роберт Денкофф томонидан инглиз тилига ўгирилди.

Шу ўринда таржимон ҳақида. Асли Нью-Йоркнинг Рочестер шаҳрида 1941 йил туғилиб, вояга етган Роберт Данкофф Колумбия Университетида таҳсил олгач, 1964 йил Туркияга АҚШнинг Тинчлик корпуси кўнгилли вакили сифатида хизматга борди ва у ерда инглиз тилидан дарс берди. Мутахассислиги шарқшунос бўлган Денкоффни қадимий туркий обидалар ўзига маҳлиё этган эди. Бир неча йиллик фаолияти давомида Денкофф Туркияда туркий ёзма ёдгорликлар тарихи, бадияти ва матний хусусиятлари устида илмий изланишлар олиб борди. 1971-йил Харвард Университетида турк ва исломий ёдгорликларни тадқиқ қилиш бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади ва докторлик илмий унвонини олди. Сўнгра 1979-йил Чикаго Университетида профессор унвонини олгунга қадар Брандейс ва Аризона Университетларида шарқшунослик, хусусан туркшунослик бўйича талабаларга дарс берди.⁵ У ўзининг илмий изланишларида Усманий турк тилидаги ёзма ёдгорликларнинг лингвистик ва бадий хусусиятларини

¹ Radloff W, Kutadku Bilik. Facsimile der Uigurischen Handschrift der K.K. Hofbibliothek in Wienю –St. Petersburg: 1890., W.Radloff. Das Kutadku Bilik des Jusuf Chass-Hadschib aus Balasagun. Teil 1: Der Text in Transkription. Teil 2: Text und Uebersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo. – St.Petersburg: 1891, 1910. – 252 s., Wamberi Herman. Uigurische Sprachmonumente und das Kutadgu Bilig. Uigurische Text mit / Transcription und Uebersetzung von Herman Wamberi. – Innsbruck: 1870. – 15 s.

² Arat R.R. Kutadgu Bilig I: Metin. – Ankara: 1979. – 656 s, Arat R.R.Kutadgu Bilig II Çeviri. Turk Tarih Kurumu Basimevi, – Ankara: 1994. 6-baskı. – 560 s.

³ Иванов С.Н. Юсуф Баласагуни. Благодатное знание. – М.: Наука, 1983. – 556 с., Юсуф Баласагунский. Наука быт счастливым. Перевод Наума Гребнева. – М.: Художественная литература, 1975. – 188 с.

⁴ Жусип Баласагун. Кутти билик. Конне турки тилинен ағдарғанжәне алғисўзи жазған А.Эгеубаев. – Алматы: Жазушы, 1986. – 348 с., Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг” Ҳозирги уйғур тилига таржима. – Пекин: Миллатлар нашриёти, 1984. 454 б., Yusuf Balasaguni. Nauka Est Scastliva. Translata Hrebek. – Praha: Novi Orient, 1961. – S. 46-165.

⁵ <http://humanities.uchicago.edu/depts/nelc/facultypages/dankoff/index.html>

тадқиқ этди. Шу билан бирга Ўрта-Осиёдаги исломий-туркий ёзма обидаларни ўрганди.

Р.Денкофф ўзининг илмий изланишларининг асосий қисмини туркийшуносликка бағишлаган. Олим бу борада салмоқли меҳнат қилиб, соҳага тегишли илмий рисоалар¹ ва мақолалар чоп эттиради. У турли динлар назарияси, хусусан, Қуръони карим ва ҳадислардан ҳам яхши хабардор. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Р.Денкофф “Қутадғу билиг”ни таржима қилишда кўплаб қадимги туркий манбаларга таяниб иш кўрган. Асар таржимасига киришар экан, у туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, диний эътиқодлари ва форс, ҳинд, юнон манбаларидаги маълумотларни ҳам синчиклаб, чуқур ўрганди.

Таржимон “Қутадғу билиг”нинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритиб, “Юсуф Хос Ҳожиб асарда қорахонийлар давридаги икки хил: эрон-исломий ва туркий донишмандлик анъаналарини бир-бири билан омухталаштиришга ҳаракат қилган. Буларнинг биринчиси ўтроқ, иккинчиси эса кўчманчи халқлар маданиятига тегишлидир. Шубҳасиз, кўчманчи ҳаётдан ўтроқ турмуш тарзига ўтиш ҳукмдорлик санъатида бўлган талабни ўзгартиради, чунончи, “Қутадғу билиг” ғоялари идеал ҳукмдор бўлиш йўл-йўриқларини ўзида мужассамлаштирган. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб “Шоҳнома”дек асарнинг туркий намунасини яратиш илинжи бўлган”лигини кайд этади². Р.Денкофф туркий адабиётда иккинчи “Шоҳнома” – “Шоҳномаи туркий” яратилганини ифтихор билан таъкидлайди. Таржимон “Қутадғу

¹ Yusuf Khasn Hajib. *Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes*, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – 281 p., Mahmud al-Kashgari. *Compendium of the Turkic Dialects (Diwan Lughat at-Turk)*, edited and translated with introduction and indices. Cambridge, Mass. Part I: 1982 (Pp. xi + 416). Part II: 1984 (Pp. iii + 381). Part III: 1985 (Pp. 337 + microfiche)., *The Alexander Romance in the Diwan Lughat at-Turk. Humaniora Islamica* 1 (1973), – P. 233-44, *A note on khutu and chatuq // Journal of the American Oriental Society* 93.4 (1973). P. 542-43., *Kashgari on the Beliefs and Superstitions of the Turks // Journal of the American Oriental Society* 95.1 (1975). – P. 68-80., *Textual Problems in Kutadgu Bilig // Journal of Turkish Studies* 3 (1979). – P. 89-99., *On Nature in Karakhanid Literature // Journal of Turkish Studies* 4 (1980), – P. 27-35., *Some Notes on the Middle Turkic Glosses. Journal of Turkish Studies* 5 (1981), 41-44, *Qarakhanid Literature and the Beginnings of Turco-Islamic Culture // Central Asian Monuments* (ed. Hasan B. Paksoy, – Istanbul, 1992), P. 73-80., *Yusuf Khasn Hadjib // Encyclopedia of Islam, New Edition. Vol. XI* (2001). – P. 359-360.

² Yusuf Khasn Hajib. *Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes*, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – P. 35.

билиг”ни “Қобуснома” ва “Сиёсатнома” каби “Шоҳлар ойнаси” жанрида ёзилган асарлар сирасига киритади¹.

Саинс (Малайзия) университети профессори доктор Желани Харун ўзининг “Шоҳлар ойнаси” жанри устида олиб борган тадқиқотида Ибн Қутайбанинг “Китоб ал-Султон”, Ибни Тайфурнинг “Китаб ал-Боғдод”, Низомулмулкнинг “Сияр ал-Мулук”, Имом ал-Ғаззолийнинг “Насихат ал-Мулук”, Муҳаммад Бақир Нажми Сонийнинг “Маузаҳи Жаҳонгир” ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари “Шоҳлар ойнаси” жанрида ёзилганлигини таъкидлайди². Айтиб ўтиш керакки, жаҳон адабиётида “Шоҳлар ойнаси” жанри, унинг тарихи ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида З.Содиқов тадқиқотларида ҳам анча батафсил таҳлиллар берилган³.

“Қутадғу билиг” ўзининг услубий жиҳатлари билан “Шоҳлар ойнаси” жанрини ўзида акс эттирса-да, у бошқа халқлар адабиётида учрамайдиган кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради. Буларнинг энг асосийси унинг соф бадий асар эканлигидир. Унинг Шарқдаги етакчи адабий шакл – шеърый тарзда яратилгани ҳам тасодифий эмас. Асарнинг яна бир ўзига хослиги шуки, унда туркий халқлар фольклорининг, демакки, қадимий анъаналарнинг кучли таъсири ҳам жуда ёрқин тарзда мужассамлашган⁴. Олим-мутаржим таҳлилларига кўра, асарнинг тасвир тамойилларида, шунингдек, бадий-эстетик ғояларида эрон-исломий ва туркий анъаналардан ташқари, қадимий юнон ва буддавий донолик намуналарининг акси ҳам яққол кўзга ташланади.

“Қутадғу билиг”нинг Р.Денкофф қаламига мансуб инглизча таржимаси ўзининг замонавий тилда ёзилганлиги билан эътиборли. Мутаржим таржимани турк олими Рашид Раҳмати Арат томонидан 1947 йил нашр

¹ Содиқов. З “Қутадғу билиг” таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Т.: Фан, 2007. – Б.37.

² Jelani H. Karya Ketateneragaan Meleyu Yang Terakhir // Kitap Kumpulan Rinkas Berbetulen Lekar. – Malaysia: Sari 19. 2001. – P. 136.

³ Бу ҳақда қаранг: Содиқов З. “Қутадғу билиг” таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Т.: Фан, 2007. – Б.86.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Кононов А.Н. Баласоғунли Юсуф ва унинг “Қутадғу билиг” достони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 1970, – № 5, – Б.3-14.

этилган турк тилидаги танқидий матн¹ асосида амалга оширди. Танқидий матндаги айрим ноаниқликларга аниқлик киритиш учун асарнинг учта қўлёзмаси ва турк тилидаги таржимага² ҳам мурожаат этган³.

Таржимон X-XI асрларда яратилган пандномалар, давлатни бошқариш йўриқномалари ва шу турда яратилган асарларни қиёсий таҳлил этар экан, “Қутадғу билиг” барча жиҳатлари билан “Шоҳлар ойнаси” жанрида бўлиб, Юсуф Хос Ҳожиб туркий адабиётга янги адабий жанрни олиб кирганлигини исботлайди.

“Қутадғу билиг”ни жаҳоннинг кенг илмий оммасига танитиш ишига Ғарб шарқшунослари жуда катта ҳисса қўшишган. Агар бу ишни немис ва рус шарқшунослари XIX асрнинг охирида амалга оширган бўлсалар, асар XX асрнинг 80-йилларига келиб Америка адабий жараёнига кириб борди ва қисқа вақтда ўз ўрнига эга бўлди. У америкалик китобхонларнинг севиб ўқишларидан ташқари, жаҳоннинг нуфузли кутубхоналаридан ўрин олди. Таржима юзасидан турли матбуотнашрлари, илмий тўпламлар ва интернет саҳифаларида тақризлар чоп этилди. Жумладан, туркийшунос олим Талат Текин нуфузли Америка Шарқшунослик Жамияти журнали (Journal of the American Oriental Society) ва кўплаб бошқа илмий тўпламларда Р.Денкофф таржимасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида мақола ҳамда тақризлар эълон қилган⁴. Мазкур таржима қатор илмий тадқиқотлар учун фойдали манба бўлиб келмоқда. Жумладан, Омир Элчи ўғли ва Нилми Озденларнинг “Юсуф Хос Ҳожиб ва Сукротнинг билим ва заковат борасидаги муштарак

¹ Бу ҳақда қаранг: Yusuf Has Hajib. “Wisdom of Royal Glory” Translation with an Introduction and Notes by Robert Dankoff. The University of Chicago Press, – Chicago: 1983. – P. 33.

² Бу ҳақда қаранг: Ўша китоб. Notes to pages 21-40. – P. 274.

³ Мазкур инглизча таржима 281 бет бўлиб, таркибий жиҳатдан сўзбоши (Preface), шартли қисқартмалар (Abreviations), кириш (Introduction), асосий матн, биринчи илова (Appendix 1), иккинчи илова (Appendix 2) ва изоҳлар (Notes) дан иборат.

⁴ Tekin T. Review of Robert Dankoff, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes. By YUSUF KHASH HAJIB, Translated with an introduction and notes by Robert Dankoff. Chicago and London: The University of Chicago Press, 1983. Pp. 281. In: Journal of Near Eastern Studies, The University of Chicago, Vol.48, No.1 (January 1989): 68-70., Review of Robert Dankoff, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes. By USUF KHASH HAJIB, Translated with an introduction and notes by Robert Dankoff. Chicago and London: The University of Chicago Press, 1983. Pp. 281. In: Turk Dilleri Arastirmalari 1991: 197-200 (Cev. M. Olmez)., Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig) A Turko-Islamic Mirror for Princes (tanitma) (pdf), <http://www.dilbilimi.net/tekint.htm>.

фикрлари”¹, “XI аср намунаси “Қутадғу билиг” ва инсон этикасининг тўрт принципи”², Асқар Замоннинг “Ислом иқтисоди: Адабиётнинг ўрни”³ ва С.Нажимудинова, М.Раҳимбек ўғлининг “Юсуф Хос Ҳожибнинг бошқарув борасидаги қарашлари”⁴ мавзуларидаги тадқиқотларида “Қутадғу билиг”нинг Р.Денкофф таржимаси асосий тадқиқот объекти сифатида олинган. Булар, ўз навбатида жаҳон фани ва адабий муҳитида яна бир нодир илмий манба пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Аввал таъкидланганидек, 2007 йилга келиб “Қутадғу билиг”нинг яна бир инглизча таржимаси ўзбекистонлик китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди⁵. Калифорния академиясининг Қирғизистондаги филиали таъсисчилигида 1998 йил Москва-Бишкекда Чингиз Айтматовга бағишлаб нашр этилган ушбу китоб “Yusuf Balasaguni “Beneficent knowledge” (Юсуф Боласоғуний. Саодатга элтувчи билим) деб номланган. Асар инглиз шоири ва таржимони Волтер Мей томонидан таржима қилинган.

Шоир ва таржимон, Волтер Мей 1912 йил 22 декабрда Англиянинг Брайтен шаҳрида ишчи оиласи туғилган. У умрининг ўттиз йилдан кўпроғини Москвада ўтказди ва рус шоираси Людмила Серастоновага уйланади. Моҳир таржимон бир қатор рус, белорус, украин шоирларининг шеърларини инглиз тилига таржима қилади. Унинг таржимонлик тажрибаси тарихида қирғиз ва доғистонлик шоирлар шеърлари ҳам салмоқли ўрин тутди. Жумладан, “Игорь жангномаси”, Осетия эпоси “Нартлар эртақлари”, қирғиз қаҳрамонлик эпоси “Манас”, қирғиз мумтоз шоири Алиқул Османовнинг “Кўл тўлқинлари”, буюк қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва

¹ Elciogli O., Ozden H. Commoh thoughts of Sakrates and Yusuf Khass Hajib on Wisdom and Virtue // Journal of International Society for the History of Islamic medicine. –№5. April 2004 – P. 20-25 // <http://www.ishim.net/ishim./5/06.pdf>.

² Sample from 11th century: Kutadgu bilig and the four Principles of Bioethics // Iranian journal of Public Health Vol.37, № 2, 2008. – P. 112-1119. // www.sid.ir/en/viewssid/J_.pdf.

³ Zaman A. Islamic economics: Survey of literature. International Institute of Islamic Economics. – Pakistan: 2008. – 103 p.

⁴ Najimudinova S. M. Rakimbek Uuli. Renovation from retrospectivity: The thoughts on manegament of Yusuf Khass Hajib in “Kutadgu bilig” // Second international congress entrepreneurship. May 7-10. – Bishkek: 2008. – P. 164-168.

⁵ Содиков З., Сидиков Қ. “Қутадғу билиг”нинг янги таржимаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2007, 6 апрель – № 14 (3894).

қозоқ шоири Мухтор Шахановларнинг суҳбатларидан иборат “Чўққида қолган овчининг нолалари” китобини, Чингиз Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” асарини, Мухтор Шахановнинг “Тараққиёт хатолари” шеърини, Л.Серостанованинг бир қанча шеърини тўпламларини ҳамда А.С.Пушкиннинг танланган асарлар тўпамини тўлалигича таржима қилган. У бир неча шеърини китоблар муаллифи бўлиш баробарида, бир неча тилларни, шу жумладан, халқаро эсперанто тилини ҳам билган¹.

Бу асарнинг инглиз тилидаги биринчи шеърини таржимасидир. Китоб 212 саҳифадан иборат бўлиб, 6646 байтни ўз ичига олган (Р.Денкоффта кириш қисмидан ташқари 281 саҳифа, 6646 байт; Қ.Каримовда 964 саҳифа, 6408 байт). Китоб таркибий жиҳатдан сўзбоши, кириш (2 боб, 77 байт), “Саодатга элтувчи билим” (85 боб, 6521 байт), хулоса (3 боб, 125 байт), киришга изоҳлар, луғат ва эпилогдан ташкил топган. Айтиш мумкинки, мазкур таржима шаклий томондан мукамалликни даъво қила олади. Таржима китобхонлар ҳукмига ҳавола этилгандан сўнг у кўплаб илмий тадқиқотларга жалб этилди. Ҳозирда жаҳоннинг кўп мамлакатларида ушбу таржиманинг ўзига хос жиҳатлари турли тизимларда ўрганилмоқда². Туркий давлатчилик, ислом тарихи ва бошқа бир қанча соҳаларда “Қутадғу билиг”нинг В.Мей таржимаси асосий илмий манбалар қаторида турибди. Таржима юзасидан атоқли қирғиз олими, академик Рустан Раҳмоналиев ҳам илиқ фикрлар билдирган.

Шу ўринда Р.Раҳмоналиев ва ноширларнинг “Уйғур шоири Юсуф Боласоғуний” деган мулоҳазаларига³ қўшилиб бўлмайди. Қутадғу билигшуносликда мазкур масала анчадан бери турли баҳсларга сабаб бўлиб келади. Бир пайтлар асарнинг уйғур ёзувидаги Ҳирот-Вена нусхаси устида

¹ Бу ҳақда қаранг: <http://www.sojcc.ru/news/431.html>.

² Касыева А. Метафоры, связанные с образами животных в поэме Ю.Баласагуни “Кутадгу билиг” и адекватность их в переводе на английский язык // *Sosial bilimler Dergisi: Материалы международной конференции*. – Бишкек. 2005. – С. 28., Турдубаева. Н.Ш. "Кутадгу билиг" Жусупа Баласагуна и его переводы на тюркские языки: Дис. ... канд. филол. наук. – Бишкек: 2001. – 148 с.

³ Yusuf Balasaguni. *Beneficent Knowledge* // Translated into English by Walter May. – Moscow-Bishkek: 1998. – P. 204.

ишлаган Ҳерман Вамбери “Қутадғу билиг”ни айнан уйғур халқи обидаси деб ҳам атаган. Кейинчалик, рус ва ўзбек туркийшунос олимлари А.Кононов, В.Бартольд, А.Валитова, С.Н.Иванов, А.Фитрат, Қ.Каримов, Б.Тўхлиевлар ушбу асарни бирор-бир туркий халқнинг ўзигагина тегишли эканлиги ҳақидаги қарашларни танқид остига олиб, унинг умумтуркий обида эканлигини алоҳида таъкидладилар. Амалда Юсуф Хос Ҳожибни алоҳида битта туркий халққа нисбат бериш билан унинг у ёки бу халққа дахлдорлик имкониятларини чеклаш мумкин эмас. Бугунги туркий халқларнинг барчаси ҳам қадимги аجدодларнинг қонуний ворисларидир. Демак, улар қолдирган барча моддий-маънавий мерос, жумладан, санъат, хусусан, адабий ёдгорликлар ҳам уларнинг муштарак маънавий мулкларидир.

Китобдаги эпилогда “Қутадғу билиг”нинг қўлёзма нусхалари ҳақида гапирилар экан, “Асарнинг турк тилига таржимаси учта қўлёзма асосида турк филологи Р.Арат томонидан 1947-1959 йилларда амалга оширилган. Р.Р.Аратнинг ушбу танқидий матни 1971 йил Қ.Каримов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, тўла нашр қилинган,” – дейилади. Бу мутлақо янглиш фикр. Зеро, Қ.Каримов 1971 йилда нашр этган транскрипцияли матн ва табдилни асосан асарнинг Наманган нусхасидан амалга оширган ва матн камчиликларини тўлдириш учун Вена ва Қоҳира нусхаларидан фойдаланган¹.

Шунга қарамай, “Қутадғу билиг” асарининг инглиз тилига иккинчи бор, энг муҳими, тўла шеърий таржима қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

¹ Бу ҳақда қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилида тавсиф Қ.Каримовники. – Т.: Фан, 1971. – Б. 67.

1.2. Тўртликлар таржимасида қофия

“Қутадғу билиг” шеърий шаклда битилган дидактик достон. Ундаги тўртликларга таянувчи поэтик шакл анча қадимги анъаналарга эга. Р.Орзибеков кўрсатганидек: “Туркий тилдаги адабиётлар устида тадқиқот ишлари олиб борган... Фуод Кўпрулизода, Т.Кавалский, М.Ҳамроев, Э.Рустамов, М.Юнусов ва бошқалар рубоий шаклининг туркий халқлар адабиётида ҳам жуда қадимги анъаналари борлигини, жумладан, унинг пайдо бўлишида туркий халқлар адабиётидаги қадимги тўртликларнинг таъсири муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлайдилар”¹. Биз И.Ҳаққулов, М.Маматқулов ва бошқаларни ҳам шу қараш тарафдорлари қаторига киритишимиз мумкин.

Маълумки, “Қутадғу билиг” маснавий шаклида, арузнинг мутақориб баҳрида битилган. Таъкидлаш жоизки, “Қутадғу билиг”нинг жанр хусусиятлари ҳақида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада Р.Р.Арат, А.А.Валитова, И.В.Стеблева, Б.Тўхлиев ва бошқаларнинг изланишлари алоҳида эътиборга сазовор. Улар мавзу бўйича эълон қилган мақолалари, шунингдек, алоҳида рисолаларида асар поэтикаси хусусида таҳлилий хулосалар чиқариб, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида бошланган мазкур шеърий шакл Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Навоийнинг “Хамса”сида давом эттирилганлиги таъкидлаб ўтишади². Шу ўринда эътироф этиш керакки, Юсуф Хос Ҳожиб туркий ёзма эпик анъаналарнинг асосчиларидан бири саналади. Бу борада кўпгина тадқиқотларда жиддий фикрлар келтирилган:

“Бинобарин, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабат, ҳаётни фалсафий идрок этиш Юсуф Хос Ҳожибдан кейин ўтган Аҳмад Югнакий, Ҳайдар

¹ Orzibekov R. O'zbek lirik she'riyati janrlari. – T.: Fan, 2006. – B. 149.

² Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ва айрим жанрлар тақомили (Маснавий, тўртлик, қасида). – Т.: Асп-Матбуот, 2004. – Б.6.

Хоразмий ва Алишер Навоий ижодида янада чуқурлашдики, бунда албатта Юсуф Хос Ҳожибнинг хизматлари бениҳоят чексиздир”¹.

“Ҳибат ул-ҳақойиқ”даги айрим байтлар ўрни-ўрни билан адиб Аҳмаднинг Юсуф Хос Ҳожиб фикрларига таянганлигини исботлайди”².

Тўртликлар мустақил, мазмунан тугалланган шеърий шакл бўлиб, уларда фикр ихчам, лўнда ифодаланади. Туркий шеъриятда тўртликларнинг қўлланилиши борасида М.Маматкуловнинг куйидаги фикрлари ҳам асосли: “Тўртликлар туркий халқлар фольклорида қадимдан кенг қўлланилиб келган. Халқ кўшиқларининг асосини тўртликлар ташкил этиши фикримизга далил бўла олади. Туркийлар Исломни қабул қилгач, ёзма адабиётда арузнинг мавқеи кўтарила борди ва у туркий шеъриятнинг асосий вазни бўлиб қолди. Бу ҳодиса шеъриятнинг шу даврдаги эҳтиёжи билан изоҳланади”.

Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларининг кейинги даврлардаги кўплаб ижодкорларга ижобий таъсири ҳақида ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, М.Ф.Кўпрулизода “Қисас ул-анбиё” таркибидаги мутақориб вазнида битилган тўртликлар “Қутадғу билиг” ва “Ҳибат ул-ҳақойиқ” анъанасига таяниб ёзилганлигини таъкидлайди”³.

Асардаги тўртликларнинг сони борасида ҳам турлича фикрлар билдирилган. Шунинг учун асар тўртликларининг адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган жихатларига эътибор қаратишимиз жоиз. “Қутадғу билиг”даги тўртликларнинг миқдори юзасидан олимларнинг фикрлари турлича. Жумладан, “Фитрат уларни 182 дан ортиқ, И.В.Стеблева 200 дан ортиқ, Х.Усмонов 50 дан ортиқ, А.Н.Самойлович 202 та, Қ.Каримов 205 та

¹ Жўраев О. Мажозий дидактик талқинлар. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 312.

² Маматкулов М. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 2004. – Б. 42.

³ Хўжанова Г. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ҳақиқатлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 78.

эканлигини таъкидлаганлар. Кейинчалик асарнинг учта қўлёзмасини қиёслаш орқали уларнинг сони 210 та эканлиги маълум бўлди”¹.

Асар тўртликларининг муаллифи масаласи ҳам тортишувларга сабаб бўлган. Бир гуруҳ олимлар, жумладан, А.Фитрат, Х.Усмоновлар уларни бошқа муаллифларга тегишлилигини таъкидласалар, яна бошқалари асар тўртликларининг айримлари муаллифга, қолганлари бошқа муаллифларга тааллуқли эканлигини уқтирганлар. Савол туғилади, айнан қайси муаллифларга? Бу савол очик қолган. А.А.Валитова ва Қ.Каримовлар тўртликларнинг асосий қисми Юсуф Хос Ҳожибга тегишли, баъзилари фольклорга алоқадорлигини таъкидлашган. Бу ўринда алоқадорлик масаласини ўзлаштиришдан фарқлаш керак. Чунки асар тўртликларининг бош ғояси марказида инсон омили туради. Ёзувчи ёки шоир кишилик жамиятида яшаб ижод қилар экан, шу жамият ғояларидан алоҳида ҳолда ижод қила олмайди. Демакки, ҳар қайси адиб жамият ғоялари доирасида яшайди. Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларида фольклор намуналарининг бўлиши табиий ҳол сифатида қабул қилиниши лозим ва буни фольклордан айнан кўчирма сифатида қабул қилиш ноўрин. Тўртликларнинг вазни, мавзуи, бадий тасвир воситалари ва услубини чуқур таҳлил этган Б.Тўхлиев асар тўртликларининг барчаси айнан муаллифга тегишли эканини уқтиради. Бизнинг фикримизча ҳам асардаги тўртликларнинг ҳаммаси Юсуф Хос Ҳожибга тегишли.

Тўртлик ҳақида гапирилганда унинг бошқа шеърий шакллар – бандлардан фарқли жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим. “Маснавийдан фарқли ўлароқ, тўртлик бандда қофия тартибини турлича ўзгартириш имконияти бор. Шунинг учун тўртлик шаклида ёзилган асарларда шоирлар

¹Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. – Т.: Аср-матбуот, 2004. – С. 26. Бу ҳақда яна қаранг: Фитрат Абдурауф “Кутадгу билик” // Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 15.

ўзларини анча эркин ҳис этадилар ва фақат қофиядагина эмас, вазнда ҳам янги турлар юзага келтиришга уринадилар”¹.

Рус шеърлятида ҳам тўртлик жанри кенг қўлланилади. “Катрен (французча – quatrain – тўртлик) – тўрт қатордан иборат, тоқ ёки жуфт қофияланувчи мустақил шеърй жанр бўлиб, Европа шеърлятида кенг қўлланилади. Унинг беш хил қофияланиш тури бор: *аааа* (монорим қофия), *ааба* (иккилик шакл: одатда, учинчи қаторда ички қофия *б* қўлланилади)”, *абба* (бир-бирига боғланувчи қофия), *абаб* (кесиб ўтувчи қофия (перекрестная)), *аабб* (жуфт қофия)”. Катренда, одатда, қисқа ҳажмда катта маъно англатувчи лирик ва дидактик шеърлар яратилади”². Рус шеърлятида бу термин сонетнинг биринчи икки бандига нисбатан ҳам қўлланилади:

Вечер уснул в траве,
Ветром прогнав рассвет.
Вой волчий будто свой –
Нет тебя рядом, нет... (С.Есенин)³.

Инглиз ва америка шеърлятида ҳам тўртлик (quatrain) кенг тарқалган жанр саналади. Инглиз тилли шоирлар асосан тўртликнинг қуйидаги шаклларида ижод қиладилар:

1. *Баллада* (The ballad stanza). Бундай тўртликлар асосан халқ кўшиқлари таъсирида ёзилган шеърларни ўз ичига олиб *абсб* тарзида қофияланади.

There lived a wife at Usher's Well,
And a wealthy wife was she;
She had three stout and stalwart sons,
And sent them o'er the sea. (Anon., *The Wife of Usher's Well*)

Бундай тўртликларнинг, асосан, жуфт мисраларигина қофияланиб, тоқ мисралари очик қолади.

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 233.

² <http://www.liveinternet.ru/users/2106521/post80252058/>.

³ <http://feb-web.ru/feb/litenc/encyclop/le5/le5-1631.htm>.

2. *Қаҳрамонлик ёки марсия тўртликлари* (The heroic quatrain, or elegiac stanza). Инглиз шеъриятида кенг тарқалган мазкур тўртликлар асосан қаҳрамонларнинг мардликлари ва ғалабаларига бағишланиб, улар марсия шаклидаги шеърлардир. Одатда, улар ямбада бўлиб, мисралар навбатманавбат: тоқ мисралар ўзаро, жуфт мисралар ўзаро *абба* тарзида қофияланади.

The curfew tolls the knell of parting day,
The lowing herd winds slowly o'er the lea;
The plowman homeward plods his weary way,
And leaves the world to darkness and to me.

(Gray, *Elegy Written in a Country Churchyard*)

3. *Жуфт қофияли тўртлик* (One rhyming pair enclosing another). Тўртликнинг бошланувчи ва якунловчи мисралари ҳамда орадаги икки мисра эса ўзаро қофияланади. Бу турдаги тўртликлар ўзининг жозибаси ва оддийлиги, оҳорли оҳанги билан аҳамиятлидир. Улар кўпинча *абба* тарзида қофияланиб, замонавий шоирлар томонидан кенг қўлланилади.

Thy voice is on the rolling air;
I hear thee where the waters run;
Thou standest in the rising sun,
And in the setting thou art fair. (Tennyson, *In Memoriam*)

4. *Уч қатори қофияланувчи тўртлик* (Three rhyming lines). Бундай тўртликлар *аабба* тарзида қофияланиб, инглиз шеъриятида жуда кам ишлатилади. Бу шакл шоир ва таржимон Эдуард Фитджеральд ижодида кузатилади. У Умар Хайём рубоийларини шу шаклда инглиз тилига ўгирган.

Book of Verses underneath the Bough,
jug of Wine, a Loaf of Bread-and Thou.
Beside me singing in the Wilderness-
Oh, Wilderness were Paradise now! (Fitz Gerald, *The Rubaiyat*)

5. *Икки мисраси ўзаро қофияланувчи тўртлик* (Two couplets rhyming quatrain). Бундай тўртликлар асосан *аабб* тарзида қофияланади.

A Sensitive Plant in a garden grew,
And the young winds fed it with silver dew,
And it opened its fan-like leaves to the light,
And closed them beneath the kisses of Night. (Shelley, *The Sensitive Plant*)

6. Тўрт қатори бир хил қофияланувчи тўртлик (Four rhyming lines quatrain). Одатда, бундай тўртликларда шоирлар қаторларни бир хил *aaaa* тарзида қофиялайдилар.

From perfect grief there need not be,
Wisdom or even memory;
One thing then learned remains to me,
The woodspurge has a cup of three.

(Rossetti, *The Woodspurge*)¹

Кўришиб турибдики, инглиз адабиётида тўртликларнинг ўзига хос кўринишлари кам эмас. Шунга қарамай, “Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча таржималарини қофия мутаносиблиги асосида қиёсий таҳлил этиш бу йўналишда бир қатор ўзига хосликлар мавжудлигини кўрсатиб турибди.

“Қутадғу билиг” тўртликларининг қофия тизими ўзига хос. Маълумки, “қофия шеър интонациясида, ритмик таркибида, синтактик-семантик бирлигида, банд тузилишида муҳим вазифа бажаради, у шеърини нутқни оҳангдор ва таъсирли қилишга хизмат этади, мисраларнинг ёдланишини осонлаштиради”². Н.Комилов асосли таъриф берганидек, “Қофия барқарор, доимий унсур сифатида шеърдаги бошқа мусикий элементларни эргаштириб, бир маромга йўналтириб туради ва айни вақтда мисраларнинг “бошини қовуштиради”³.

¹ <http://www.uni.edu/~gotera/CraftOfPoetry/quatrain.html>.

² Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б.317.

³ Комилов Н. Фирдавсийнинг шеърини карвони // Таржима санъати. 5-к. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б.110.

“Қутадғу билиг” тўртликларнинг рус ва инглиз тиларидаги таржималари қиёсий таҳлил этилганда уларнинг қофияланиши қуйидагича эканлиги аниқланди:

Қофияланиши						Турлича
Таржимонлар	<i>ааба</i>	<i>аабб</i>	<i>абсб</i>	<i>аааа</i>	<i>абаб</i>	қофияланган ёки қофияланмаган
С.Н.Иванов	149	28	2	8	3	10
В.Мей	1	176	2	2	2	17
Р.Денкофф	8	24	137	1	15	15

Асардаги қуйидаги тўртлик қофияларини учта тилдаги мавжуд ҳолатлари бўйича таҳлил этамиз:

Тапуғчы йаңылса оқығу кэрək,

Нэкукэ йаңылмышны сорғу кэрək.

Йазуқы бар эрсэ қынағу тутуб,

Йоқ эрсэ миң эдгун авытғу кэрək (627-628).

Хизматкор янглишса, уни чорлаш керак,

Нима сабабдан янглишганини сўраб билиш лозим.

Гуноҳи бор бўлса, тутиб жазолаш керак,

Агар йўқ бўлса, минг хил эзгуликлар билан хурсанд

қилиш керак¹.

Р.Денкофф таржимасида:

The wayward servant should be called

And questioned on his fault:

If guilty, punished; but consoled,

With countless gifts if not².

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф Қ.Каримовники. – Т.: Фан, 1971. – 971 б. Бундан кейин таҳлилга тортилган тўртликларнинг қадимги туркий ва ўзбекча мазмуни шу манбадан олинади ва байтлар рақамлари кўрсатилади.

² Yusuf Has Hajib. “Wisdom of Royal Glory” Translation with an Introduction and Notes by Robert Dankoff. The University of Chicago Press, – Chicago: 1983. – P.60. Бундан кейин Р.Денкофф таржималари ушбу китобдан олиниб, саҳифа рақами келтирилади.

Мазмуни:

Итоатсиз хизматкор чақирилиб,
Айби учун сўроқ қилиниши керак.
Айбдор бўлса жазолаш, айбсиз бўлса,
Чексиз совғалар билан сийлаш керак¹.

Мутаржим тўртликни анча ижодий ва эркин тарзда ўгирган. Бошқа кўпгина ҳолларда бўлгани каби, бу ерда ҳам тоқ мисралар ўзаро, жуфт мисралар ўзаро (*абаб* шаклда) қофияланиб келган. Тўртликдаги бош маъно таржимада асосан сақланган.

Р.Денкофф таржималарининг кўпчилигида мисралар ўзаро оч қофияланганини кўриш мумкин. Бу ҳам инглиз шеъриятининг ўзига хос жиҳатларидан бири. “Инглиз поэзиясидаги “кўз учун” қофияларининг қофиядошлик даражаси ўзбек (оч) қофияларига монанд, уларнинг тўла қофиядош бўлмаса-да қофия захирасини бойитишга кўмаклашиши ҳам бирига мутаносиб”².

Таржима қонуниятларига кўра, шеър таржимасида “қофияни қофиялаб” ўгириш амримаҳол ва ҳатто бунинг иложи йўқ. Шу боис таржимада қофиядош сўзлар ўзгарган. Аслиятда қофия *оқығу кэрәк-а, сорғу кэрәк-а, авытғу кэрәк-а* тарзида бўлса, инглизчада *called, consoled; fault, not* шаклига кирган. Бу инглиз шеъриятидаги қаҳрамонлик ёки марсия тўртликлари (*The heroic quatrain, or elegiac stanza*)га хос шакл. Қофия яхши, умумий мазмун очилган, аммо шеърда мусиқий жозоба, “Қутадғу билиг”нинг залворли ва нафис оҳанги йўқ. Бунга аслиятда мавжуд бўлган радиф ва ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда қўлланилаётган аллитерациянинг тушириб қолдирилиши ўз таъсирини ўтказиб турибди.

¹ Инглизча вариантларнинг ўзбекча мазмуни диссертант томонидан таржима қилинган.

² Бақоева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т.: 2004. – Б. 272.

“Шеър икки оқим таъсирида ҳаракатга келади. Биринчи оқим унинг мазмуни, яъни фикр оқими бўлса, иккинчи оқим шу мазмунни ўқувчига мумкин қадар таъсирчан етказишга ёрдам берувчи назм оқимидир”¹.

Юқоридаги таржимада фикр оқими сақлангани ҳолда назм оқими суствлашганини эътироф этишга тўғри келади. Одатда, шаклдаги ўзгариш мазмунга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Мисолимизда аслиятда анча нейтрал мавқеда бўлган “тапуғчи” таржимада “servant” сўзи билан берилган. Луғатларда унинг умумий тарзда “хизматкор” деган маънони англатиши қайд этилади². Аммо таржимон унинг олдидан битта сифатни ҳам келтиради. Бу “wayward – итоатсиз” сўзидир. Мазкур сўзнинг қўшилиши билан байтдаги умумий маънога бир оз ўзгариш киради. Агар аслиятда гап ҳар қандай хизматкор устида бораётган бўлса, таржимада хизматкорларнинг умумий тартиб-интизомдан четда турадиганлари – итоатсиз хизматкорлар ажратиб кўрсатилмоқда. Модомики, гап итоатсиз хизматкор ҳақида борар экан, уни алоҳида чақириб, унинг устидан сўров-суриштириш ишларининг олиб борилиши мантиқ ипини бир озгина бўшаштириб қўйгандек туюлади. Зеро, айбдор хизматкорнинг айбсизлиги ҳақидаги қисм бу ерда ортиқча бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам “хизматкор”нинг аслиятдаги бирорта сифат ва эпитетсиз қўлланиши табиий эди. Мазкур сифатнинг қўшилиши билан, назаримизда, бу табиийликка путур етган.

Таржимашунос олим М.Холбеков таъкидлаганидек, “Таржима қилинаётган асарнинг жанр хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таржима жараёнига турлича ёндашиш мумкин”³. Аммо, туркий шеърятнинг жанр хусусиятлари уларнинг шаклий тузилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Таржимада бу жиҳатларнинг бузилиши шеърнинг муסיқий гўзаллигига соя солади. Хусусан, “Қутадғу билиг” тўртликларининг қофияланиш услуби, байтларнинг жойлашуви, уларнинг анъанавий шеърый тили, вазни, муаллиф

¹ Ўша дисс.... – Б. 246.

² Англо-русский словарь. Составитель В.К.Мюллер. – М.: Русский язык, 1985. – С. 655.

³ http://www.uzas.uz/uzbl/jamoat_fondi_loyihasi_materiallari/janr_xususiyatlari_lisoniy_yondashuv.mgr.

кечинмаларини ифода этувчи интонация ва мусиқавийлик таржимада акс этмас экан, инглиз қитобхони XI аср туркийларига хос ҳаёт тарзи, бепоён водий ва дала-даштлар нафасидан, чуқур ҳаётӣ тажрибаларни ўзида мужассам этган фалсафий умумлашма ва шарқона ҳикматлар оҳангидан бебаҳра қолаверади. Мазкур жиҳатларни ўзида жамламаган таржималар орқали эса инглиз ва америкаликлар қадимги туркий ҳаёт манзарасини ҳозирги Англия ёки Америка қиёфасида тасаввур этаверадилар.

“Асар мусиқасини ҳис қилиш, уни таржимада тўғри тараннум этиш асосий талабдир. Мусиқани ҳис қилмаган таржимон шеърнинг руҳига киролмайди. Асарнинг маъно-мағзини бериш худди шу мусиқавий гармонияни акс эттириш орқали амалга ошади”¹.

Р.Денкофф асарнинг инглизча нашрига илова қилган киришда куйидагиларни таъкидлайди: “Тўртликларни шеърӣ тарзда беришда мен асосан уларнинг умумий матндан ажралиб туришини мақсад қилдим, чунки улар бошқаларидан фақатгина қофияланиши билан ажралиб туради. Менинг тўртликлар таржимасида кўпроқ эркинликни танлашдан мақсадим аслиятга яқинроқ келиш эди”². Аммо юқорида таъкидланганидек, асар тўртликлари бошқа жанрлардаги байтлардан қофияланиши билан эмас, балки семантик ва композицион жиҳатдан ҳам тубдан фарқ қилади.

Юқоридаги тўртликнинг В.Мей таржимаси:

A servant grows careless – for him you must send,
And find out the reason for his discontent.
And if he is guilty – then punish him sore.
But if he is not –then reward him once more (641-642)³.

Мазмуни:

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 126.

² “Wisdom of Royal Glory” Translation with an Introduction and Notes by Robert Dankoff. – Chicago: The University of Chicago Press, 1983. – P. 35.

³ Yusuf Balasaguni. Beneficent Knowledge // Translated into English by Walter May. – Moscow-Bishkek: 1998 – P.60. Бундан кейин В.Мей таржималари ушбу китобдан олиниб, байтлар рақами келтирилади.

Хизматкор эътиборсиз бўлиб қолса, унга одам юбориш керак,
Унинг норозилиги сабабини билиш лозим.
Агар айбдор бўлса, қаттиқ жазола,
Аммо айбсиз бўлса, уни яна бир бора мукофотла.

“Таржимон олдида кўндаланг бўладиган энг катта тўғаноқлардан бири – асл нусха билан таржима тилларидаги шеъринг системанинг монанд эмаслигидир. Агар шу “номонандлилик” ёки тўғаноқ қанчалик бартараф қилинса, бошқа тилда асл нусханинг адекват намунасини яратиш шунчалик осон бўлади”¹. Кўринадики, мутаржимнинг шеър санъатини чуқур эгаллагани бир қарашдаёқ яққол кўзга ташланади. Аслиятга хос мусиқийлик усталик билан қайта яратилган. Тўртлик *send – a, discontent – a, sore – б, more – б* тарзида қофияланган. Бу инглиз шеърлятидаги икки мисраси қофияланувчи (Two couplets rhyming quatrain) тўртликка хос бўлган шаклга тўғри келади. Қофия (*send, discontent; sore, more*) маромида берилган. Бирок аслият мазмунига шикаст етган. Биринчи мисрадаги “Йаңылса” “янглишса”ни “*grows careless*” – “эътиборсиз бўлиб қолса” ва “Йаңылмышны” “янглишганини”ни “*discontent*” – “норозилигини” деб таржима қилиниши натижасида тўртликдаги мантиқ йўқолган. Хизматкор гўё нимадандир норози бўлиб қолган. Ваҳоланки, гап хизматкорнинг норозилиги ҳақида эмас, балки унинг хизмат чоғидаги хатоси устида бормоқда. Бунинг асосий сабаби, тўртликнинг русча таржимасидаги “оплошает”, “недогляда” сўзларини В.Мей оддийгина “*grows careless – эътиборсиз бўлиб қолса*” ва “*discontent – норози*” сўзлари орқали ифодаланидадир.

Тўртликнинг С.Н.Иванов таржимаси:

Слуга оплошает – призвать его надо,
Узнать, в чем притащена его недогляда.
Виновен слуга – накажи его строго,

¹ Саломов Ғ., Жўраев К., Олимов С. Таржима санъати ва санъат таржимаси // Таржима санъати. 4-к. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б.128.

Невинен – ему подобает награда (641-642)¹.

Мутаржимнинг аслиятга мос шеърий таржима ярата олгани яққол кўриниб турибди. Мазмунни тўла очиш билан бирга аслиятга мос *ааба* (*надо, гляда, строго, награда*) қофия тизимини ҳам яратган.

“Шеър она тили бағрида пайдо бўлади ва шу тил соҳиби бўлган халқнинг завқу ҳиссиётини қондиришга хизмат қилади. У таржима учун ёзилмайди, лекин таржима қилинади. Бошқа миллат китобхонлари ҳам ундан лаззат олишга муяссар бўлсинлар деб, таржима қилинади”².

Шарқ шеъриятининг шаклий хусусиятларини ғарб тилларига таржима қилиш мутаржимдан улкан маҳорат талаб қилиши тайин. Айниқса, унинг қофия ва вазнини Ғарб тилларидаги муқобил вариант билан бериш мушкул. Бироқ, таржимачилик тарихидан маълумки, Шарқ шеъриятининг нодир намуналаридан кўпчилиги Ғарб тилларига муваффақиятли таржима қилинганки, бу мутаржимларнинг юксак савиядаги билим ва санъатлари намунаси сифатида қадрлидир. Шу маънода “Қутадғу билиг”нинг инглиз тилига шеърий таржима қилинганлиги бу соҳада катта имкониятлар мавжуд эканлигини исботлаб берди. Асар тўртликлари Р.Денкофф ва В.Мей тажрибаларида тўлалигича шеърий тарзда қайта яратилди. Инглиз китобхони уларни назм шаклида ўқиш имконига эга бўлди.

“Қутадғу билиг” тўртликлари қофиясини инглиз тилида қайта яратиш масаласини янада яққолроқ кузатиш ва мутаржимлар тажрибаларини чуқурроқ таҳлил этиш учун бошқа бир тўртликни кузатамиз. У “Ўгдулмишнинг элиг хизматига киришини айтади” бобида келтирилган:

Билигсизкэ давлат йаранса кэлиб,

Билиглигкэ артуқ йарашур кэлиб.

Билигсиз билэ турса давлат қалы,

¹ Иванов С.Н. Юсуф Баласагуни. Благодатное знание. – М.: Наука, 1983. – С.76. Бундан кейин С.Иванов таржималари ушбу китобдан олиниб, байтлар рақами келтирилади.

² Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 80.

Билиглиг билә турға тәң туш көриб (1750-1751).

Юз уриб келган давлат нодонга ярашса,
Донога юз уриб келган давлат жуда муносиб бўлади.
Агар давлат нодон билан турса,
Доно билан жуда мос ва мувофиқ бўлиб туради.

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб билим ва заковатни ғоят улуғлайди ва бу масала асарнинг бошидан то охиригача асосий ғоя сифатида давом этади. Муаллиф билимли кишини кўкларга кўтаради ҳамда давлатнинг билимли билан гузаллик касб этишини, унинг муносиб, ўзаро ярашиқ ҳолда туришини, нодон билан эса номуносиб бўлиб, ярашмай туришини таъкидлайди. Тўртликнинг инглизча таржималарига эътибор қаратилса, ҳар икки мутаржимнинг шу мазмунни қайта яратишдаги ўзига хосликларини кўриш мумкин.

A fool can be happy, if joy knocks his door,
But happiness suits a wise man so much more.
And if, for a fool, happy days do no harm,
For wise men its power has limitless charm (1709-1710).

Мазмуни:

Агар бахт эшик қоқса, нодон хурсанд бўлиши мумкин,
Аммо бахтиёрлик кўпроқ доно кишига мос келади.
Ва, агар бахтли кунлар нодонга зарар етказмаса,
Унинг кучида доно учун чексиз қувонч бор.

Бу шеър В.Мей таржимасида равон ўқилса-да, у аслиятдаги шеърнинг нафосатини бера олмайди. Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, “Шеърда кишининг қонини қайнатғучи, сингирларини ўйнатғучи, миясини титраткучи, сезгисини кўзгатғучи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай

бир кучи бўлмаган сўз вазн ва қофияси бўлсин, шеър бўла олмайди”¹. Бу, ўз навбатида, таржима шеърларига ҳам бирдек алоқадор.

Тўғри, шакл маромида, қофия ҳам маҳорат билан топилган. Бироқ, аслиятнинг мантиқ ва мазмуни таржимада саёзлашиб, унинг ҳаётий фалсафаси жўнлашиб қолган. Тўртлик мантиғига мос бўлмаган “And if, for a fool, happy days do no harm – Ва, агар бахтли кунлар нодонга зарар етказмаса”нинг ноўрин қўшилиши аслият мантиғининг таржимада сусайишига олиб келган. Бу ортиқчалик инглиз китобхонини чалғитади. Аслиятга хос бўлган қофия ва вазни сақлашга бўлган интилиш таржимада сохта шеър яратилишига асос бўлган. Бу ҳолатни М.Бақоева “қофия зулми” деб атаган эди. Бироқ таъкидлаш жоизки, мутаржим тўртлик таржимасига муносиб қофия танлай олган.

Масалага янада ойдинлик киритиш учун В.Мейга аслият вазифасини ўтаган С.Н.Иванов таржимасига мурожаат қиламиз:

И глупый хорош, если счастьем богат,
А умному счастье пригодно стократ.
А если и глупому счастье — не вред,
С умом — его сила не знает преград (1709-1710).

С.Н.Иванов таржимасига ҳам қўшимча “А если и глупому счастье — не вред”нинг киритилгани маълум бўлди. Аслиятдан беҳабар В.Мей таржимадан таржима қилганлиги аён. Билвосита таржималарда бундай хатоликларнинг бўлиши кўп учраб туради. Маълумки, мутаржим билвосита таржимадан кўра бевосита таржимада аслиятга яқин келиш учун эркинроқ ва мустақилроқ ижод қилади.

Таъкидлаш керакки, С.Н.Иванов талқини В.Мейникига қараганда анча мусиқий ва қизиқиб ўқилади ва бу табиий. Чунки у бевосита аслиятдан амалга оширилган. Р.Денкофф эса тўртликни мана бундай ўгирган:

¹ Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари Ҳамидулла Болтабоев талқинларида. 1-китоб. Қайта ишланган ва тузатилган иккинчи нашр. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2008. – Б.64.

Though Fortune favor fools once or twice,
She mainly favors the wise;
Though now and then on a fool she alight,
To the wise she fastens tight (95).

Мазмуни:

Гарчи давлат нодонга бир-икки бора келса ҳам,
У асосан донога келади.
Гарчи ҳозир ва кейин у нодонга ўрнашса ҳам,
Донога у маҳкам боғланади.

Таржиманинг мазмун ва мантиқи аслиятга анча яқин келганлигини эътироф этиш керак. Таржимада фикрлар сиқик ва содда иборалар воситасида ифодаланган. Инглиз шеърятига хос қофия танланган. Шеър В.Мей талқинидек равон ўқилади. Айни пайтда, Р.Денкофф ҳамма тўртликларни ҳам шундай қофия ва вазнга сола олмаган. Мазкур тўртлик шакл ва мазмунини инглиз тилида қайта яратишда у анча муваффақиятга эришган. Эътироф этиш керакки, “аслий асар яратишда қофия шеър ривожланишини таъминлайдиган воситалардан бири бўлса, таржима жараёнида у катта қийинчиликлар туғдирувчи, матн таркибига айрим ўзгаришлар киритишга мажбур этувчи унсурга айланади. Аммо таржима амалга оширилгандан кейин, таржимоннинг оғир меҳнати эвазига, у яна аслиятдаги сингари шеър ривожланишини таъминловчи унсурлардан бири бўлиб қолади”¹.

Демак, таржима қилинаётган шеърый асар ғояси ва уни ўқувчига етказиш йўллари таржимон томонидан етарлича ҳис этилса, асарнинг ўзига хос хусусиятлари ва ундаги услубий воситаларни таржимада қайта яратиш учун Ғарб тилларидаги етарли имкониятлардан унумли фойдаланилса, таржиманинг муваффақиятли чиқиши шубҳасиздир.

¹Бақоева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърый таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т.: 2004. – Б.264.

Таҳлиллардан кўринадикки, илк туркий-исломий маданиятнинг йирик ҳажмли ёзма обидаси Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари жаҳон адабиётининг нодир ёзма ёдгорликларидан биридир. Асар ёзилган пайтдаёқ турли халқлар томонидан севиб ўқилган. Унга турли даврларда турли тоифадаги олимлар катта қизиқиш билдиришган.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда ўзига хос қутадғу билигшунослик мактаби шаклланди ва унда асар тадқиқи бўйича жаҳон миқёсида эътирофга сазовор бўлаётган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Асар юртимизда нафақат адабиётшунослик ва тилшунослик, балки, фалсафа, матншунослик, ахлоқшунослик, жамиятшунослик, педагогика ва таржимашунослик каби фан соҳаларида жиддий тадқиқ этилмоқда. Бу борада кўплаб монографик тадқиқотлар олиб борилди ва бу ишлар давом этмоқда.

Асар XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўрганила бошланди. Венгер олими Ҳ.Вамбери ва олмон-рус шарқшуноси В.Радлов амалга оширган немисча таржималар, турк олими Р.Р.Аратнинг танқидий матни ва туркча таржимаси, ўзбек олими Қ.Каримовнинг транскрипцияси ва ҳозирги ўзбек тилига табдили “Қутадғу билиг”нинг жаҳон туркийшунослари томонидан атрофлича ўрганилиши учун манба ва илмий материал вазифасини ўтади, айти пайтда, асарнинг оламшумул обрўсини янада юқорига кўтарди.

XX асрнинг охирига келиб асар икки бора инглиз тилига таржима қилинди. Биринчи инглизча талқин асарнинг, асосан, насрий таржимаси бўлиб, фақат ундаги 200 та тўртлик шеърий усулда ўгирилган. Иккинчиси тўлалигича шеърий таржимадир ва у аввалги таржимадан ўзининг бадиий услуби билан фарқланади.

“Қутадғу билиг”нинг ҳар икки таржимаси ҳам маънавий соҳада жиддий адабий янгиликдир, лекин шаклий томондан мукамалликни даъво қила олади Уларни аслият билан қиёсий таҳлил этиш асар бадииятини инглиз

тилида қайта яратиш борасида илмий-назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

Рус (катрен) ва инглиз шеъриятида мавжуд тўртлик (quatrain) жанри ўзининг кўп жиҳатлари билан Шарқ тўртликларига яқиндир. Бу тўртликларни рус ва инглиз тилларига шеърий таржима қилишда таржимонларга қулайликлар яратади. Шеърий таржимада “таржима бўлмаслик” ҳолатларини камайтиради.

Эътироф этиш керакки, С.Н.Иванов таржималарида тўртликларнинг аксарияти аслиятга мос ҳолда *ааба*, В.Мей талқинида инглиз шеъриятига хос *аабб* ва Р.Денкоффда эса *абсб* тарзида қофияланган. Таъкидлаш керакки, русча талқин қофия санъатини қайта яратишда қолган икки инглизча талқинга нисбатан анча устунликка эга.

Таржимада мутаржимлар қофия трансформациясини анча яхши ҳал қилганлар. Асардаги тўртликлар таржимасига Р.Денкофф асосан эркин ёндашган. Таржимадаги тўртликлар оҳанги кўпроқ замонавий инглиз шеърлари нафасини беради.

Денкофф талқинларида айрим ўринларда ножоиз қисқартиришларга йўл қўйилган ва бунинг натижасида аслият мазмуни тўлалигича таржимада акс этмаган.

Шеърий мусиқа, оҳанг, интонация ва қофияни беришда В.Мейнинг таржималари устунликка эга. Бироқ, айрим ҳолларда шеърий шакл маромида бўлгани ҳолда аслиятнинг мазмун ва мантиғи таржимада акс этмаган. Бунинг бош сабабларидан бири В.Мейнинг бевосита аслиятга эмас, балки таржимада воситачи тил хизматига таянгани билан белгиланади. Унинг таржимасидаги айрим мураккабликлар воситачи тилдаги поэтик матнга алоқадор бўлган ҳодисалар моҳиятидан келиб чиқади.

II БОБ. ТАРЖИМА ВА БАДИИЙ ЖИЛО

2.1. Таржимада шакл ва мазмун мутоносиблиги ёхуд композицион-семантик бутунлик

“Қутадғу билиг” тўртликларининг бадиий-эстетик хусусиятлари, композицияси ва уларнинг халқ фольклори билан алоқаси масаласи юзасидан бир қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилган¹. Бироқ, ҳозирга қадар асар тўртликлари композициясини хорижий, хусусан, рус ва инглиз тилларида қайта яратиш масаласи таржимашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган. Асарнинг инглизча талқинлари қиёсий таҳлил этилганда, аслиятдаги тўртликлар композицион-семантик хусусиятларининг таржимада акс этиш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эғалиги аён бўлади.

“Маълумки, композиция асарни баён қилиш усули бўлиб, унинг бадиий қимматини белгиловчи унсурлардан биридир. Композиция муаллиф мақсадининг юзага чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам у биринчи навбатда, ғоявий-эстетик тушунчадир”².

“Эстетик нуқтаи назардан қараганда, композиция ижодкор ғоясини, у китобхонга етказмоқчи бўлган фикрни энг қулай, энг мукамал равишда юзага чиқарувчи асар қурилиши тарзидир”³.

“Қутадғу билиг” мукамал композицияга эга бўлган асар. Ундаги воқелик, образлар ва услубга шундай тартиб берилганки, муаллифнинг ифода усули ўқувчини чалғитмайди, балки воқеалар сари ўзи етаклаб боради. Аммо тўртликлар мутлақо бошқа ходиса. Гарчи тўртликлар асарнинг таркибий қисмларини ташкил этса-да, уларнинг нисбий мустақиллигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

¹ Тухлиев Б. Поэтика “Қутадғу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 25-43., Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. – Т.: Фан, 1990. – Б. 19-21., Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва айрим жанрлар тақомили (Маснавий, тўртлик, қасида). – Т.: Асп-Матбуот, 2004. – Б. 26-38., Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Қутадғу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. – Т.: Асп-Матбуот, 2004 – 214 с., Исҳоқов М. Раҳмонов Н., Содиков Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Б. 311-348.

² Sulston I. Adabiyot nazariyasi. – Т.: O‘qituvchi, 2005. – В. 124.

³ Салаев Ф., Курбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б.132.

Б.Тўхлиев асар тўртликларини композицион-семантик хусусиятларига кўра беш турга ажратади:

1. Ўзаро байтлараро маънавий зиддиятли мисраларга асосланган тўртликлар.
2. Бир-бирини маънавий жиҳатдан тўлдирувчи мисраларга асосланган, мантиқий-поэтик ривожланишни кўзда тутадиган тўртликлар.
3. Мисралараро маънавий зиддиятга асосланган тўртликлар.
4. Бутун ва қисм муносабатига таянадиган, деталлаштирувчи мисраларга асосланган тўртликлар.
5. Поэтик фикрни занжирли тарзда ривожлантирувчи мисраларга асосланган тўртликлар¹.

Маълумки, шеъринг асарда шакл ва мазмун бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таржима жараёнида шеърнинг шаклий бутунлиги ўзгарса, унинг нафосатига путур етади. Чунки муаллиф байтлар учун шундай бир композиция танлайдики, бу, биринчи навбатда, унинг индивидуал услуби билан алоқадор бўлади. Бироқ шеърни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда, ўзгаришлар бўлиши табиий. Бусиз таржиманинг иложи йўқ, аммо бу ўзгаришлар аслият тили, услуби ва бадиийлигига соя ташламаслиги лозим. “Қутадғу билиг” тўртликлари композицион-семантик хусусиятларини икки инглизча таржима мисолида таҳлил этиб, таржимонларнинг бу борадаги ўзига хос ёндашувларини кузатдик.

Вазир Ойтўлди ўғли Ўгдулмишга яхши ва ёмон кишилар фазилатлари тўғрисида панд-насихат қилади. Киши эзгуликка ва бойликка етишиши учун хушхулқ ва яхши хислатли бўлиш лозимлигини уқтиради:

Тириг бэг кишикэ кэрэк эдгү йан,

Кэрэк болса булғай қамуғ эдгү нэн.

Эсизкэ нэкулүг кэрэкмас тавар,

Нэчэ кирсэ болғай чығай бирлэ тэн (1294-1295).

¹ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва айрим жанрлар такомилли (Маснавий, тўртлик, касида) – Т.: Аср-Матбуот, 2004. – Б. 26-38.

Тирик бек киши учун яхши хислатлар керак,
У керак бўлса, барча яхши нарсаларни топади.
Ёмон учун мол-товарнинг нима кераги бор,
(Мол-дунё) унга қанчалик келмасин, у барибир қашшоқ
билан тенг бўлади.

Тўртлик композицион жиҳатдан иккига бўлинади. Унда яхши (эзгу) ва ёмон (эсиз) кишилар икки тоифага ажратилиб, ўзаро қиёсланмоқда, уларнинг ўзига хосликлари таққосланмоқда. Бунда сабаб ва оқибат муносабатларининг талқини юзага чиқарилмоқда. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, тўртликда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги масаласи кун тартибига қўйилган. Биринчи байтда яхши хислатли кишиларга муносиб ашёлар керак бўлиши, бундай зарурият бўлганда унинг исталган пайтда мол-давлатга эришишга қодирлиги ҳақида гап борса, иккинчи байтда худди шу заруриятнинг номуносиб (эсиз) кишиларда ҳам мавжудлиги ҳақида гап боради. Фақат ушбу тўртлик табдилида битта ноқулайроқ ифода акс этган, натижада унинг мазмуни ўзгариб кетган. Аслида “Эсизкә нәкулуг кәрәкмәс тавар” мисраси “Ёмон учун мол-товарнинг нима кераги бор” тарзида эмас, балки “Ёмон (одам)га мол-товар нима учун керак бўлмасин” тарзида берилганида мақсадга мувофиқ бўлар эди. Асарнинг туркча транскрипция ва таржимасида бу мазмун тўғри ифодаланган¹.

Шунга қарамай, аслиятдаги поэтик маънонинг бутун ва мукамал эканлиги кўриниб турибди. Унда яхшиларнинг моддий аҳволи қандай бўлишига қарамай, мол-мулкка бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти мавжуд бўлавериши таъкидлангани ҳолда, ёмон кишиларнинг ҳатто мол-давлатга эга бўлганда ҳам, амалда уларнинг маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб қолавериши ифодаланади. Байтлар ўзаро маънавий зиддиятларга асосланган. Мақсад яхши ва ёмоннинг хислатларини таққослаш ва ундан

¹ Arat R.R. Kutadgu Bilig I: Metin. – Ankara: 1979. – P.148., Arat.R.R. Kutadgu Bilig II Çeviri. Turk Tarih Kurumu Basımevi. – Ankara: 1994. 6-baskı. – P. 104.

хулоса чиқариш. Тўртлик икки байтнинг ўзаро мантиқий зиддият орқали бирикишидан поэтик бутунликка эга бўлади. Тўртликдаги бу қарама-қаршилиқлар эмоционалликни оширади ва ўқувчини мулоҳазага чорлайди. Бу муаллифнинг поэтик маҳорати намунаси ва шунинг натижасидир. Бу борада адабиётшунос олим Н.Раҳмонов “Қутадғу билиг”даги жанрларда муаллиф шахсияти ярқ этиб кўзга ташланади, яъни қасида жанрида ҳам, бошқа жанрларда ҳам муаллифнинг индивидуаллашган образини кўрамиз¹, – дея тўғри фикр билдиради.

Асарда келтирилган бу гўзал тўртликнинг рус ва инглиз тилларида қай ҳолатда акс этгани ва композицион бутунлигининг таржималарда қайта яратилишини кузатиш муҳим.

Шу ўринда бир савол туғилади: таржимада тўртлик композициясини сақлаш керакми? Албатта сақлаш керак, чунки аслият муаллифи қўллаган композиция мукамаллиги ва таъсирчанлиги сабаб асар асрлар оша севиб ўқилмоқда. Тўртликлар композициясини таржимада сақлаш имконияти мавжуд ва буни С.Н.Иванов, В.Мей ва Р.Денкофф тажрибаларида кузатишимиз мумкин. Тўртликнинг С.Н.Иванов таржимаси:

О чем бы муж добрый мечту ни берег,
Он все обретае в назначенный срок.
А злomu любое богатство не впрок:
Он как ни богат, а и нищ и убог! (1307-1308)

Мазмуни:

Эзгу киши қанчалик ўз орзуларидан тийилмасин,
ўз пайтида орзуларига эришади.
Ёвуз киши учун ҳар қандай бойлик (мол-дунё) фойдали эмас,
(Аmmo) у қанчалик бойимасин, барибир, камбағал ва бечоралигича
қолаверади.

¹ Раҳмонов Н. Кўҳна битиктошлар. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 64.

Кўринадики, русча талқинда тўртликнинг қофияси анча тўла (гарчи биринчи мисра қофияси нисбий заифликка эга) акс этган. У ҳатто тўртала мисраси ҳам қофияланган тўртликлар шаклига яқинлаштирилган. Энг муҳими, аслиятдаги мавжуд ҳолат – унинг композицияси сақлаб қолинган. Аслиятдаги яхши ва ёмон кишиларга берилаётган таъриф, уларнинг айирмасини кўрсатиб бериш таржимада янада образлилашган ва кучайган.

В.Мей таржимаси:

No matter what dreams a good person may treasure,
He'll realize all in good time, and good measure.
The bad man will have no good riches in store,
And even wealthy, lives really quite poor! (1307-1308)

Мазмуни:

Яхши одам нимани орзу қилса, етишади,
У ҳамма нарсага ўз вақтида ва меъёрида эришади.
Ёмон одамнинг бисотида яхши бойлик бўлмайди,
Бой бўлса ҳам, камбағал яшайди.

“Шарқ шеърятининг қасида, ғазал, рубоий каби жанрларини бошқа тилга таржима қилганда, уларнинг муҳим шаклий жиҳатлари сақланмаса, оҳанг ҳам, маъно ҳам юзага чиқмайди”¹, – деб таъкидлаган эди Ғ.Саломов. Бу фикр тўртликларга ҳам тўла алоқадор. Таржимада мутаржим тўртликнинг мазмун доирасидан узоқлашмаган, аксинча у русча талқинни тўғри англаб, фикрни кўшимча (ўз вақтида, меъёрида) мисоллар билан тўлдирган. Бу ижобий ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин. Асосийси, мазмун тўқис ва тўртликнинг композицион-семантик бутунлиги тўла акс этган. Гарчи тўртликнинг қофия тизими (аслиятда *ааба* – таржимада *аабб*) сақланмаган бўлса-да, биз уни бадий жиҳатдан заиф шеърлар қаторига кирита олмаймиз. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд:

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 138.

1. Асардаги тўртлик айни шунча ҳажмда, яъни тўрт мисра орқали таржима қилинган.
2. Унинг қофия тизимида имкони борича тўрт мисранинг оҳангдошлигини сақлашга ҳаракат қилинган. Фақат бу ерда улар ёнма-ён мисралар орасидаги қофиядошлик шаклида рўёбга чиққан. Шунга қарамай, аслиятда мавжуд бўлган байтлар орасидаги мантиқий зиддиятнинг сақлаб қолинганлиги бу ҳодисани сезиларсиз ҳолга олиб келган.
3. В.Мейнинг тўртликни бу тарзда таржима қилиши унинг бевосита инглиз китобхонини кўпроқ назарда тутгани билан асосланиши мумкин. Зеро, инглиз шеъриятида тўртликнинг бир кўриниши (*Иккитадан ёнма-ён мисралари қофияланувчи тўртлик* (Two couplets rhyming quatrain)) айни шу шаклга ниҳоятда мос келади.
4. Банд мисраларидаги бир оз пасайгандек кўринадиган умумий оҳангдошликни эса кўшимча воситалар орқали қайта тиклашга ҳаракат қилинган. Хусусан, бу ерда “good” (“яхши”) сўзининг уч марта такрорланиши, уларнинг ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода қўлланиши ҳам поэтик нафосатнинг тўлароқ бўлишига ўз ҳиссасини кўшган.
5. Таржима воситачи тил орқали амалга оширилган бўлса-да, унинг аслиятга нисбатан яқинроқ эканлиги кўзга ташланади.

Шу ўринда тўртликнинг Р.Денкофф таржимасига юзланамиз:

So long as it is the good a man desires,
 What need the wealth?—he'll get what he requires.
 What need indeed have the wicked and the greedy?
 Whatever they possess they still are needy (82).

Мазмуни:

Ҳамон киши ният қилса яхши,
 Қандай бойлик керак унга? Нима керак бўлса, етишади.
 Жоҳил ва очкўзларга ўзи нима керак?
 Барчасига эга бўлса ҳам, улар қашшоқдирлар.

Албатта, бу ерда поэтик инверсия туфайли юзага чиққан гап курилишидаги муайян ўзгачаликлардан кўз юмиб бўлмайди. Бу ерда “good” бевосита “man” – “киши”га эмас, балки “desires” – “умид қилмоқ”, “ният қилмоқ” сўзига алоқадор. Мазмун аслиятга монанд, композиция ўз ўрнида, ритм маромида ва тўртликнинг ўқилиш оҳанги аслиятга мос. Таржимада ҳам тўртлик икки маънавий зиддиятли қисмларга бўлинади. Бу ҳам таржимоннинг аслиятга содиқлиги. Қофияланиш бир оз ўзгарган (*аабб*). Бунинг ҳеч қандай салбий томони йўқ. Чунки шеър таржимасида қатъий қофия шаклини талаб қилиб бўлмайди. Шеъринг таржима мазмун бутунлигидан ташқари, ритмик ва мусиқий-интонацион бутунликни ҳам талаб этади. Демак, булардан ташқари композицион-семантик бутунлик ҳам шеъринг таржима учун зарурий талаб. Тўртликнинг уч мутаржим томонидан амалга оширилган таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили шуни кўрсатадики, таржимонлар имконият доирасида аслиятга садоқат кўрсатишган. Бироқ, уларнинг мазмунни баён этиш услуби турлича. Бу – табиий, чунки ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби бўлгани каби, мутаржимнинг ҳам индивидуал услуби мавжуд.

Кўринадики, мутаржимлар тўртликларнинг композицион бутунлигини сақлашга уринганлар ва мазкур мисолда бунинг уддасидан чиққанлар. Таъкидлаш лозимки, кўпгина тўртликлар таржимасида бу ижобий фазилат устуворлик қилган. Аммо, айрим ҳолларда тўртликларнинг композицияси ўзгаргани ва натижада улардаги поэтик фикр мазмуни таржимада саёзлашгани, ундаги поэтик жилонинг хиралашгани ҳам кўзга ташланади.

Ўгдулмиш Ўзғурмишга сарой аҳли билан муомала қилиш одоби хусусида ўз мулоҳазаларини айтар экан, бу ердаги – саройдаги асосий хулқу одоб андозаларини ҳам эслатиб ўтади. Саройда (умуман, кундалик турмушда ҳам) катталарни доимо ҳурмат қилиш кераклигини уқтиради. Бу фикр шоир томонидан қуйидаги тўртликда мужассамлаштирилган:

Кичигкә улуғлуқ улуғдын тәгир,

Улуғқа тапунса кичиг қут алыр.
Улуғлар сөзин тут йүмүш қыл йүгүр,
Улуғ сөзи тутса тиләккә тәгир (4075-4076).

Кичикка улуғлик улуғдан етади,
Улуққа хизмат қилса, кичик қут олади.
Улуғвор (улуғлар – Қ.С) сўзини тут, юмуш қил, югур,
(Ким) улуғ сўзини тутса, тилакка етади.

Тўртликнинг композицияси ўзига хос. Байтлар мазмуни бир-бирини талаб қилади ва айна пайтда алоҳида ҳолда ҳам мустақил мазмун бера олади. Биринчи байт иккинчи байтни семантик жиҳатдан тўлдирмоқда, яъни фикрлар занжирли тарзда ривожлантирилмоқда. Биринчи мисрадаги фикрни иккинчи мисра тўлдиради. Кейинги икки мисра эса олдинги икки мисра – дастлабки байтларнинг поэтик изоҳи вазифасини ўтайди. Тўртликнинг семантик жиҳатдан мукамал бўлишида унинг композицияси муҳим ўрин тутган. “Таржимон олдида турган энг муҳим вазифа аслиятнинг моҳиятини, шоирнинг бадий маҳоратини мазмунан тўла, шаклан гўзал қилиб ифодалашдан иборат. Лекин аслиятнинг ҳамма жиҳатларини тўлиқ ўгиришнинг ҳамиша ҳам имкони йўқ. Шу боис таржимада баъзи ўзгаришларнинг рўй бериши табиий. Унда шакл ва баъзан мазмуний аниқликлардан воз кечилади”¹. Тўртликнинг Р.Денкофф таржимаси:

Glory attaches to the small,
From service of the great.
When nobles command, run to obey:
You'll rise to high estate (175).

Мазмуни:

Кичикка улуғлик,
Катталарга хизматдан келади.

¹ Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2003. – Б. 78.

Улуғлар буюрса, итоат қилишга шошил:

Сен юқори мартабаларга эришасан.

Бир қарашда таржимада мазмун “маълум” маънода акс этгандек, бироқ аслиятдаги кенг мазмун, оҳанг ва бири-бирини тўлдирувчи байтлар тўла ўз ифодасини топмай қолган. Бу таржимада эркинлик асосида қисқартиришларни кўпайтириб юбориш натижасида рўй берган. Шеърий таржимада эркинлик бўлади, аммо бу даражадаги “қурбон”лар ҳисобига эркинлик яхши натижага олиб келмайди ва бу мутаржимга ҳам обрў келтирмаслиги табиий. Таржимон эркинлик билан ижодийликни бир меъёрда тутмас экан, аниқ таржима чиқиши мушкул. Бу ўринда тўртликларнинг бадийлигини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Мутаржим аслиятдаги айрим фикрлар (Кичигкә улуғлук улуғдын тәгир – кичикка улуғлик улуғдан етади, йүмүш қыл – юмуш қил, улуғ сөзи тутса – (ким) улуғ сўзини тутса)ни ўринсиз такрор, деб ҳисоблайди ва уларни таржимада беришдан воз кечади. Ваҳоланки, Юсуф Хос Ҳожиб “улуғ” ва “улуғлук” сўзларини бежиз такрорлаётгани йўқ. Улар адиб кўзда тутган поэтик фикрнинг ярқ этиб кўзга ташланиши учун катта имконият бермоқда. Таржимон эса шу имкониятни тўла илғамаган ёки уни бериш устида жиддийроқ бош қотирмаган. Таниқли таржимашунос олимлар Ғ.Саломов ва Н.Комилов тўғри таъкидлаганларидек, таржимадаги санъаткорлик, ижодий меҳнат муаллифларнинг ҳаммасини ўзи севган шеърий қолип билан ўгиравериш эмас, ҳар бир муаллифнинг ўзига хослиги, маҳорат ва жозибасини нечоғлик сақлашда намоён бўлади¹. Бу тўртликлар композициясини таржимада сақлаш масаласига ҳам алоқадор. Тўртликнинг С.Н.Иванов ва В.Мей таржималарига эътибор қилсак, аслиятга ҳам, унинг композицион ва семантик жиҳатларига ҳам бошқачароқ ёндашувлар мавжудлигини кўрамыз:

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 97.

От старших и малым даётся почет:
Кто старшим послужит, тот счастье найдет.
Прислуживай старшим и чти их наказ,
Послушаешь старших – достигнешь высот! (4178-4179)

Кўринадики, русча таржимада аслият композицияси нисбатан тўла акс этган. Асосий поэтик маъно қамраб олинган. Катталарга ҳурмат ва эҳтиром, унинг натижасида келадиган улуғлик таржима мазмунида анча ёрқин тарзда ифодаланган. Тўртликнинг шаклий хусусиятлари, айниқса, қофия тизими аслиятга мувофиқ ва муносиб тарзда ўгирилган.

В.Мей таржимаси:

From elders and lesser men you will win praise:
To serve well your seniors means happy days!
Attend to their orders, and do what they say –
For obedience to them is the very best way! (4180-4181)

Мазмуни:

Катта ва кичиклардан сен мақтов оласан:
Катталарга хизмат қилиш бахтли кун демакдир!
Уларнинг буйруқларига қулоқ сол, улар нима деса бажар,
Уларга бўйсуниб энг аъло йўлдир!

Таржима Р.Денкофф талқинига нисбатан аслиятга анча яқин. Тўртликнинг таржимадаги хос қофияланиши (аабб) мукамал. Мазмун ҳам етарлича очилган. Аслиятдаги айрим фикр (Улуғ сөзи тутса – (Ким) улуғ сўзини тутса)- лар таржимада йўқ, бироқ бу асосий мазмунга соя ташламайди. Аслиятда ва русча талқинда бўлмаган “кичик кишидан ҳам мақтов олиш” умумий мазмун мантиғига янада аниқлик киритади. Инглиз тилидаги “happy day” – “бахтли кун” ифодасининг киритилиши таржимадаги муваффақиятли нуқталардан биридир. Аслиятдаги “қут алып” – “қут (бахт-саодат) топади” ифодаси мантиқан инглизчада ўзининг тўлиқ талқинини топган. Демак, шоирона иқтидор аслиятга эркинроқ ёндашилганида ҳам, барибир, поэтик

мазмуннинг аниқ ва таъсирчан ифодаланишига имкон бераверади, деб айтиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, тўртликнинг асосий хулосаси – “катталар сўзига қулоқ солиш” аслиятда “Улуғ сөзи тутса тиләккә тәгир”, русчада “Послушаешь старших – достигнешь высот!” ва В.Мейда “For obedience to them is the very best way!” тарзида ифодаланган. Кўринадики, аслият мантиғи русча талқинда кенг ва образлироқ ифодаланган. Назаримизда, инглизча талқинда “For” предлоги жуда зарурий элемент сифатида кўринмайди. У тегишли ритмни яратиш, таржимадаги вазннинг бутунлигини сақлаш учунгина қўлланган восита сифатида кўринади, холос.

“Ижодий аниқликда ҳам эркинлик бор. Лекин бу эркинликлар асар хусусияти, муаллиф услубини бутунлай ўзгартириб юбормайди, аксинча аслиятнинг муҳим фазилатларини қайта яратишга хизмат қилади, шеърнинг янги тилда бадий етук бўлиб чиқишига ёрдам беради”¹. Демак, айрим ҳолларда мутаржимнинг ижодий қўшимчаси таржиманинг мукамаллиги ва бадийлигини оширади.

Энди бошқа бир мисолни кўрайлик:

Бу қут қайда болса бойун бэр, йараш,
Қалы орнасаң қутқа қадғун күрәш.
Бу қут кәлсә йаңлуқ қутадуз күни,
Түмән арзу бирлә толулаб йараш (666–667).

Бахт-давлат қаерда бўлса, унга бўйин бер, яраш,
Агар бахтга эришсанг, қайғу билан кураш.
Бахт келса, киши, албатта, бахтиёр бўлади,
Туман (хил) орзуларга тўлиб, бахт билан яраш.

Тўртлик бахтга эришишнинг ўзига хос “рецепт”ини тавсия этмоқда. У яхлит бир тушунчани деталлаштириб берувчи мисраларга асосланган бўлиб,

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 106.

унда бахтга етишиш учун интилаётган киши қиёфаси тасвирланади. Воқеалар аста-секин ривожланиб боради, бахтга етишмоқчи бўлган кишининг ҳолатлари (бахтга бўйин бер, қайғу билан кураш, орзуларга етиш, бахт билан яраш!) деталлаштирилиб тасвирланади. Бу эса композициянинг нафис ва ўзига хос бўлишини таъминлайди.

Тўртликнинг русча ва икки инглизча таржимасини аслият билан қиёслаб таҳлил этамиз. С.Н.Иванов талқини:

Где б ни было счастье, ты следуй за ним,
Не верящий счастьем бедою гоним.
Кто счастья добился – спасен от невзгод,
Найдет он свершение желаньям своим! (681- 682)

С.Н.Иванов бошқа ҳолатларда бўлгани каби, бу ерда ҳам тўртликнинг шаклий-поэтик жиҳатларини тўла эътиборда тутган. Албатта, таржимада таржимон мансуб бўлган тил имкониятларига таянилгани ҳам тасодифий эмас. Аслиятда дастлаб бахт билан “иттифоқ тузиш”, муросада бўлиш устуворлик қилмоқда. Рус тилида эса у биттагина феъл (“следуй”) билан акс эттирилган. Аммо шунинг ўзиёқ аслиятдаги маънонинг юзага чиқиши учун етарли имкон яратган. Аслиятда иккинчи мисра кутга эришган кишининг қайғу билан курашмоғи кераклиги устида боради. Таржимада ҳам шу фикр мавжуд. Фақат у ерда ушбу фикр “саодатга ишонмаган киши баллофатларнинг қувғинида қолади” тарзида берилган. Таъкидлаш лозимки, шаклнинг ўзгачалиги маъно яхлитлигига путур етказмаган. У шу ҳолати билан тўртликнинг маъносини тўла ва чиройли тарзда бера олган. “Бахтли бўлади” маъносининг унинг синоними бўлган “балолардан қутулади” (“спасен от невзгод”) ифодаси билан берилиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Энди тўртликнинг инглизча таржималари билан танишайлик:

В.Мей таржимаси:

Wherever flies happiness, after it fly,

Who believes not in happiness, soon he will die.
Whoever finds happiness – h e will be saved,
With wishes accomplished his way will be paved! (681-682)

Мазмуни:

Бахт қаерга учса, ортидан уч,
Ким бахтга ишонмаса, у тезда ўлади.
Ким бахтни топса, у сақланиб қолади,
Орзуларга етиб, йўли равон бўлади.

Р.Денкофф таржимаси:

Bow your head to Fortune,
Or wrestle with grief and care.
The man with Fortune blessed,
Has a thousand goods to share (62).

Мазмуни:

Бахтга бошингни эг,
Ўки қайғу ва алам билан кураш.
Бахти кулган кишининг
Улашишга минглаб нарсалари бўлади.

Учала таржимон тажрибасидан кўриниб турибдики, асосий мазмун очилган. Аммо, эътибор бериб қараладиган бўлса, тўртликнинг иккинчи байти ўзбекча талқиндан кескин фарқланади. Бунинг сабаби, ўзбекча транскрипцияда иккинчи байт туркча транскрипциядан ўзгача берилган. Яъни Қ.Каримовда “Қалы орнасаң қутқа қадғун курәш – Агар бахтга эришсанг, қайғу билан кураш”, Р.Р.Аратда “Qali öznesse qutqa qadğun kúreş – Агар бахтга бўйин бермасанг қайғу билан кураш” тарзида ифодаланган. Зеро, бу ерда матнни яратган муаллифлар асарнинг алоҳида-алоҳида иккита нусхасига устунлик беришган. Қ.Каримов мазкур байтни Наманган нусхаси асосида киритган бўлса (шунга кўра у “ўзнаса – қаршилиқ қилса” деб эмас,

балки “ўрнаса – ўрнаса, жой олса,¹” деб талқин қилган), Арат ушбу байт учун Ҳирот нусхасини асос қилиб олган. Юзага келган тафовут мана шу туфайли содир бўлган. Таржималарда аслият мантиғи бир қатор ўзгаришлар билан бўлса-да акс этган.

Демак, аслиятда “бахтга бўйин бермаган кишининг қайғуда қолиши”, аксинча, бахтни тутган кишининг саодатли бўлиши таъкидланган. Буни тўғри англаган С.Н.Иванов уни таржимада ҳам тўлақонли акс эттирган. Таржимон тўртлик композициясини тўла қайта ярата олган. В.Мей талқинида, “Ким бахтга ишонмаса, унинг “тезда ўлиши” уқдирилмоқда. Бу, бизнингча, ҳаётга бўлган ғарбона кескин нуқтаи назар меваси. Шарқ фалсафасида кишининг “бу ҳолда ўлиш”и мантиққа зид. Таржимашунос олим Ғ.Саломов таъкидлаганидек: “Шарқона шаклда ўз ҳиссиётларини ифодалаш, хосликларни Осиёдан олиб, европача руҳда асар яратиш шакл ва мазмуннинг номувофиқлигини юзага келтиради”². Шундай бўлса-да, В.Мей талқинида тўртлик композициясининг умумий ҳолатда сақлаб қолинганлигини, бунга унинг шоир сифатидаги индивидуал маҳорати имкон берганлигини таъкидлаш жоиз.

Р.Денкофф таржимасида тўртликнинг биринчи қисми содда ифода орқали талқин қилинган ва аслиятга хос мазмун “Бахтга бўйин эг, акс ҳолда ишинг доимо қайғу ва алам билан курашишдан иборат бўлади” тарзида берилган. Иккинчи қисмда эса мажбурий “фалсафа” (бахтли кишининг улашиши учун кўп нарсага эга бўлиши) киритилган. Бу мантиқ жихатдан тўғридир, аммо аслиятда бу мазмун мавжуд эмас. Демак, Р.Денкофф тўртликни ўз фалсафаси ва ўз ифода тарзи билан таржима қилишга уринган. Натижа тайин: тўртлик композицияси ўзгарган, аслият мантиғи таржимада бир қадар бошқа ўзанга солиб юборилган. Аслиятдаги бири-бирини тўлдириб келаётган мантиқ таржимада тегишли тарзда ўз ифодасини топа олмаган.

¹ Бу сўзларнинг луғавий маъноси ҳақида қаранг: Древнетюркский словарь. – Л.: 1969. – С.395, 371.

² Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 84.

Мутаржимнинг ортиқча ўзгартиришлари, эркинлиги ва йўл қўйган “қурбонлиги” аслият услубини таржимада тўла акс этмай қолишига ҳам олиб келади.

Юқоридаги тўртликнинг композициясига анча яқин келадиган бошқа бир тўртликни кузатамиз:

Бор ичмә, зинакә йағума ҳазар,
Бу экки чығайлық тоныны кэдәр.
Бу бордын қопар миң йазуққа йурәк,
Зинадын қачар қут, йузуңгә судәр (1322–1323) .

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил,
Бу икки нарса гадолик тўнини кийгазади.

Ичимликдан юрак (ботирлашиб) минг-минг гуноҳларга
кўзғолади,

Зинодан қут қочади, юзингга тупуради.

Кўриниб турибдики, биринчи мисра икки гуноҳ (зинокорлик ва майхўрлик)дан сақланишга ундамоқда. Иккинчи мисра эса юқоридагилар оқибатида юзага келувчи салбий натижа ҳақида огоҳлантирмоқда.

Бу тўртликда ҳам фикрлар ифодасида мутлақо такрорланмас бир ҳолат кўзга ташланади. Бир қарашда, биринчи байтда тезис ҳам, якун ҳам биргаликда берилаётгандек туюлади. Шунга қарамай, иккинчи байт олдинги байтнинг ўзига хос шарҳи, изоҳи вазифасини бажаради.

Умумий ҳолатда биринчи мисрада инсон шаънига номуносиб бўлган иккита салбий ҳодиса (*бор, зина*) саналиб, иккинчи мисрада уларнинг умумлаштирилган баҳоси берилаётган бўлса, учинчи ва тўртинчи мисраларда уларнинг ҳар бири келтирадиган салбий оқибатлар алоҳида-алоҳида таъкидланади. Шундан кейингина биз тўртлик ҳақида яхлит тасаввур ва хулосага эга бўламиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мисраларда соф миллий-маънавий фазилатлар ўз аксини топган.

Ушбу тўртликнинг таржималардаги шакли мутаржимларнинг ҳар бирида ўзига хос ёндашув борлигини кўрсатиши билан эътиборлидир.

Тўртликнинг В.Мей таржимасига юзланамиз:

Don't drink, and don't err, for wine-bibbing and sin,
Are both of them evil, and trouble bring in!
With wine you'll be shamed, yes, a hundred times o'er.
Carousing will drive out real joy from your door! (1337-1338)

Мазмуни:

Ичма ва адашма, майхўрлик ва гуноҳ,
Иккови ҳам ёмондир ва қайғу келтиради.
Шароб билан юз бора уятга қоласан,
Маишатбозлик эшигингдан ҳақиқий қувончни олиб кетади.

В.Мей таржимасида юқоридаги тўртликда қораланаётган салбий хусусиятларнинг биринчиси тўла акс этган бўлса-да, иккинчиси нисбатан торроқ доирага олиб тушилган. Бунинг натижасида аслиятдаги мазмун ва мантиқ тўлалигича акс этмаган. Аслиятда икки иш: майхўрлик ва зино ҳақида гап бормоқда. Таржимада эса фақатгина майхўрлик тўғрисида гапирилади. Зинокорлик ва унинг натижасида келиб чиқадиган бахтсизлик тўғрисида гап йўқ. Таржимон аслиятдаги “зинога яқинлашма”ни “don't err” – “адашма” ва “зино”ни “sin – гуноҳ” тарзида бошқа сўзлар билан ўгирган. В.Мей аслиятдаги образдан осонликча воз кеча қолган. В.Мей шеър қофияси ва вазнини сақлаш мақсадида сўзларни ўзгартирган бўлиши мумкин. Аммо бу ўзгартириш тўртлик мазмуни ва мантиғини таржимада саёзлаштирган. Бунинг устига, аслиятдаги ниҳоятда гўзал бир метафора – “чиғайлик тўни” ҳам эътибордан четда қолган. Тўғри, бу ерда таржима воситачи тил асосида амалга оширилганини ҳам назардан қочирмаслик керак. С.В.Семчинский

асосли таъкидлаганидек: “Таржимадан таржима кўп ҳолларда аслиятнинг бузиб талқин қилинишига олиб келади”¹.

С.Н.Иванов таржимаси:

Не пей, не блуди: винопитье и блуд –
Два зла эти – к нищенской доле ведут.
Вином опорочен ты будешь стократ,
Лишит тебя счастья постыдный разврат! (1337-1338)

Кўринадики, С.Н.Иванов аслиятдаги асосий мантиқни ифодаловчи “зино”ни биринчи байтда таржима қилган бўлса-да, унинг ортидан келадиган офатларни таржимада беришда ўзига хос йўл тутган. Аслиятдаги “бор” – май туфайли юракнинг “минг хил гуноҳ”ларга чоғланиб қолиши рус тилида “бадном қилмоқ”, “иснод келтирмоқ” маъноларидаги “опорочить” феъли билан берилган. Умумий тарзда мазкур ечимни энг тўғри вариантлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бундай талқин тўртлик композицион-семантик бутунлигини таржимада ўзига хос тарзда акс этишига сабаб бўлган.

Тўртлик Р.Денкоффа куйидагича талқин қилинган:

If you would not put on the cloak of poverty,
Beware of fornication and of drink:
The one makes Fortune spit in your face and flee.
The other drowns you in the sinners sink (83).

Мазмуни:

Агар камбағаллик тўнини киймай десанг,
Зинодан ва ичкиликдан ўзингни тий.
Бири бахтни кетказиб, юзингга тупуртиради,
Бошқаси сени гуноҳ ботқоғига ботиради.

Эътироф этиш керакки, бу таржима аслиятга кўп жиҳатдан яқин ва мутаржимнинг аввал таҳлил қилинган тўртликлар таржимасига ёндашувидан

¹ Семчинский С.В. Некоторые вопросы перевода румынской художественной литературы на украинский язык // Теория и критика перевода. – Л.: изд. Ленинградского университета, 1962. – С. 127-131.

сезиларли даражада мукамаллиги билан фарқ қилади. Р.Денкофф аслият мантиғини тўғри англаб, асосий мазмунни тўлалигича очиб берган. Туркий халқлар тарихи, маданияти ва динидан яхши хабардор таржимоннинг тўртлик руҳига кириб бора олгани кўриниб турибди. Тўртлик композицияси таржимада тўла акс этган ва бу тўртликнинг инглизчада ҳам тўқис бўлишини таъминлаган. Айниқса, аслиятдаги метафоранинг деярли калькаланган ҳолда она тилига ўгирилиши тўртликдаги шарқона руҳнинг сақланиб қолишини таъминлаб берувчи асосий омиллардан бирига айланган.

Қуйидаги тўртликда инсон ҳаётининг моҳияти ўзига хос тарзда тасвирланган. Бу жиҳатдан у бошқа тўртликлардан жиддий фарқ қилади:

Төрүмиш нәң эрсә йоқалғу турур,

Төрүтүгли халиқ нә кулса қылур.

Тириглик тәдүкүң бу йәлтәг кәчәр,

Қачар йәтсә болмас аны ким булур? (678–679)

Яратилган нарса бўлса, албатта йўқ бўлади,

Яратувчи холик нимани истаса қилади.

Тириклик деганинг бу елдек ўтиб кетади,

У қочади, унга етиб бўлмайди, уни ким топа олади?

Тўртлик композицияси ўзига хос. Унда оламдаги мавжуд детерминизмнинг бир ифодаси қаламга олинган. Оламдаги ҳамма нарса йўқликка маҳкум, чунки уларнинг барчаси яратилган. Уларга нисбатан қандай ҳукм чиқариш шу нарсаларнинг ижодкори бўлган яратувчига – Холикнинг ўзига боғлиқ. Ҳудди шунга ўхшаб инсон умри – тириклик ҳам ўтиб кетади, уни тутиб қолишга, унга етиб олишга ҳеч кимда ҳеч қачон имкон бўлмайди. Бундай ҳаётий фалсафа таржимада қай даражада акс этган?

Аввал В.Мей таржимаси билан танишамиз:

To all men on earth comes the day when they die.

They lived years predestined by Allah on high.

Life's years roll away, like a brief playful breeze,

And none can restrain them, however they please! (692-693)

Мазмуни:

Ердаги барча одамларга улар ўладиган кун келади.

Улар Аллоҳ тақдир этган умрни хурсандчиликда ўтказдилар.

Умр йиллари ўйноқи шаббода каби ўтиб кетади,

Қанчалик хоҳланса-да, уларни ҳеч ким тутиб тура олмайди.

Биз умумий тарзда тўртлик мазмуни ва моҳиятининг акс этганлиги ҳақида гапиришимиз мумкин. Аммо, бу ерда битта нозик нуқта бор. Бу шарқона ва ғарбона тафаккур, тасаввур ва дунёқараш ҳамда уларнинг ўзига хос ифодалари билан боғлиқ.

В.Мей талқинида аслиятдаги Аллоҳнинг кудратига берилган таъриф ташлаб кетилгани ҳолда, гап бирдан одамга берилган умр ва уни қандай ўтказилганидан бошланади ҳамда умрнинг ўткинчилиги айтиб ўтилади. Ваҳоланки, Аллоҳ фақатгина инсонларга ҳаёт берувчи эмас, ер юзидаги барча мавжудот ва нарсаларнинг яратувчиси эканлиги яхши маълум. Кўринадики, аслият муаллифининг композицион-семантик услуби таржимада бой берилиб, натижада, мантиқ ўта содда ифодаланган. Шоирона фалсафа таржимада акс этмаган.

Таржимадаги ортиқча қисқартириш ёки ташлаб кетишлар яхши натижа бермаслиги табиий. Бу ҳол катта ҳажмли асарларда яққол кўзга ташланмаслиги мумкин, аммо тўртликлар кичик шакли билан бутун бир яхлит асарга тенглаша олар экан, уларда ҳатто битта ибора ёки сўзнинг ҳам ноўрин ташлаб юборилиши унинг мантиқ ва мазмунига салбий таъсир кўрсатади. Демак, таржимон аслият муаллифининг ўзига хос баён услубини эътиборга олмай, мантиқни ўз ғоялари воситасида очишга ҳаракат қилиш орқали ўта эркинликка берилса, у кўзлаган мақсадга эриша олмайди. Тўғри, таржимоннинг ҳам ўз услуби бор, бироқ, бу аслият муаллифи услуби билан ҳамоҳангликда юзага чиқса, ҳақиқий санъаткорлик пайдо бўлади.

Эътибор бериладиган бўлса, аслиятда “йэл” ўз сифатлашига эга эмас. Аммо В.Мей таржимасида бу сўз (“breeze”) иккита (“brief – қисқа, қисқа муддатли” ҳамда “playful – ўйноқи”) сифатлаш билан қўлланмоқда. Аслиятда мавжуд бўлмаган мазкур сўзларнинг манбаси ҳам русча таржимадир. С.Н.Иванов мазкур ҳолатда “ветер шальной” ифодасидан фойдаланган эди:

Всему сотворенному будет конец:
Свершает свои начертанья творец.
Вся жизнь пролетит, словно ветер шальной,
Не удержишь ее никакою ценой (692-693).

Мазкур таржимада аслиятдаги бош маъно тўғри анланган ва рус тилига у муносиб тарзда ўгирилган.

Тўртликнинг Р.Денкофф таржимаси В.Мейникдан мутлақо бошқача. Унда С.Н.Иванов талқини каби аслиятга кўп томонлама яқинликни кўришимиз мумкин:

Whatever comes to be is bound to cease,
Whatever the Creator wills, He brings to pass.
What you call life is transient as the wind:
It ever flees, it cannot be held fast (62).

Мазмуни:

Нима пайдо бўлса, йўқ бўлишга маҳкум,
Яратувчи нимани истаса, дунёдан ўтказди.
Сен хаёт деб атаганинг шамол каби ўткинчидир:
У доим қочади, уни маҳкам тутиб қолиш мумкин эмас.

Р.Денкофф асарни тўлалигича шеърий таржима қилишга даъво қилмаса-да, бошқа тўртликлардан фарқли ўлароқ ушбу тўртликни инглиз тилига шеърий ўгиришда ўз маҳоратини яққол намойиш эта олган. Тўртлик мисраларини қофиялаш, улардаги бўғинлар сонини мослаштириш анча муваффақиятли чиққан. Юсуф Хос Ҳожиб таъкидламоқчи бўлган асосий мантиқ таржимада тўла акс этганини кузатиш мумкин. Таржима

композицион-семантик жиҳатдан ҳам аслиятга ҳамоҳанг. Инглизча матнда “w” товушли сўзларнинг кетма-кет келган мисраларни бошлаб бериши ўзига хос аллитерацияни юзага келтирган.

Мутаржимнинг аслият баён услубини эътиборга олиши ва уни таржимада қайта яратишга уриниши гўзал таржима яралишига асос бўлган, дейишимиз мумкин.

Мутаржимларнинг тўртликлар композициясини сақлаган ҳолда ажойиб таржима яратганларини мана бу тўртлик яққол кўрсатади:

Кишиләр ара көр киши ул болур,
Аныңдын кишиләр асығлар булур.
Асығсыз кишиләр кишидә қоры,
Асығлығ киши асы элкә толур (5605-5606).

Кўр, одамлар орасида одам шу бўлади (ки),
Ундан одамлар манфаатлар топади.
Манфаатсиз одамлар одам (лар) орасида зарардир,
Манфаатли одам манфаатлари элга тўлади.

Муаллиф кишилар корига ярайдиган одам тимсолини ажойиб услубда тасвирлайди. Шу билан бирга, бунинг тескариси бўлган, бировга нафи тегмайдиган кишиларга ҳам одилона таъриф беради. Тўртлик композицияси шундай тузилганки, у ўқувчини байт мантиғи томон етаклаб боради. Биринчи мисрада бошқалар учун наф, фойда етказувчи кишига таъриф берилса, иккинчи мисранинг биринчи ярмида фойдасиз кишига баҳо берилади ва сўнгги қисмда тўртликнинг асосий мақсади, яъни фойдали кишиларни олқишлаш ўз ниҳоясига етказилади. Мазкур ифода усули билан муаллиф ўзининг ахлоқий-маънавий кредосини ўқувчига содда ва равон тилда етказиб беради. Тўртликнинг русча ва икки инглизча таржимасига эътибор қилсак, мутаржимлар маҳорати ва ўзига хосликларининг янада муносиб тарзда намоён бўлишига гувоҳ бўламиз.

С.Н.Ивановда:

Поверь, меж людьми человек – только тот,

Кто людям и пользу и благо несет.
Не служащий пользе – людьми не любим,
Кто служит ей, тот осчастливит народ (5731-5732).

В.Мейда:

Believe me, the people will call you a man,
If you bring them blessing, and help where you can.
If you are not useful, you're not well-received,
But if you assist them – then you are believed! (5731-5732)

Мазмуни:

Менга ишон, халқ сени одам деб атайди,
Агар сен имконинг бор ерда уларга фойда келтирсанг.
Агар фойдали бўлмасанг, сен яхши қабул қилинмайсан,
Аммо агар уларга ёрдам берсанг, шунда ишончли бўласан.

Р. Денкоффа:

He who is no use to men,
Is bitter fruit on the human tree.
The sweetness of a useful man,
Pervades humanity (226).

Мазмуни:

Одамларга фойдаси йўқ киши,
Инсоният дарахтидаги аччиқ мевадир.
Фойдали одамнинг ширинлиги
Инсоният узра ёйилади.

Мутаржимларнинг аслиятга ҳар томонлама яқин келганларини кўришимиз мумкин. С.Н.Иванов талқинида тўртликнинг мантиқий ривожини аслиятдагидек ўсиб боради. Бу таржимага асосланган В.Мей таржимасида аслият мазмуни, тўртлик композицияси маромида сақланган.

Р.Денкофф таржимаси шакл жиҳатидан анча қисқартиришларга учраган бўлса-да, аслият мантиқ ва мазмуни метафора орқали моҳирона

ифодаланган. “Бировга нафи йўқ” кишининг “Инсоният дарахтидаги аччиқ мева”га ўхшатилиши тўртлик мантиғига мосдир. Бу ҳам мутаржимнинг тил воситаларидан унумли фойдалана олиш маҳоратини намоён этади. Бу борада таржимашунос олима М.Бақоеванинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Мазмун ва шакл яхлитлигини таржимада сақлаб қолиш ўқувчига мазмунни муаллиф мақсадига мувофиқ ҳолда етказиб бериш учун унга ҳар томонлама мос келадиган, уни қайта бунёд этиш учун тўсиқ эмас, балки мададкор бўла оладиган шеърини шаклни топа билиш ҳам таржима муваффақияти омилларидан биридир”¹.

Денкофф таржимасидаги айрим байтларда метафорани таржима қилмасдан туриб, бошқа ўринда аслиятда метафора бўлмагани ҳолда таржимада метафоранинг қўлланиши кузатилади. Бу аслиятдаги ҳодиса моҳиятини теран идрок қилган ҳолда таржимада қайта яратишнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Бир тўртликда “кўнилик тўни” метафораси таржима қилинмай, бошқа бир тўртлик таржимасида аслият мантиғига мос тушувчи “Is bitter fruit on the human tree” – “Инсоният дарахтидаги аччиқ мева” метафораси қўлланилган.

Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, “Қутадғу билиг” тўртликларининг композицион жиҳатларини таржимада ҳам сақлаш муҳим. Бу принципнинг таржимонлар томонидан анча устувор тарзда қўлланиши кузатилади. Мутаржимлар кўп ҳолларда бунинг уддасидан чиққанлар. Таржимада кўплаб тўртликларнинг ўзига хос тузилиши, маъно-мантиқ яхлитлиги, шоир қўллаган поэтик усуллар, гоҳ бирдай давом этувчи босиқ, сокин ритм, гоҳ кучайиб, авжланиб борувчи ҳиссиётлар тўлқини, мазмун билан оҳанг ҳамда образларнинг узвий боғлиқлиги тўла қайта яратилган. Айни вақтда бу жиҳатларнинг таржимада тўлароқ, етукроқ даражада акс этмай қолгани ҳам кузатилади.

¹ Бақоева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърини таржима ва киёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2004. – Б.123.

С.Н.Иванов таржималарида аслият композицияси аксарият ҳолларда маромида сақланган. Баъзи ўринларда ғарбона тафаккур тарзи туфайли тўртликлардаги мантиқ бузилгани ҳолда асарнинг яхлит композициясига ҳам путур етган.

Р.Денкофф тажрибасида матнга нисбатан анча эркин муносабат кўзга ташланади. Буларнинг намоён бўлиш шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. матн мазмунини қисқартириш;
2. матндаги айрим сўз ва деталларни тушириб қолдириш;
3. матнга “таҳрир” киритиш, яъни унинг таркибидаги айрим сўзларни ўзгартириш;
4. матндаги маънони бошқа сўзлар воситасида беришга уриниш.

Бундай ёндашувнинг тўла ижобий ёки тўла салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши анча мунозарали. Шунга қарамай, аслиятдан чекиниш, жумладан, тўртликлар композициясини таржимада сақламаслик натижасида баъзан ошқора ғализликлар, баъзан эса услубан нотугалликлар келиб чиққан. Ваҳоланки, В.Мей киритган айрим ижодий ёндашувлар, кўшимчалар тўртлик мазмуни ва бадийлигининг таржимада янада бойишига хизмат қилган.

Демак, таржимада тўртликларнинг композицион-семантик бутунлигини сақлашга имкон қадар эришиш лозим. Бу таржимада аслият муаллифининг ўзига хос услубини кўрсатиб беради. “Қутадғу билиг” мисолида тўртликлар композициясини инглизча таржимада баҳоли қудрат сақлашнинг имкони мавжуд.

2.2. Тўртликларда қўлланилган мақол ва афоризмлар таржимаси

Дунёда тил мавжудки, мақол ҳам мавжуд, зеро, сўз кўрки мақолдир. Мақол, матал ва ҳикматли сўзлар халқ орасида асрлар давомида яратилади, сайқалланади ҳамда аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтади.

Мақол бу халқ томонидан яратилган, турмуш воқеа-ҳодисаларига асосланган, панд-насиҳат ва эзгу мақсадга йўналтирилган, чуқур маънога эга ҳикматдир. Мақолда тугал фикр ўз ифодасини топади ва ундан муайян хулоса чиқарилади.

Ҳикматли сўз, яъни афоризм алоҳида кишилар, машҳур алломалар, буюк шахс ёки давлат ҳамда жамоат арбоблари томонидан воқеликка билдирилган ибратли фикрлардир.

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бу жанрларни қўллаш билан боғлиқ санъат турларидан Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур каби алломалар ўринли фойдаланганлари сингари, инглиз адабиётида бу борада Ж.Чоусер, В.Шекспир, Ж.Байрон ва бошқаларнинг хизматлари катта.

“Қутадғу билиг” ҳам мақол, матал ва афоризмларга бой нодир асарлардан ҳисобланади. Асосли таъкидланганидек: “Қутадғу билиг” асарига ўша даврда яратилган бошқа асарлар каби халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири сезилади. Буни асар вазнидан бошлаб, унинг қофия тизимида, жанрлар структурасида, асар композициясида, тили ва услубида, умуман, асарнинг барча композицион ҳамда ғоявий-бадиий структурасида кузатиш мумкин”¹.

Адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов ўринли таъкилаганидек: “Шеърятимиз тарихида мақол, матал ва ҳикматли ибораларнинг поэтик мақсадда ишлатилишида асосан учта муҳим хусусият кўзга ташланади:

¹ Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” поэтикаси масалалари // Исҳоқов М. Раҳмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Т.: Фан, 1989. – Б. 421.

1. Келтирилаган мақол ёки маталга “масалдур” ёки “масалдурким” сўзи ёрдами билан аниқ ишора қилинади. Ёхуд келтирилаган гап ёки иборанинг манбаига “дерлар”, “айтурлар” каби воситалар билан ишора қилинади, унинг халқ орасида маълум ва машҳур эканлиги таъкидланади.

2. Мақол ёки матал (хеч қандай ишорасиз) айнан келтирилади.

3. Мақол ёки матални мазмуни сақланган ҳолда унинг шакли бир оз ўзгартирилади. Ёхуд шеърий вазн талаби билан янгича шаклда ифодаланади”¹. Бу хусусиятлар адиб Юсуф Ҳос Ҳожибнинг тўртликларда мақол қўллаш маҳоратида ҳам ўз аксини топган.

“Қутадғу билиг”даги мақол, матал ва афоризмларни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган². Бироқ, “Қутадғу билиг”нинг икки инглизча таржимаси мазкур йўналиш бўйича ҳалигача илмий-қиёсий таҳлилга тортилмаган. Шунга кўра биз “Қутадғу билиг” тўртликларида қўлланилган мақол ва афоризмларнинг Р.Денкофф ва В.Мей таржималарида қайта яратилишини аслият билан қиёсий-типологик таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Шунингдек, В.Мей таржимасига аслият вазифасини ўтаган С.Н.Ивановнинг русча таржимасини ҳам қиёсладик.

Умумий ҳолда “Қутадғу билиг”да қўлланилган халқ мақоллари ва уларга йўғрилган ҳикматларни мавзу ҳамда байт рақамлари бўйича куйидагиларга ажратдик:

• Тил ва сўзнинг кишига фойда ҳамда зарари хусусида:

158, 163, 166, 169, 173, 187, 269, 271, 677, 724, 693, 994, 972, 1000, 1034, 123, 448, 1867, 1882, 2408, 3620, 3734, 3736, 3737, 3796, 3797, 4049, 4228, 4448, 4968, 497, 4972, 5110, 5651-байтлар;

¹ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006. – Б. 21.

² Тўхлиев Б. Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва туркий фольклор: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 1991. – Б. 322., Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – 160 б., Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Тўлдирилган учинчи нашр. – Т.: Ўқитувчи, 1976 – Б. 126., Содиков З. Юсуф Ҳос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талкинлари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 1994. – 134 б., Тошпўлатова Д. “Қутадғу билиг” асаридаги мақоллар таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 5. – Б. 74., Иботов С. “Қутадғу билиг”нинг бир таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 5. – Б. 71-73.

- Билим ва билимсизлик, заковат ва нодонлик хақида:
460, 150, 959, 1780, 1746, 2835, 4136, 5034-байтлар.
- Эзгулик ва ёмонлик, орийат ва уятсизлик, меҳрибонлик ва ғазабкорлик, севги ва нафрат, кўзи тўқлик ва очкўзлик, дўстлик, шукроналик, одамгарчилик, садоқат каби инсон табиатига хос жиҳатларни акс эттирувчи:
235, 485, 520, 523, 524, 744, 851, 854, 866, 867, 883, 1296, 1342, 1363, 1633, 1911, 2005, 2575, 3172, 3300, 4087, 4165, 4185, 4187, 4204, 5091, 5097, 5107, 5272, 5277, 5411, 5604, 5605, 5619-байтлар.
- Киши учун азиз ва беқадр нарсалар хусусида:
655, 553, 856, 1394, 1668, 2020, 3036, 3469, 3471, 3568, 3643-байтлар
- Тириклик ва ўлим, кишидан эзгу ном қолиши мавзуида:
1091, 1125, 1149, 1169, 1199, 1355, 1356, 1600, 3564, 4362, 5146, 5156, 5456, 608-байтлар
- Севинч, алам, фироқ, машаққат, роҳат ва кўнгил орзулари борасида:
426, 436, 1524, 2344, 3529, 4411, 4938, 5993-байтлар
- Хушёрлик ва ғофиллик, ҳаётда оқ-қорани ажратишга ундовчи:
432, 434, 1378, 1546, 1547, 1511, 3353, 3354, 4444, 4629, 5002, 5139, 5147, 5150-байтлар
- Ўзгалар билан муносабатда зулм ва адолат, тўқис хизмат хақида:
420, 589, 639, 640, 641, 829, 878, 1546, 1573, 1573, 1610, 1726, 1998, 3308, 3348, 3349, 3625, 4003, 4506, 4893-байтлар.

“Қутадғу билиг”да донолик ва билимдонлик концепцияси етакчи аҳамиятга эга бўлиб, муаллиф асарнинг аксарият қисмида кишини илм олишга ундайди. Қуйидаги тўртликда доно бўлиш сирлари тасвирланган ва бу ҳолатни шоир ажойиб тарзда халқ мақоллари воситасида очиб беради.

“Асар муаллифи қандай мавзуда гап очса, ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини исботи ва далили учун шу соҳанинг халқ орасидаги ибрат

даражасига кўтарилган мақол ва маталларни келтиради”¹. Асарда халқона ҳикмат билан суғорилган мана бу тўртлик бор:

Туға билгә туғмаз киши өгрәнүр,
Бу сөз сўзламас тил, төрү сөзләнүр.
Киши өгрәниб өтрү билгә болур,
Билиг билсә, өтрү қамуғ иш үнүр (3928-3929).

Туғилишдан доно туғилмайди, киши (сўнг) ўрганади,
Сўз сўзламайдиган бу тил яратилиб, (вақти етгач) сўзлайди.
Киши ўрганиб, сўнг доно бўлади,
Билим билса, сўнг ҳамма иш унади.

Ҳозирги пайтда кенг истеъмолда бўлган “Киши онадан билиб туғилмайди” мақоли ушбу байтда анча кенгайтирилган тарзда ифодаланган. Эътибор қилинса, иккинчи мисрадаги “Бу сөз сўзламас тил, төрү сөзләнүр” (Сўз сўзламайдиган бу тил вақти етгач сўзлайди) дейилган ҳикматли фикр ҳозирги даврда жуда кам қўлланилади. Байтнинг қолган мисраларидаги фикрлар бугунги кунда ҳам “Оз-оз ўрганиб доно бўлур”, “Ўқиганнинг ошиғи олчи” ва бошқа кўплаб шаклларда истифода этилади. Булардан кўринадики, асар муаллифи туркий фольклор намуналарини маҳорат билан гўзал шеърий шаклга сола олган.

Мазкур тўртликнинг инглиз тилидаги талқинларини таҳлил этайлик. Унинг Р.Денкофф томонидан амалга оширилган таржимаси:

Though man is born dumb,
He learns to speak as he grows to size.
Though man is born ignorant,
He can also learn to be wise (171).

Мазмуни:

Гарчи инсон соқов бўлиб туғилса ҳам,
У улғайиб гапиришни ўрганади.

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. I том. – Т.: Фан, 1977. – Б.127.

Гарчи инсон билимсиз туғилса ҳам,
Доно бўлиш учун ўрганади.

Кўринадики, аслиятдаги тўртлик маъносининг бир қисмигина таржимада акс этган. Мазмунни умумий тарзда ифодалашга ҳаракат қилинган. Мутаржим тўртликнинг биринчи мисрасидаги халқ донишмандлиги билан суғорилган “Туға билгә туғмаз киши өгрәнур” (Туғилишдан доно туғилмайди, киши (сўнг) ўрганади) мақолини кейинги қаторларда мисра мазмунига сингдиришга уринади, аммо у таржимадаги мисра бутунлигида ўз маъносини топа олмайди. Таржимон аслиятдаги “Билиг билсә, өтру қамуғ иш унур” (Билим билса, сўнг ҳамма иш унади) шаклида ифодаланган афористик мазмунни таржимада бой беради. Таржимон тўртликни таржимада ўта қисқартириб юборади ва аслиятдаги кенг мазмун таржимада акс этмай қолади.

Биз бу ўринда мақолларнинг айни инглизча варианты билан таржима қилиниши лозим деган даъводан йироқмиз. Чунки, “ҳар бир тилнинг ўзигагина хос бўлган шундай иборалари, мақол ва маталлари ҳамда фразеологик бирикмалари борки, уларни бошқа тилларга муқобил вариантлар билан таржима қилиб бўлмайди”¹. Аммо бу маълум бир мақолни таржимада умуман акс эттириш шарт эмас, деган хулосани бермайди.

Ушбу тўртликни В.Мей қуйидагича таржима қилган:

No man was born wise, but became so in turn,
And all sense and reason appear when you learn.
You learn about things, thus an expert become,
And once you've the know-how, all things can be done! (4022-4023)

Мазмуни:

Ҳеч ким доно бўлиб туғилмаган, аммо вақти келиб (доно) бўлган,
Илм ўргансанг, ақл ва салоҳият бўлади.
Сен нарсалар ҳақида ўрганасан, тажрибали мутахассис бўласан,

¹ Саломов Ф. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – Б. 239.

Агар касб сирларини билсанг, барча нарса қўлдан келади.

Икки таржимон, икки талқин. Умуман, инглиз китобхони тўртликмазмунини бир қадар англаб етадигандек туюлади, аммо қандай мазмун ва руҳда англаб етади? Р.Денкофф таржимасидан фарқли ўлароқ, В.Мей таржимасида бутун бошли “Бу сөз сўзламас тил, тўру сўзланур” – “Сўз сўзламайдиган бу тил яратилиб, (вақти етгач) сўзлайди” мисраси тушиб қолган ва Юсуф Хос Ҳожибнинг тилга берган таърифи таржимада йўқолиб кетган. Сабаби, тўртликнинг русча таржимасида ҳам бу мантиқли фикр мавжуд эмас:

Никто еще не был рожден мудрецом,

И разум и слово приходят потом.

Изучишь дела – станешь в них знатоком,

Кто знания достиг, тот и с делом знаком! (4022-4023)

Иброҳим Ҳаққул таъбирича: “Сўз шундай бир мавжудликки, унга таяниб истеъдоднинг табиати ва характери, диди, дунёқараши тўғрисида бемалол аниқ хулосалар чиқариш мумкин. Санъаткорликда адашиш – аслида сўзда адашиш демакдир”¹.

Мазкур таржимада “Қутадғу билиг” бадий тилини бир оз ғарблаштириш ва замонавийлаштириш тамойили кўзга ташланади. Бундай ҳолатларда эътиборни тортадиган бир ходиса ҳақида гапириш ўринли. В.Мей талқинида учрайдиган иккита сўз: *expert* ҳамда *know-how* сўзлари ҳозирги инглиз тилида ҳам, асосан, маълум соҳалар доирасида махсус атама сифатида истеъмолдадир. Уларнинг мазкур матнда қўлланиши қадимий матн мантиғига кўпда сингишмагандай туюлади. Ж.Шарипов таъбири билан айтганда, “таржима асари маълум бир давр, маълум бир тарих билан боғланган, унга ўз даврининг маҳсулоти деб қараш керак”². Таъкидлаш керакки, аслиятдаги афористик мазмун русча таржимада саёзлашган бўлса, унинг воситасида амалга

¹ Ҳаққул И. Эътиқод ва ижод. – Т.: Фан, 2007. – Б.146 .

² Жуманиёзов З. “Равшан” достонининг немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – Б.8.

оширилган инглизча таржимада янада хиралашган. Аслиятда “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” нақли тарғиб қилинади, русчада бу маъно саёз бўлса-да акс этган. Бироқ, инглизча таржимада “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнар” қабилидаги мазмун акс эттирилган. Бу ўринда инглизчада *expert* ўрнига *wise* – доно ва *know-how* ўрнига *knowledge* – илм ёки *wisdom* – донолик сўзлари қўлланса, XI аср адабий руҳияти таржимада яққолроқ намоён бўлган бўлар эди.

Асарнинг “Ўгдулмиш элигга лашкарбоши, сипоҳсолар қандай (бўлиши) кераклигини айтади” бобида шундай мисралар мавжуд:

Киши ӊдсӱз ӊлмӅс анадын туғуб,
Нелӱг кӱрқар ӊзӱң йағыни кӅрӱб.
Йағықа йалың тег эрантег уруш,
Ажалсиз ӊлӱм болмас ӊзкӅ болуб (2252-2253).

Киши онадан туғилиб бемаҳал ўлмайди,
Нега (сен) ўзинг ӊвни кӱриб (беҳуда) кӱрқасан.
ӊвинга ўтдек (вахшатли) бўл, мардларча уруш,
Ажалсиз бошқачароқ бирор ўлим бўлмайди.

Тўртликнинг биринчи ва охириги мисраларида халқ мақолларидан фойдаланилган бўлиб, улар кенгайтирилган шаклда берилган ва шеърий тизимга мослаштирилган. Байтлар мазмунини янада теран ва таъсирчан қилишга хизмат қилувчи ушбу мақол ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди. Юсуф Хос Ҳожиб лашкарбошига “насиҳат” қилар экан, уни мардликка ва юрт ҳимоясига ундайди. Унинг кўнглига ӊруғлик киритиш учун унга халқ мақолини эслатиб ўтади. Тўртлик мазмунига мақол айнан мос келган. Юқоридаги мақол ҳозирги ўзбек тилида шундай кўринишларга эга: “Қирк йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади”, “Ажалсиз ўлим бўлмас”, “Ажал етмай, чивин ўлмас”¹.

¹ Ўзбек халқ мақоллари. Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, С.Худойберганов, С.Иброҳимов. – Т.: Ўзадабийнашр, 1958. – Б.53.

Юқоридаги тўртликнинг инглизча таржималарини қиёсий таҳлил этиш анча жиддий ва қизиқарли хулосалар чиқаришга имкон беради. Р.Денкофф таржимаси қуйидагича:

Man born of woman is not to die,
Before his fated span.
Though you be naked, strike the foe,
Fearless, like a man! (115)

Мазмуни:

Аёлдан туғилган киши,
Тақдирда битилган вақтдан олдин ўлмайди.
Яланғоч қолсанг ҳам,
Қўрқувсиз, эркакдек ёв билан кураш.

Тўртликда келтирилган халқ мақоли, инглизча таржимада объекти ўзгартирилган бўлса ҳам, мазмунан тўғри таржима қилинган. Аслиятдаги “анадин туғуб – онадан туғилиб” инглизчага “born of woman – аёлдан туғилган” тарзида ўгирилган ва бу байт мазмунига салбий таъсир ўтказмайди. “Она”нинг ўрнига “аёл” сўзининг қўлланилиши бу икки сўзнинг инглиз тилида ҳам мантиқий маънодошлиги билан асосланади. Айтиш мумкинки, бу йўл таржимоннинг ўзига хос бир услуби. Бизнингча, ушбу тўртликнинг иккинчи байти таржимаси бир оз баҳсталаб. Бу аслиятдаги “йалинг”ни тушуниш билан боғлиқ. Фикримизча, аслиятда ушбу сўз “ялинг” эмас, балки “ялин” шаклида бўлиши керак. “Қадимги туркий луғат” (“Древнетюркский словарь”) ва “XIII аср туркий тил этимологик луғати” (“An etymological dictionary of pre-thirteen century Turkish”)да ушбу сўзларнинг алоҳида маъно англатиши маълум бўлади. Яъни “Jaling – яланғоч, кийимсиз” ва “Jalin – учқун, аланга,” маъноларини англатади¹. Таъкидалаш

¹ Бу ҳақда қаранг: Древнетюркский словарь. – Л.: 1969. – С. 229., Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-thirteen Century Turkish. – London: Oxford University Press, 1972 – P. 929.

керакки, ўзбекча транскрипцияда ҳам, Р.Р.Арат танқидий матнида¹ ҳам ушбу сўз нотўғри берилган, аммо ўзбекча табдилда у байт мазмунига мос ҳолда “олов” деб тўғри ўгирилган. Таржима жараёнида XII аср туркий тил этимологик луғатига таянган Р.Денкофф уни “naked – яланғоч” деб ўгирган, чунки ушбу луғатда “Jaling” сўзининг маънолари билан бирга юқоридаги мисранинг тўла таржимаси (КВ 2289 уағиқа yaling teg eren teg uruṣ- attack the enemy (even if you are) naked and fight like a man – душманга (ҳатто) яланғоч (бўлсанг ҳам) ҳужум қил ва эркакдек кураш) берилган. Бу ўринда инглиз тилидаги “naked” “ҳимоясиз, қуролсиз” маъноларида ҳам қўлланилишини назардан қочириб бўлмайди. Аммо аслиятда “ҳимоясиз” маъносини берувчи ёки шунга маънодош сўз мавжуд эмас. Луғат муаллифлари ҳам, Р.Денкофф ҳам назардан қочирган жиҳат бу аслиятдаги икки марта ишлатилган “тег-дек” ўхшатиш қўшимчасидир. Айни қўшимчанинг бир мисрада икки марта қўлланиши услубий жиҳатдан мумкин бўлмаган ҳолат. Бироқ, унинг биринчиси “тек” феъли ўрнида ҳам қўлланиш имкониятига эга эканлигини унутмаслик керак. Инглизча таржимада ушбу қўшимчага эътибор қилинмаслиги натижасида маъно янглиш тушунилган. Аслида мазкур мисра ўзбек тилига “Ёвингга ўт (олов) бўлиб тек (ёпирил), мардларча уруш” тарзида ҳам ўгирилиши мумкин эди. Шунда ушбу мисрани “attack the enemy like the flame and fight like a man – душманга оловдек ҳужум қил ва эркакдек кураш” тарзида ўгириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Р.Денкоффнинг айнан шу фикрни нотўғри тушуниши бошқа бир тўртликда ҳам учрайди².

Энди айни байтнинг русча ва инглизча талқинига мурожаат қиламиз. Юқоридаги муаммо асарнинг русча таржимасида С.Н.Иванов томонидан тўғри ҳал этилган ва шу таржимага асосланган В.Мей аслиятдаги “Jaling” байт мазмунига асосан “flame – аланга” деб ўгирган.

Тўртликни С.Н.Иванов қуйидагича таржима қилган:

¹ Қаранг: Arat R.R. Kutadgu Bilig I: Metin – Ankaral: 1979. – S. 243.

² Қаранг: Denkoff R. Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. University of Chicago Press, 1983. – P. 117.

До времени смерть над рожденным не властна
Завидев врага, не пугайся напрасно!
Будь смелым, как пламя, сражайся с врагами:
До смертного дня тебе смерть не опасна! (2288-2289)

Русча талқинда аслиятдаги афористик мазмун деярли сақланган. Аммо В.Мей таржимасида биз эътибор қаратган мақолларга анчагина путур етган:

Till death's last day comes, it lacks power o'er the brave.
On seeing the foe, he won't think of the grave!
Be bold as a flame, and go into attack,
Till death's last hour comes, sword in hand, don't turn back!
(2288-2289)

Мазмуни:

Ўлимнинг охирги куни келмагунча, у мардларга куч ўтказмайди,
Ёвни кўриб, у қабр ҳақида ўйламайди.
Оловдай кўркмас бўлиб ҳужум қил,
Ўлимнинг охирги соати келгунча қўлда қилич билан ортга қайтма.

Тўртлик ўзига хос услубда, айнан шу байт мазмунига таянган ҳолда таржима қилинган, аммо аслиятдаги халқ мақоли таржимада на сўзма-сўз, на муқобил вариантда акс этган. Шу ўринда А.В.Федоровнинг: “Айрим мақол ва маталлар ҳатто ҳижжалаб, аниқ таржима қилинса ҳам, мақоллик хусусиятини йўқотмайди, аксинча таржима қилинаётган тилда янги мақол ёки матал пайдо бўлади”¹, – деган фикрини келтириш ўринли.

Таржимадаги “death's last day – ўлимнинг охирги куни” ибораси тушунарсиз, чунки ўлимнинг эмас, балки умрнинг охирги куни бўлади. Аслият муаллифи саркарда руҳини кўтаришга ва уни тушкунликдан холи бўлишига ёрдам бермоқчи бўлган бир пайтда, мутаржим аслият мазмунини фақатгина жанггоҳга чорловчи даъватга айлантириб қўяётгандек кўринади. Фикримизча, бунинг сабаби шеърий таржимада ташқи шакл кўринишини

¹ Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – М.: Изд-во Литература на иностранный язык, 1958. – С. 146.

сақлашга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, унинг бошқа мазмуний ва мантиқий жиҳатларини назардан қочириш билан алоқадордир. Зеро, “Шеърдан мақсад “вазну қофия” каби шаклий бирликлар эмас, балки шеър қалбидаги ҳақиқатнинг шеърхонга кўчишидир”¹.

“Қутадғу билиг”даги етакчи ғоялардан яна бири инсонпарварликдир. Асарда бу мавзудаги ҳикматларнинг бир нечтасини учратиш мумкин. Кунтуғди элиг Ойтўлдига чин инсон сифатларини мана бу тўртлик орқали ифодалайди:

Йурығлы бу йалнуқ эди – өк өкүш,
Көни чын бүтүн эр мәнә кәз көшүш.
Қыз эрмәс киши көр кишилиқ қыз-ул,
Көни чын кишиләрни өгди укуш (853-854).

Юрувчи инсон жуда-жуда кўпдир,
Тўғри, чин, етук киши мен учун жуда азиз.
Киши қиммат эмас, кўргин, кишилиқ қиммат,
Уқув-идрок тўғри, чин кишиларни мадҳ этди.

Юсуф Хос Ҳожиб одамлар ўртасидаги инсоний муносабат, меҳр-муҳаббат ва инсонпарварлик кишилиқ жамиятининг асосий тамойилларидан бири эканлигини такрор ва такрор таъкидлайди. Аммо, муаллифнинг фикрига кўра, фақат инсон бўлиб туғилишнинг ўзигина бу инсонийликни англамайди. Чин инсонийлик фазилатини муаллиф кишилар миқдоридан эмас, балки ростлик, тўғрилиқ ва маънавий комилликдан қидиради. Тўртликдаги “Қыз эрмәс киши көр кишилиқ қыз-ул – киши қиммат эмас, кўргин, кишилиқ қиммат” мақоли ҳозирда “Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин” шаклида ишлатилади. Мазкур тўртликни Р.Денкофф қуйидагича ўгирган:

While many men walk standing up,

¹ Болтабоев Ҳ. Темур сағанасини излаб // Фитрат ва жади́дчилик. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.– Б. 89.

An upright man is rarity;
While many men are human beings
How many practice humanity (67).

Мазмуни:

Тик юрүвчи одам кўп,
Самимий киши кам.
Кўп одам инсон бўлгани билан,
Қанчаси инсонийликни адо этмоқда.

Р.Денкофф таржимасидан кўриш мумкинки, аслиятдаги “Көни чын бүтүн эр мэнэ кэз көшүш – тўғри, чин, етук киши мен учун жуда азиз”, “An upright man is rarity – самимий киши тансиқ” тарзида берилган ва аслиятдаги фикр ўзгариб кетганлиги кузатилади. Назаримизда, таржимон мисранинг семантик яхлитлигига эришиш учун шу йўлни тутган, зеро, мазкур мисранинг тўла мазмуни мисранинг мантиқий бутунлигини таъминлайди. Аммо эътибор қилиш лозимки, аслият муаллифи ҳар бир мисрада мазмунан бутун фикрни берган. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “Қыз эрмэс киши көр кишилик қыз ул – киши қиммат эмас, кўргин, кишилик қиммат” мақолининг таржимаси мисрада биттагина “инсонлар орасида инсонийлик қилувчилар кам” деган фикрни очиб берган, холос. Бу мақол даражасидаги мазмунни англатормайди. Ваҳоланки, аслиятда бундан ташқари “тўғри кишиларга доимо мақтов ва эзгуликлар борлиги”нинг ҳам мавжудлиги назардан четда қолган. Биринчидан, бу халқ мақоли на сўзма-сўз ва на муқобил вариант билан ўгирилган. Таржимон тўртлик мазмунини ўзи истаган усул билан ёритишга уринган. Тўғри, у бундай йўл тутишга ҳақли. Бироқ аслият мазмунини имкон қадар тўлароқ очиб бериш унинг асосий вазифаси эди. Иккинчидан, тўртлик шеърий таржима қилингани ҳолда унда вазн ва қофия сақланмаган. Биз “арузни арузда ўгириш” шарт деган даъводан йироқмиз, кўп ҳолларда бунинг имкони йўқ. Аммо мисра:

Human is not precious, humanity is,

And wisdom appreciated humanity thus

тарзида ўғирилганда шеърий вазн ва қофия ҳамда аслиятдаги халқ мақолининг мазмун бутунлиги таржимада анча тўлиқ ифодаланган бўлар эди.

С.Н.Иванов таржимаси:

И прятких и ловких немало людей,
А мне – справедливый и честный милей.
Не мало людей, человечность мала,
Правдивым воздать по заслугам сумеи! (868-869)

Дастлабки қарашда юксак инсоний фазилатларни улуғловчи тўртлик мазмуни деярли тўла ўғирилгандек тасаввур уйғотади. Унинг шаклий-поэтик хусусиятлари ҳам имконият доирасида назардан қочирилган эмас. Муҳими, туркий адабиётнинг ўн биринчи асрда яшаб ижод этган йирик бир мутафаккир шоирининг ахлоқий-эстетик қарашлари XX аср славян муҳитига дахлдор бўлган мутаржим учун қизиқарли бўлганлиги ва бу ҳолатни ўз тилдошларига етказиш зарурияти чуқур ҳис этилганини кузатиш мумкин.

Шунга қарамай, агар аслиятдаги матннинг ҳар бир сўзига, поэтик юқларига зеҳн солиб қараладиган бўлса, шунчалик мос ва чиройли таржимада ҳам анчагина қусурларга, нотугалликларга йўл қўйилганлиги сезилади.

Юсуф Хос Ҳожиб бутун тирик жонлар орасидан айрим хислат ва фазилатларга эга бўлганларнигина ажратиб олмоқда. Шоирнинг назарида тириклар (“Йурығлы бу йалнуқ”) ниҳоятда кўп (“эди – өк өкүш”). Аммо, уларнинг орасида алоҳида фазилатлар (“көни”, “чын”, “бүтүн”)га эга бўлганлари кўп эмас, улар озчиликни ташкил этади. Худди шунинг учун ҳам улар ниҳоятда мўътабар ва қадрли (“көз көшүш”)дир.

Русча матнда мана шу умумийликнинг камрови бир озгина пасайтирилади. Бу ерда умуман тирик инсониятнинг барчаси эмас, балки уларнинг айрим хислатларга эга бўлганлари (прятких и ловких)

умумлаштирилади. Ундан кейин эса мана шу хислат эгалари орасидан энг ардоқлилари (милей) сифатида ҳақпараст (справедливый) ва ростгўйлар (честный) ажратилади.

Тўртликнинг иккинчи ярмида ҳам бу ғоя давом эттирилади. Таржима ҳам аслият изидан боради. Ҳатто учинчи мисраинг С.Н.Иванов таржимасини энг идеал вариант сифатида қабул қилиш мумкин. Фақат таржимон охирги мисрада умумий мазмунни англлатувчи шакл топгани ҳолда, унинг аслиятдаги поэтик ихчамлигига эриша олмаганини ҳам эътироф этиш керак.

Дарҳақиқат, аслиятда тўғри, чин кишиларни мақташ ақл-идрокнинг иши эканлиги ҳақидаги яқунловчи фикр тўртликнинг олий даражадаги хулосасидир. Таржимада эса ақл-идрок образи четлаб ўтилган. Унинг ўрнига ҳақпарастларга муносиб баҳо бериш тингловчининг зиммасига юкланиши билан кифояланган.

Агар ушбу тўртликнинг асардаги етакчи қахрамонлардан бири – Кунтуғди нутқига алоқадорлигини назарда тутадиган бўлсак, аслиятдаги ифода шаклига эътибор беришнинг нечоғлик муҳимлигини янада теранроқ хис этишимиз мумкин бўлади. Биз мана шу контекстда В.Мей таржимасини кузатамиз:

Both nimble and skilful you often may see –
But humble and truthful and just folk please me.
Our numbers aren't small, but our justice is small,
Be just in your dealings and service-that's all! (868-869)

Мазмуни:

Сен ҳам ўткир, ҳам тажрибалини кўришинг мумкин,
Аммо камтар, доно, ростгўй халқ мени қувонтиради.
Бизнинг сонимиз кам эмас, бироқ адолатимиз кам,
Хизматингда ва муносабатларингда одил бўл, шу етади.

Тўртликнинг шеърий ўгирмаси русча матнга мос, унда ўзига хос вазн ҳам, қофия ҳам бор. Тўртлик замиридаги афоризм мазмун жиҳатидан анча ўринли ўгирилган. “Киши қиммат эмас, кўргин, кишилик қиммат”ни “Our numbers aren't small, but our justice is small – бизнинг сонимиз кам эмас, бироқ адолатимиз кам” тарзида ўгирилиши мазмуннинг инглиз китобхонига ўзига хос тарзда етказиш имконини беради. Шунга қарамай, Юсуф Хос Ҳожиб назарда тутган инсонийлик тушунчаси бу таржимада ҳам тўлиқ очилмай қолган. Аслият муаллифи кишилик деб атовчи фазилат В.Мей таржимасида фақатгина адолатлилик билан чекланиб қолган, яъни таржимада аслиятдаги маъно анча торайган. Назаримизда, бу мутаржимнинг ўз оламидаги (инглиз муҳитидаги) кишиликнинг ифодаси. Инглизларда адолат ҳар қандай фазилатлардан устун туради ва уларда “Only god and my rights – Ёлғиз худо ва менинг ҳуқуқим” деган шиорнамо ибора мавжуд¹. Бироқ туркий “кишилик” ўзида адолат билан бир қаторда ўнлаб ижобий фазилатларни мужассамлаштиради.

В.Мей таржимасида тўртликнинг якуний мисраси аслиятга умуман мос тушмайди. Аслиятда “илмли киши қадр топади” дейилса, таржимада “ҳамма ишда одил бўл” қабилидаги мазмун ўз аксини топган. Балки таржимон тўртлик вазни ва қофиясини сақлаш учун шундай йўл тутгандир, аммо шакл деб таржимада аслиятдаги асосий мазмундан четлашиш ҳам маъқул эмас. Бу шеърий таржимада яққол кўзга ташланади. Чунки шеърда катта мазмун қисқа сатрларда ифода этилади. Бизнингча, ушбу мисра бошқачароқ (масалан, “Our numbers aren't small, but our justice is small, Wisdom always honored true human at all” (Маз: *Бизнинг сонимиз эмас, балки одиллигимиз кам, Заковат доимо одил кишини улуглайди*) тарзда ўгирилса дуруст бўлар эди. Бу ўринда аслиятдаги “қыз” сўзининг асл моҳиятини англаб етишда В.Мейда воситачи тил орқали қилинган таржима таъсиридан чиқолмаслик ҳолати сезилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, рус тилида аслиятдаги маънонинг деярли

¹ Сидиков Қ. Худо ва менинг ҳуқуқим // Маърифат гулшани. – Наманган: 2005. № 6.

адекват тарзидаги ифодаси берилган бўлса-да, бу тилдан инглизчага ағдаришда таржимон бир томонламаликка йўл қўйган. Натижада “қадрли”, “қимматбаҳо”, “нодир”, “азиз” сингари нозик маъно “оз” тарзида талқин қилинган. Ваҳоланки, аслиятда “қадрли”, “қимматли”, “камёб”, “беғубор” маъносида қўлланган бу сўзни Р.Денкофф “rarity – қадрли, камёб” тарзида ўгириб, тўғри талқин қилган.

Таҳлиллардан кўринадики, мақолларни таржимада қайта яратиш анчагина мушкул. “Қутадғу билиг” тўртликларида қўлланган халқ мақолларини инглиз тилига ўгиришда иккала мутаржимнинг ҳам ўзига хос томонлари намоён бўлган. Кўп ҳолларда мутаржимлар мақоллар мазмун-мантисини инглиз тилида ҳам сақлаб қолишга эришганлар. Айрим ўринларда мақоллар мазмуни таржимада сусайган. Р.Денкофф таржимасида мақоллар инглиз тилида кўп ҳолларда умумий мазмунни бериш орқали ифодаланган. Уларни шеърий тарзда бериш борасида В.Мей устунликка эга. Аммо шаклни сақлаб қолишга интилиш мақоллар мазмунини бир оз хиралаштириш эвазига амалга оширилгани унинг умумий савиясига таъсир кўрсатган. Натижада аслиятдаги поэтик маънонинг сусайиши ва замонавийлаштирилиши сезилади. В.Мей таржимасига асос бўлган С.Н.Иванов таржималарининг аксариятида Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган мақоллар маромида акс эттирилгани ҳолда айрим ўринларда аслиятдаги халқона ҳикматлар анча саёзлашган ва бу В.Мей таржимасига табиий равишда таъсир кўрсатган.

Асарда халқ мақоллари билан бирга мутафаккир адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига тегишли афоризмлар ҳам кўп.

Афоризмлар мазмун жиҳатидан халқ мақолларига яқин туради, аммо улар бир-биридан сезиларли даражада фарқланади, бу кўпроқ уларнинг шаклий тузилишида кўзга ташланади. Мақоллар шаклий жиҳатдан маълум қолипга солинган ва ихчам бўлади. Мақол ва афоризмлар орасидаги фарқларга тўхталиб, Ҳ.Абдуллаев: “Афоризмларнинг шакли ... анча эркинроқ. Улардаги асосий эътибор ифодаланаётган фикрнинг маъносига

қаратилганлиги учун ҳам шаклда чегара сезилмайди”¹, – деган фикрни билдиради. Бундан ташқари, улар орасида мазмун ифодасида ҳам тафовутлар бор. Мақолдаги ғоя кўп ҳолларда бир неча воқеликка нисбатан қўлланилиш имконига эга ва образлар кўпинча кўчма маъно касб этади. Афоризмда фикр айнан бир воқеликка йўналтирилган бўлиб, образлар тўғридан-тўғри ифодаланади.

“Қутадғу билиг”да Ойтўлди Кунтуғдига тилинг фойдаси ва зарари тўғрисида сўзлар экан, ушбу байтларни келтиради:

Қара баш йағысы қызыл тил турур,

Нэчэ баш йэди бу тақы ма йэйур.

Башыңны тилэсэ, тилиңни кэдэз,

Тилин тэкмэ күндэ башыңны йэйур (952-953).

Қора бошнинг ёви қизил тилдир,

У қанчадан-қанча бошларни еди, яна ҳам ейди.

Бошим омон бўлсин десанг, тилингни эҳтиёт қил,

Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди.

Тўртликда инсоннинг боши, демакки, ҳаёти учун хавфли унсур сифатида тилга урғу берилади ва унинг фойдали жиҳатлари билан бирга зарарли томонлари ажойиб афористик услубда намоён этилади. Гарчи тил ва бош бир танада бири-биридан ажралмас қилиб яратилган бўлса-да, баъзан бири иккинчисига таҳдид солиши мумкин. Бу шаклдаги афоризм Юсуф Хос Ҳожибнинг кашфиётидир. Уни Р.Денкофф шундай таржима қилган:

The red tongue is black head's foe:

Many a head has it devoured.

Hold your tongue if you would keep your head;

Before the tongue the head's coward. (71).

Мазмуни:

¹ Абдуллаев Ҳ. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – Б. 26.

Қизил тил қора бошнинг душманидир,

У кўп бошларни еди.

Агар бошингни сақламоқчи бўлсанг, тилингни тий,

Тил олдида бош кўрқоқдир.

Аслиятдаги “Қара баш йағысы қызыл тил туруп” афоризмининг ўзбекча табдили ва инглизчага сўзма-сўз таржимаси унинг афористик мазмунини тўла очиб берган. Аммо байтнинг иккинчи мисрасидаги “Тилин тэкмэ кундэ башыңны йэйур” ҳақида бундай деб бўлмайди. Аввало, мисранинг кириллча транскрипцияси (Қ.Каримов) ва туркча (Р.Р.Арат) танқидий матнларида тафовут мавжуд.

Қ.Каримовда: Тилин тэкмэ кундэ башыңны йэйур.

Р.Р.Аратда: Tiling tegme күnde başıngnı yanur.

Бизнингча, Наманган нусхасидаги матнда мазкур сўз “йэйур” тарзида мавжудлиги учун, Қ.Каримов уни шу тарзда транскрипция ва табдил қилган. Қолаверса, бу ўринда олим асар қўлёзмасига садоқат кўрсатган. Аммо, айти тўртликнинг ўзида жиддий заруратсиз бир қофиянинг такрорий равишда қўлланиши кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Шунга кўра, иккинчи байт охиридаги қофиянинг “йэйур” эмас, балки “йанур” бўлиши мантикий жиҳатдан кўпроқ ўзини оқлайди. Ана шу ҳаётий мантикқа эътибор бериладиган бўлса, “Тил бошга доим таҳдид солади” мазмунидаги яна бир афоризмининг мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Р.Денкофф “Tiling tegme күnde başıngnı yanur”ни “Тил олдида бош кўрқоқдир” тарзида ўгирган. Таржимада аслиятдаги афоризм мазмуни ўз ифодасини топмагандек. Инглиз тилли китобхон учун уни тушуниш қийин. Таржимада бош бирдан кўрқоқ аъзога айланиб қолган.

Матн мазмунини аниқроқ тасаввур этиш учун “XIII аср туркий тил этимологик луғати”га мурожаат қиламиз. Муаллиф Г.Клаусон луғат тузишда фойдаланилган манбалар ва улардаги сўзларнинг таҳлили юзасидан шундай дейди: “Иккинчи асосий матн туркий халқларнинг энг қадимги обидаси, XI

асрнинг учинчи чорагида ёзилган Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунийнинг “Қутадғу билиг” асаридир. Мен келтирган парчалар Р.Р.Аратнинг 1947 йил нашр этилган танқидий матнидан олинган. Айрим иккиланган ҳолларда асарнинг учта қўлёзмаси факсимилеларига мурожаат қилдим”¹. Мазкур луғатда юқоридаги мисра айнан келтирилган ва шу ўринда факсимилега мурожаат қилинганига ҳам ишора бор: **Yan** – KB (keep a guard on your tongue – Тилиннга қўриқчи қўй) *tiling tegme künde başingni yanur* – your tongue threatens your head (i.e. life) every day 967 – Тилинг ҳар куни бошингга (яъни хаётингга) таҳдид солади (967). *Qutb facsimile* 52 г. 9 (“Қутадғу билиг” факсимил) ².

Қадимги туркий луғатда ҳам шу маъно қайд этилган: **Jan** – III угрожать (тахдид солмоқ), пугать (кўрқитмоқ)³.

Байтнинг туркча таржимаси:

*Başını kurtarmak istersen, dilini gözet: dilin her gün senin başını tehdit eder*⁴ – Бошингни асрашни хоҳласанг тилингни сақла, тилинг ҳар куни бошингга таҳдид қилади).

Афоризм маъносини таржимада акс эттиришда Р.Р.Арат ҳам муваффақиятга эришган дейиш мумкин. Фикримизча, байтнинг охири мисрасидаги **йэйур** транскрипцияда **йанур** тарзида берилиб, мисра ўзбекча табдилда “Бу тил ҳар куни бошингга таҳдид қилади” шаклида берилса, Юсуф Хос Ҳожиб афоризмларининг бадий қиммати ва теран мазмуни замонавий ўзбек ўқувчисига янада жозибалироқ етиб борарди. Таржима жараёнида Р.Денкофф “XIII аср туркий тил этимологик луғати” дан кенг фойдаланган бўлса-да, айти байт таржимасида унга мурожаат қилмаган кўринади.

¹ Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-thirteen Century Turkish. – London: Oxford University Press, 1972. Preface. – P. XVIII.

² Шу луғат. – Б. 942.

³ Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С. 231.

⁴ Arat R.R. Kutadgu Bilig II Çeviri. – Ankara: Turk Tarih Kurumu Basımevi, 1994. 6- baskı. – S. 80.

Айрим таржималарда аслиятнинг мазмуни берилган, сўз ва иборалар ҳам сақланган, бироқ асарнинг бадиий таъсирчанлик қуввати аслидагидай бўлиб чиқмаган. В.Мей тўртликни қуйидагича ўгиради:

His hair may be dark, but his tongue is blood-red,
How often it swallows a thoughtless hot head!
If you need your head, hold your tongue, do not shout,
If not — they will cut your offending tongue out! (966-967)

Мазмуни:

Унинг сочи қора бўлиши мумкин, аммо тили қондек қизил,
Ўйламайдиган бошларни қанчалаб ютади.
Агар бошинг керак бўлса, тилингни тий, бақирма,
Агар тиймасанг, жоҳил тилингни кесиб ташлашади.

“Шаклий имконият мазмунни ўқувчига етказишда катта воситадир. Шеър ҳақида гапирганда, мазмун билан шаклни бир-биридан ажратиб кўрсатишнинг ўзи жоиз эмас. Шакл ва мазмун яхлитликда, диалектик бирликда мавжуд ҳодисалардир”¹. Модомики, шеърий таржимага шундай талаблар қўйилар экан, мутаржим шакл ва мазмун бирлигига доимо эътибор қаратиши лозим. Зеро, таржима асари шаклдор байтлар тўплами эмас, балки ўзга тил вакилларига ўз тилларида эстетик завқ берувчи асар бўлиши лозим.

Тўртликнинг В.Мей таржимасидаги ғализликлар бир қарашдаёқ яққол кўринади. Биринчи мисрада гап нима ҳақида кетмоқда ўзи? Ким (нима)нинг сочи қора. Ким (нима)нинг тили қондек қизил? Бу саволларга жавоб йўқ. Тилни тийиш бу фақатгина бақирмаслик эмас-ку! Гапларнинг шахссиз ҳолда берилиши мазмунни мавҳумлаштирган.

Бизнингча бу ғализликларнинг келиб чиқишига сабаб мутаржим таржимани воситачи тил орқали амалга оширганлигида. Қиёсий-типологик таҳлил натижалари бу фаразларимизнинг тўғри эканлигини кўрсатди.

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 57.

Воситачи тил орқали таржима масаласида профессор Ғ. Саломов шундай дейди: “Афсуски, ўзбек тилидан бошқа тилларга воситачи тил орқали қилинаётган кўп таржималар ҳозирги талабга жавоб бермайди. Бадиий асарларнинг катта лексик, фразеологик ва услуб бойлиги, ёзувчиларнинг бадиий маҳорати, сўз санъати, индивидуал услуб жилоси ва улар қўллаган турли-туман бадиий воситаларнинг ранг-баранглиги бу таржималарда етарли даражада ўз аксини топмаган. Китобхонни ҳаяжонга соладиган ва унга катта эстетик завқ берадиган энг нозик нуқталар уларда сўниб қолган”¹. Бунинг яққол мисолини юқоридаги байтнинг русча таржимасида кўриш мумкин:

Темна голова, а язык – то багров,
И сколько он съел неразумных голов!
Нужна голова – придержи свой язык,
Не сдержишь – отрубит он голову вмиг! (966-967)

Бизнингча, таржима қай йўсинда, аслиятданми ёки воситачи тил асосида амалга оширилмасин, асосий масала – таржима сифати унинг аслиятга қай даражада яқин келганлиги билан баҳоланади. С.Н.Иванов талқинидаги бу ғализликлар В.Мей таржималарида ҳам ўз аксини топгани тайин.

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўладики, “Қутадғу билиг” тўртликлари ўзининг теран бадиияти, мукамал композицияси ва тасвирдаги семантикаси билан алоҳида ажралиб туради. Тўртликлар асарнинг асосини ташкил этувчи маснавийнинг мантикий давоми ва улардаги фалсафий фикрларнинг исботи сифатида майдонга келади. “Қутадғу билиг” тўртликлари ўзларининг қофияланиши ва мазмун қамрови билан рубоийга яқиндир.

Асар тўртликлари композициясини таржимада сақлашга интилиш аслиятдаги поэтик мантиқ моҳиятига яқинлашишнинг муҳим омилдир. Бу муҳим жиҳат учала мутаржим таржималарида ўзига хос тарзда ҳал этилган.

¹ Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – Б.148.

Шеърӣ таржимада композицион-семантик хусусиятлар ечимининг таъминланиши фақатгина аслият мазмун-мантӣғини китобхонга тўғри етиб бориши учунгина эмас, балки аслият бадииятини, шунингдек, муаллиф услубининг сақланишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳамдир.

Шарқ шеърӣ тизимини генетик жиҳатдан узоқ бўлган тилларга таржима қилиш талай қийинчиликларни келтириб чиқаради. В.Мей ва С.Н.Иванов таржималарининг кўпчилигида аслият композицияси ўзига хос тарзда қайта яратилган. В.Мей киритган айрим ижодий ёндашувлар таржимада тўртликларнинг янада бадий мукамал бўлишини таъминлаган.

Р.Денкофф ҳам тўртликлар композициясини қайта яратишда қатор ютуқларга эришган. Бироқ, айрим тўртликлар таржимасида мутаржимнинг ўта эркинлик ва қисқартириш йўлидан бориши тўртликлар композицияси ва, ўз навбатида, аслият мазмунини таржимада саёзлашишига олиб келган. В.Мей ва С.Н.Иванов таржималарининг айримларида тўртликлар композицияси таржимада сақланмаган ва натижада аслият мазмуни ўзгарган ҳоллари ҳам мавжуд.

Мақол ва афоризмларни инглизчада аслиятга мувофиқ қайта яратиш борасида инглиз шоир ва таржимони В.Мей кўпроқ маҳорат кўрсатган. Аммо, унинг тажрибасида кўп ҳолларда шаклни сақлашга асосий эътибор қаратилиб, воститачи тил таъсирида айрим мақоллар таржимада акс этмай қолган. Шунингдек, унинг талқинида асар тилини ғарблаштириш ва замонавийлаштириш ҳоллари учрайди.

Р.Денкофф кўп ўринларда аслиятдаги мақолларнинг умумий мазмунини инглиз тилида изоҳлаб бериш йўлидан борган. Туркий ўзига хос сўзлар таржимасида аниқликка интилиб, тўртликлар мазмунини таржимада сақлаб қолишга эришган.

Мутаржимлар Юсуф Хос Ҳожиб афоризмларини инглиз тилида қайта яратишда асосан ижодийлик ва эркинлик йўлини танлаганлар. Р.Денкофф

таржимасида аслиятни тўғри англамаслик, мавжуд манбалар ва луғатларга етарлича мурожаат қилмаслик натижасида бир қатор ғализликлар келиб чиққан.

Воситачи тилга суяниш ва шакл сақлашга интилишнинг устунлиги сабаб В.Мей таржималарининг айримларида аслият мантиғи умуман акс этмай қолган. Зеро, С.Н.Иванов таржималарининг баъзиларида афоризмлар мазмуни мутаржим томонидан тўғри анланмаган ва бу, ўз навбатида, таржимада аслият мазмунининг саёзлашувига олиб келган.

“Қутадғу билиг”да муаллифнинг ўзига тегишли афоризмларнинг шеърий тарзда ва мақоллар билан уйғунликда келтирилганлиги улар таржимасида бир қадар мураккабликни келтириб чиқарган. Фикримизча, муайян камчиликларга қарамай, асардаги мақол ва афоризмлар таржимаси борасида Р.Денкофф бир қадар устунликка эришган.

III БОБ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” БАДИЯТИДА ШЕЪР САНЪАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

“Қутадғу билиг”даги тўртликлар, бир томондан, туркий тилнинг XI асрдаги нодир намуналари бўлса, иккинчи томондан, у Юсуф Хос Ҳожиб сиймосида мужассамлашган поэтик иқтидорнинг беқиёс тухфасидир. Унда қўлланган шеърий санъатлар шоирнинг юксақ поэтик маҳоратини кўрсатади. Зеъро, "шеърнинг таркиби ҳамма вақт ўзи яратилаётган тилнинг прозодик ҳамда синтактик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир"¹. Шу билан бирга шеърнинг таркиби шу тилдаги тасвир имкониятларига ҳам, муаллифнинг шахсий иқтидорига боғлиқдир. Уларнинг поэтик моҳиятини англаб етиш учун фақат фалсафий, ахлоқий-дидактик мазмунни илғашнинг ўзи камлик қилади. Буларни китобхон онгига етиб боришини, руҳиятига кўрсатадиган таъсирини таъминлайдиган, бир сўз билан айтганда, асар бадииятини юзага чиқарадиган омилларни ҳам идрок этиш зарур бўлади. Назаримизда, шеър санъатлари худди шу вазифани адо этади.

Юсуф Хос Ҳожиб забардаст сўз санъаткори сифатида улардан маҳорат билан фойдаланган. Албатта, биз бу ўринда уларнинг барчаси ҳақида батафсил маълумот бермоқчи эмасмиз. Бунга зарурат ҳам йўқ. Биринчидан, бу мавзу адабиётшуносликда анча кенг ёритилган. Иккинчидан, биз таржимашунослик нуқтаи назаридан муҳим деб ҳисобланган, аниқроғи, таржимонларнинг ўзига хосликларини кўрсатиш учун энг кўп даражада хизмат қиладиган шеър санъатлари устидагина тўхталамиз.

¹ Якобсон Р. Работы по поэтике. – М.: Прогресс, 1987. – С. 25.

3.1. Тамсил – далиллаш санъати ва уни таржимада қайта яратиш

Бадиий адабиётда шундай шеърӣ санъатлар борки, улар асарнинг ички гўзаллигини таъминлаб, бадиий қимматини оширади, ундаги поэтик гоёнинг фавқулодда теран ва нозик даражада ифодаланишини таъминлайди. Аслида шеър санъатлари тасодифий характерга эга бўлмасдан, асарнинг гоёвий-бадиий бутунлиги, даврнинг ижтимоий-эстетик талаблари, муаллифнинг бадиий-эстетик муддаоси, шунингдек, унинг ўзига хос услуби билан чамбарчас боғлиқдир.

“Қутадғу билиг” тўртликлари ўзининг фалсафий дидактикаси билан ажралиб туради. Улардаги образлилик ва бадиийлик муаллифнинг юксак поэтик маҳоратини кўрсатади. Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларининг бундай нафис мазмун ва жозибали шаклга эга бўлишида тамсил санъатининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Маълумки, туркий, шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида бошқа бадиий санъатлар билан бир қаторда, фикрни ҳаётӣ мисоллар орқали далиллаш санъати ҳам кенг ўрин эгаллайди. Бунинг учун адиблар турмуш тажрибасида синалган ибратли воқеа-ҳодисалардан ва улардан келиб чиқадиган хулосалардан унумли фойдаланадилар.

“Тамсил – “мисол келтириш” маъносини билдириб, шеър байтининг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифатида иккинчи мисрада ҳаётӣ бир ҳодисани мисол келтиришга асосланган санъатдир”¹. Ё.Исҳоқовнинг кўрсатишича, “Моҳият жиҳатидан далиллаш лирик қаҳрамоннинг муайян пайтдаги хатти-ҳаракатлари, кечинмалари, фалсафий-ижтимоий, ахлоқӣ-тарбиявий руҳдаги поэтик хулосаларини мантиқан асослашга қаратилган”².

“Қутадғу билиг” тўртликларини кузатар эканмиз, Юсуф Хос Ҳожибнинг тамсил санъатидан жуда маҳорат билан фойдаланганлигининг

¹ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 24.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Zarqalam, 2006. – Б. 74.

гувоҳи бўламиз. Муаллиф ўзи илгари сурган ғоя ва фикрларни ҳаётда синалган ибратли воқеалар ва ҳикматлар билан исботлаб беради.

Асардаги тамсил санъатининг хорижий, хусусан, инглиз тилида қайта яратилишини аслият билан қиёсий таҳлил этиш ҳали тадқиқ этилмаган масалалар сирасига киради. Зеро “шеърый таржима сифатини белгилашда асл нусха бадииятини таъминловчи воситалар қай даражада тўлиқ ва мукаммал тикланганлигини аниқлаш жуда муҳим”¹.

Аввало, мутаржимларнинг бу борадаги нозик кузатишлари, асар моҳиятидаги бу ўзига хосликни теран идрок этиб, уларни таржимада акс эттиришдаги юксак маҳоратларини қайд этишни ўринли деб биламиз. Зеро, кўп ўринларда аслиятдаги бу нафис санъат инглиз тилида ҳам аслиятдагидек жаранглайди.

Асарнинг “Элиг Кунтуғди Ўгдулмишга мактуб ёзиб йўллашини айтади” бобида Ўгдулмиш Ўзгурмишга мард киши фазилатларини бирма-бир айтиб беради. Мард кишига ҳавас қилувчилар билан бир қаторда ҳасад қилувчиларнинг ҳам кўп бўлиши ва бунга эътибор қилмаслик лозимлигини таъкидлайди. Бу фикрни муаллиф шундай тамсилий образ билан далиллайдики, натижада тўртликнинг бадиийлиги ва инсон руҳиятига кўрсатадиган таъсир кучи беқиёс даражада ошиб кетади.

Нэку эр болур көр миң эр душманы,

Миң эр сөзләмәсә кунингә аны.

Бөри-му болур көргил ытқа қайар,

Удула эшитсә миң ытлар уни (3376-3377).

(Бир) мард киши минг кишига нечук душман бўлсин,

Минг киши кунига уни сўзламаса (яъни ҳасад қилмаса).

Бўри итга қайрилиб қарармиди, кўргин,

Кетидан минг итнинг овозини эшитса (ҳам).

¹ Исомиддинов З. Туркий эпос ва таржима масалалари. – Т.: Университет, 1995. – Б. 63.

Ҳасадгўйларга қандай жавоб қилиш лозимлиги байтдаги тамсил орқали ёрқин очиб берилган. Бўри образи “Қутадғу билиг”да кўп ўринларда мардлик тимсоли сифатида тасвирланади. Ушбу тўртликда ҳам кўришимиз мумкинки, бўри мардлик, ит эса номард ва ҳасадгўйлик тимсолида гавдаланмоқда. Бу ерда мард киши – бўри, минг киши – минг ит зиддияти асосида асосий ғояга урғу берилмоқда. Муаллиф фикрни далиллаш учун бу икки образни шундай қаршилантира олганки, келиб чиқадиган хулоса фикрнинг ҳаётийлигини тўла таъминлайди. Бу гўзал санъатнинг инглиз тилига қандай ўгирилганлигига эътибор қаратамиз. Р.Денкофф таржимаси:

What sort of man has not a thousand foes,
To shout his name a thousand times a day?
What sort of wolf runs away to hide,
Hearing a thousand dogs bark and bay? (152)

Мазмуни:

Қандай одам бўлдики, минглаб душмани бўлмаса,
Унинг номини бир кунда минг марта бақриб айтишга?
Қандай бўри бўлдики, қочса ва яширинса,
Минглаб итларнинг хуриб увуллашин эшитганда?

Таржимоннинг аслиятга содиқлиги бир қарашдаёқ кўзга ташланади. Аслиятдаги маъно ва мантиқ тўла ҳолда инглизчада ўз ифодасини топган. Тўртликдаги фикрни исботловчи ҳаётий образлилик таржимада ҳам тўла акс этган. Мутаржим ҳатто тамсилий образлар ҳаракатини аниқлаштирган. Аслиятда бўрининг ҳураётган итга назар ҳам солмаслиги таъкидланса, таржимон унинг қочмаслиги ва яширинмаслигини айтиб фикрни янада кенгайтормоқда. Таржимадаги бу тамойилни таржимашунос олим Л.С.Бархударов аниқлаштириш деб номлаган эди¹. Тўғри, бу аслиятдаги тамсилнинг шаклини ўзгартиради, аммо инглиз китобхони учун шу талқин тушунарли. Муҳими, образлилик йўқолмаган. Асар муаллифининг тамсил

¹ Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международная отношения, 1975. – С. 210.

қўллашдан мақсади таржимада тўла акс этган. Айтиш мумкинки, таржимон тамсилий образларни сақлаш билан бирга, уларнинг инглизча ифодасини ҳам ҳосил қила олган. Айтиш тўртликнинг В.Мей талқинига эътибор қиламиз:

Is he a real, man, who from thousands of foes,
No word of reproach on his head ever flows?
But does not the wolf at least once then look back,
Having heard all the yelps of the hungry dog pack? (3421-3422)

Мазмуни:

У ҳақиқий эркакми минглаб душманлардан,
Унинг бошига бирор оғиз таъна сўзи ёғилмаса?
Аmmo оч итлар галаси хуришини эшитиб,
Бўри атиги бир марта ортига қарамайдими?

Тўртликнинг биринчи байтидаги асосий фикр тўғри таржима қилинган. Бироқ, мана шу фикрни далилловчи ҳаётий мисолнинг таржимадаги талқини ҳақида бундай дейишимиз қийин. Аслиятдаги тамсил минглаб итлар хуришига бўри эътибор ҳам қилмаслигига асосланган бўлса таржимада бунинг акси, яъни хураётган итларга бўрининг ҳеч бўлмаса бир марта қараши кераклиги ифодаланмоқда. Мутаржимнинг биттагина “not” инкор юкламасини ноўрин қўллаши мазмуннинг тамомила тескари бўлиб чиқишига олиб келган. Агар ана шу биттагина “not” ни олиб ташлаб ўқилса, таржима аслиятга тўла тўғри келади. Бу ғализликнинг сабаби, бизнингча, ёки В.Мейнинг вазни сақлашга уринишида ёки туркий тилдаги юқоридаги ҳикматдан беҳабарлигида. Шеърий таржимада айрим қўшиш ва қисқартиришларнинг вазн ва қофияни сақлашга бўлган интилиш сабабли келиб чиқиши тўғрисида таржимашунос олимлар Ғ.Саломов ва З.Исомиддиновлар асосли фикрларни билдирганлар¹. Бироқ, бу қисқартириш ва қўшимчалар аслият мазмунини қурбон қилиш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

¹ Бу ҳақда қаранг: Исомиддинов З. Туркий эпос ва таржима масалалари. – Т.: Университет, 1995. – Б. 40-46.

Ваҳоланки, С.Н.Ивановнинг русча таржимасида бу тўртлик куйидагича акс эттирилган:

Мужчина ли тот, кто от тысяч врагов
В укор не услышал по тысяче слов?
Но волк обернется ль хоть раз на собак,
Заслышавши лай даже тысячи псов? (3421-3422)

Кўриниб турибдики, русча талқинда аслиятдаги маъно ва мантиқ тўла сақланган. Бироқ, унга асосланган инглизча таржимада мазмун тамомила тескарисига ўзгариб кетган.

Таржимонга қўйиладиган талаблардан бири аслиятни тўғри идрок этиш учун ундаги сўзларнинг асл моҳияти, уларнинг кўп маънолилиқ хусусиятларини тўла билиб олиш билан боғлиқ. Айниқса, Шарқ шеъриятида бунга катта эътибор қаратилади. Кўриниб турибдики, В.Мей русча таржимадаги “ль” сўроқ ва таажжуб юкламаси (ўзбек тилидаги -ми”) га эътибор қилмасдан, “not”ни мажбуран киритган. Ушбу тўртлик таржимасида шаклини сақлаш лозим бўлса, “But *does not* the wolf at least once then look back”даги “does not”нинг ўрнига “will” ёрдамчи феъли (ўзбекча -ми юкламаси”)ни ва вазни сақлаш мақсадида мазмунга салбий таъсир кўрсатмайдиган “see – кўргин” феълини қўлласа яъни:

But see, will the wolf at least once then look back,
Having heard all the yelps of the hungry dog pack?

шаклида берилса, бизнингча, шакл ҳам бузилмаган, аслият мазмунига ҳам путур етмаган бўлар эди.

Яна бир тўртликни кўрамыз:

Тиләк арзу сүрмәк эди кәд татығ,
Татығ айтығы бар йарынлық қатығ.
Татығқа татығсыз сүчүгкә ачығ,
Ағышқа иниш ул эдизкә батығ (5994-5995).

Тилак-орзу суриш жуда ҳам ширин,

(Лекин) шириннинг эртанги қаттиқ сўроғи (ҳам) бор.

Ширинга – бемаза, чучукка – аччиқ,

Кўтарилишга – тушиш, баланд (лик) ка – паст (лик) бор.

Бу – Ўзгурмишининг Ўгдулмишга панди. Англашиладики, бу дунёдаги ҳар бир нарсанинг ва хатти-ҳаракатнинг сўроғи ва жавоби бор. Бу ҳикматни муаллиф шундай лўнда қилиб тушунтирадики, ҳаётини мантиққа асосланган тамсил муаллиф фикрини ёрқин очиб беради. Айтиш керакки, таржимонлар ҳам ушбу гўзал санъатни таржимада тўла қайта ярата олганлар.

С.Н.Иванов таржимаси:

Желаньям потворствуешь – вкусишь услад,

Да только ответ за них мукой чреват.

Где сладость – там горечь, где мед – там и яд,

Где взлет – там паденье, где высь – там и спад! (6120-6121)

В.Мей талқини:

Conniving your wishes, what sweetness you taste!

You'll answer for that, when your torment takes place!

Where sweet is - there's bitter, where's honey - there's bane.

Where flight is - there's falling, where's height - depth the same! (6121-6122)

Мазмуни:

Тилакларингга эрк берасан, қандай ширинликларни татийсан!

Азобларинг бошланганда, унинг учун жавоб берасан.

Ширин бор жойда аччиқ бор, асал бор жойда заҳар бор,

Учиш бор жойда тушиш бор, баландлик бор жойда чуқур бор.

Р.Денкофф таржимаси:

Sweet is the pleasure of the day,

But hard will fall the requital of the morrow.

For every sweet a bitter after taste.

For every rise a fall, for every height a hollow (239).

Мазмуни:

Ширинлик куннинг роҳати,
Бироқ эртага бунинг жавоби оғир бўлади.
Ҳар ширинга охирида аччиғи бор,
Ҳар кўтарилишга тушиш, ҳар баландга чуқур бор.

Тамсил таржимасида мутаржимлар маҳорат кўрсатганлари аён. Тамсил айнан сўзма-сўз ва аниқ ўгирилгани кўриниб турибди. С.Н.Иванов ва В.Мей талқинида тамсилга жуда ўринли қўшимча киритилганлигини кузатиш мумкин. Аслиятда ва Р.Денкофф таржимасида бўлмаган “асал бор жойда захар ҳам бор” жумласининг киритилиши тамсил мазмунининг инглизчада янада чуқурроқ ифодаланишига олиб келган. Таржимада тўртлик шакли айнан шу қўшимча ҳисобига тўқис бўлган ва бусиз, бизнингча, ушбу тўртликдаги шакл ва мано мутаносиблигига эришиб бўлмас эди.

Ушбу тўртликнинг аҳамиятли томони шундаки, воқелик тамсил воситасида далилланади. Мутаржимлар тўртликнинг шу хусусиятини ва ундаги тамселий образлар (ширин – аччиқ, кўтарилиш – тушиш, баландлик – чуқур)ни сақлабгина қолмай, уларни асл нусхадагидек таққосланиши ҳамда ундан англашиладиган мазмунни ҳам тўлиқ баён қила олганлар.

Ҳар қандай таржимада аслиятдаги сингари асосий фикр билан бирга, унинг образларини ҳам ифода эттириш зарурияти долзарб ҳисобланади. Шеър тамсилининг таржимада бой берилиши – ундаги ғояни заифлаштиради. Аслиятдаги пурмаъно фикр таржимада ўз қиёфасини топмай қолади.

Энди бошқа бир тамсил таржимасини кузатамиз:

Сөзи чын кэрэк бэг қыйықсыз көни,
Сөзіндә йанығлығ тэмә эр аны.
Тилин сөзләмиш сөздән йанмас эрэн,
Сөзіндә йанығлы ишиләр саны (497-4972).

Бег сўзи чин, ваъдани бузмайдиган, тўғри бўлиши керак,
Сўзидан қайтувчини мард дема.
Мардлар тили билан сўзлаган сўздан қайтмайди (лар),

Сўзидан қайтувчи (киши) хотинлар қаторидир.

Бу тўртликда ҳам “Сөзидә йанығлы ишиләр саны – Сўзидан қайтувчи хотинлар қаторидир” воситасида тамсил санъати кўлланилган бўлиб, у биринчи байтдаги фикрни халқона ҳикмат билан исботлайди.

С.Н.Иванов таржимаси:

Бек должен быть честным, правдивым во всем,
Мы мужем обманщика не пазовем.
Мужи не нарушат обета вовек,
Одним только сплетницам ложь – нипочем! (5079-5080)

Русча таржимада аслиятдаги тамсилни бутун қамрови билан беришга интилиш сезилиб турибди. Фақат Юсуф Хос Ҳожиб томонидан урғу берилган ростгўй-ёлғончи зиддиятини кўрсатишга хизмат қилиши мўлжалланган “эркак-аёл” антоними бир озгина ўзгарган. Гарчи бу ерда ҳам аёл образи иштирок этаётган бўлса-да, у ёлғонни ҳеч ҳам ўйлаб ўтирмасдан кўллайверадиган аёл тимсолини кўрсатиш учун хизмат қилган. Ваҳоланки, Юсуф Хос Ҳожиб бу ўринда ёлғон сўз айтадиган эркакни эркак эмас, аёллар қаторида кўриш керак деган ҳукмни ифодалаётган эди.

Ифода маромининг бу тарзда бузилиши В.Мей таржимасида янада кучлироқ тарзда акс садо беради, натижада инглизча таржимада бу поэтик маъно ғализлашиб қолади:

A Bey must be honest and righteous in all.
A trickster or swindler no man will they call!
A true man will keep to his word, and be glad,
And only the prattlers call lies “not too bad”! (5080-5081)

Мазмуни:

Бег ҳамма нарсада адолатли ва тўғри бўлиши керак,
Ёлғончи ва фирибгарни одам демайдилар.
Ҳақиқий инсон сўзида туради ва хурсанд бўлади,
Фақат ғийбатчилар ёлғонни “унчалик ёмон эмас” дейдилар.

Аслиятда сўзидан қайтувчи кишига тамсилий образ қилиб олинган хотин таржимада “prattlers – ғийбатчилар”га ўзгаргани натижасида тамсилнинг функцияси бузилган ва у оддий гапга айланган. Бу туркий муҳитда яратилган шеърӣ ўзига хослик – бадий ҳақиқатнинг таржимада муносиб тарзда акс этмаслигига олиб келган.

Р.Денкофф таржимаси:

Call not that prince a man,
Who breaks his promise given.
For he is no true man:
He plays the part of women (205) .

Мазмуни:

Берган ваъдасини бузган,
Шоҳни инсон дема.
У ҳақиқӣ эркак бўлмагани учун
Аёллар каби иш тутуди.

Р.Денкофф таржимада ўта қисқартириш йўлидан боргани тайин. Мутаржим гўёки тўртликдаги кўплаб қисмларни такрор деб ҳисоблайди ва уларни таржимада олиб ташлайди. Таржимоннинг асосий мақсади аслиятда мавжуд бадий ҳақиқатни мазмунига кўра янги муҳитга мослаштирган ҳолда ўгиришдан иборат бўлган. Аммо, у бунда умумий йўсиндаги мулоҳазаларни кифоя деб ҳисоблаган. Бунинг натижасида асар бадииятини таъминлаб турган айрим деталлар назардан соқит қилинган. Бу яхши усул эмас, балки тўртликнинг бадийлиги ва нафосатини таржимада барбод қилишдир. Кўриниб турибдики, тўртлик таржимада анча соддалашган, охир-оқибатда “жўнгина шеър” ҳосил бўлган. Тўртликнинг шакли-шамойили таржимада деяри кўзга ташланмайди. Бироқ, аслиятдаги тамсил санъати таржимада маълум даражада акс этганини кузатиш мумкин. Аслиятда “сўзидан қайтадиган киши” хотинлар қаторига қўшилади ва таржимада ҳам бу поэтик

ходиса образли тарзда намоён бўлади. Буни фақат тамсилни сақлаш учунгина бошқа поэтик унсурлардан атайлаб воз кечиш деб баҳолаш ўринли бўлади.

Аслида Р.Денкофф ҳам бу ерда тамсилни қониқарли даражада очиб бера олмаган. Чунки тамсил, юқорида таъкидланганидек, фикрни асословчи мисолни англатади. Р.Денкофф эса Юсуф Хос Ҳожиб келтирган тамсилни сезиларли даражада бузиб, ваъдасининг устидан чиқмаган кишининг характерини, хатти-ҳаракатини сифатламоқда, холос.

Мутаржимларнинг айрим ҳолларда тамсилий образларни ўзгартириб ўгирган ҳолатлари ҳам учрайди. Бу баъзи ўринларда аслиятдаги мазмунга мос тушган бўлса, айрим ҳолларда таржимада аслият мантиғининг бузилишига олиб келган.

Юсуф Хос Ҳожиб кўнгли юмшоқ ва пок кишиларни кўкка кўтаради. Унинг назарида, юксак маънавият эгалари жамиятнинг энг покиза ва улуг одамларидир. Шулардан бири кўнгилли, яъни имон-эътиқодли кишилардир. Адиб талқинида, кўнгилсиз, яъни имон-эътиқодсиз киши – тугалланмаган суратдир:

Эт өз йэтти андам көңүлкә үдәр,
Көңүл бирлә йалнуқ ағыр йүк йүдәр.
Түгәлсиз бадыз – ул көңүлсуз киши,
Көңүлсуз киши билгә атын бодар (2757-2758).

Тан-жон, етти андом (бутун вужуд) кўнгилга эргашади,
Кўнгил туфайли одам оғир юк кўтаради (машаққат чекади).
Кўнгилсиз киши тугалланмаган суратдир,
Кўнгилсиз киши доно отини булғайди.

Муаллиф инсоннинг барча яхши фазилатлари кўнгилда намоён бўлишини таъкидлайди. Тўртликда кўнгилли ва кўнгилсиз кишиларнинг сифатлари таърифланади. Муаллиф кўнгилли кишини эл корига ярайдиган киши деб таърифлаб, кўнгилсиз кишини тугалланмаган суратга қиёслайди. Тўртликда гўзал тамсил санъати мавжуд. Бир қарашда бу ташбехни эслатади,

чунки тамсил ҳам ташбеҳга яқин санъат. Муаллиф бу ўхшатишни ўзи олға сураётган фикрни исботлаш учун келтиради. Зеро, ҳаётда тошбағир ва нодон кишини тугалланмаган суратга ўхшатиш табиий ва мантиқлидир.

Тўртликни Р.Денкофф куйидагича ўгиради:

The body and the seven limbs obey the heart.
With the heart a man bears a heavy weight;
Without it he's but a painted statue:
His claims to wisdom dissipate (132).

Мазмуни:

Тана ва етти аъзо юракка бўйсунди,
Юрак билан одам оғир юк кўтаради.
Усиз киши бўялган ҳайкалдан бошқа нарса эмас,
Унинг доноликка интилиши йўқолади.

В.Мей таржимаси:

Your soul in subjection your whole body keeps;
A heaviest burden your flesh surely reeps.
A man with no soul is at once put to shame.
He may even soil a wise master's good name! (2797-2798)

Мазмуни:

Қалбинг сенга бўйсуниб, бутун танангни тутиб туради,
Тананг шубҳасиз энг оғир юкни йиғади.
Қалбсиз киши дарров уятга қолади,
У ҳатто доно устози номини булғайди.

Иккала таржимада ҳам аслиятнинг умумий мазмуни очилган. Аммо, уларда аслиятдагидек чуқур маъно ва мазмун мавжуд эмасдек кўринади. Р.Денкофф таржимасида аслиятдаги тамсилнинг образи ўзгартирилган бўлса-да, бош ғоя мазмунини сақлашга уриниш устуворлик қилади. Яъни аслиятда кўнгилсиз киши тугалланмаган, чала чизилган суратга ўхшатилса, таржимада бўялган ҳайкалга қиёс қилинади. Бу икки образ англатадиган кўчма маъно бир-

биридан фарқ қилади. Одатда, ҳайкал ҳаракатсизликнинг, бепарволикнинг рамзи сифатида қўлланади. Бўялган ҳайкал инглизларда шу ҳаракатсизлик, бепарволикни хаспўшлашга, яширишга бўлган интилишнинг ифодаси бўлиши мумкин. Тўртликдаги тамсилнинг мантиғи эса мукамал бўлмаган, нопок, кўнгилсиз кишининг сифатларини очиб беришга йўналтирилган. Тамсил санъатини хорижий тилларга ўгиришдаги маҳорат кўп даражада аслиятдаги мажозий образлар ифодалаган асл мантиқни тушуниб етишга боғлиқ. Шунга кўра таржимада тамсилий образлардан ўринсиз воз кечиш аслиятда илгари сурилган фикрнинг ғализ чиқиши ёхуд ўзга тил ўқувчисига тушунарсиз бўлишига олиб келади. Зеро, ҳар бир адиб ҳамиша ўз фикрига мос образ танлайди, уни асар мазмунига мослаштиради.

Яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, Р.Денкофф қадимги туркий тилнинг билимдони сифатида матн мазмунини ойдинлаштиришда кўплаб луғатларга муурожаат этгани тайин. Жумладан, қадимги туркий тилда “бадиз” фақат сурат эмас, балки “бўялган ҳайкал” маъносига эгалиги Клоусон луғатида ҳам қайд этилган¹.

В.Мей таржимасида тамсил умуман бой берилган ва тўртликдаги фикр исботи оддийгина ифодаланган (“A man with no soul is at once put to shame” - Қалбсиз киши дарров уятга қолади). Бу ҳол таржимада мазкур тўртликнинг бадиияти ва оҳангдорлигини оҳорсизлантирган. Бунинг сабаби эса яна ўша – таржиманинг воситачи тилга таянганлиги билан изоҳланади. Мей таянган С.Н.Иванов таржимасида ҳақиқатда ҳам учинчи мисра, агар айтиш мумкин бўлса, бутун тўртликнинг таянч нуқталаридан бири мутлақо ўзгартириб юборилган:

Душе в своей власти все тело держать,

И ей уготована тяжкая кладь.

Порочен лишенный души человек:

¹ Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-thirteen-century Turkish. – London: Oxford University Press, 1972. – P. 310.

Он может и мудрых стыдом замарать! (2797-2798)

Тўғри, шу шаклда ҳам инсон маънавиятига оид нотугаллик таъкидланмоқда. Бироқ гап ростлик, ҳалоллик, садоқат, ишга бутун вужуди билан берилиш устида бораётганини унутмаслигимиз керак. Мазкур тўртлик асарнинг “Ўгдулмиш элигга хазиначи қандай киши (бўлиши) кераклигини айтади” бобидан олинган. Худди шунинг учун ҳам сўз ва иш бирлиги ҳақидаги қарашлар бу ерда фавқулодда яхлит ҳолда ўз аксини топган. Бундай ҳолатдаги айирма эса номукамаллик, нотугаллик, чалалик, ноқислик сифатида баҳоланган. Унинг поэтик ифодаси эса “Тўғелсиз бадыз – ул кўнўлсуз киши” мисрасида мужассамлашган. Айни шу мисранинг тушириб қолдирилиши, аниқроғи, унинг ўзига тенг бўлмаган муқобилига алмаштирилиши поэтик мазмун бутунлигига соя солган.

3.2. Метафора таржимасининг ўзига хосликлари

“Кутадғу билиг”даги тўртликлар ўзининг сермазмунлиги ва серқирралиги билан ажралиб туради. Муаллиф ўзи олдинга сурган ғояларни ўқувчига образли ва яққол кўрсатиб бериш учун бир қатор бадий санъатлардан фойдаланганки, улар орасида метафоранинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу борада инсон, табиат, ҳайвонот оламига тегишли образлардан кенг фойдаланади. Зеро, “борлиқ турли символларга тўла ва ҳар бир кўриниш ўзининг иккинчи маъносига эга”¹. Муаллиф бундай символлардан ўринли ва маҳорат билан фойдаланган.

Бадий адабиётда метафора очик ва ёпиқ шаклда бўлади. Очик метафорада истиорага олинган сўзгина иштирок этади ва унинг маъносини яхлит ҳолда тушуниш имконияти мавжуд. Ёпиқ метафорада эса истиорага олинган сўз ҳам, ўхшатилаётган нарса ҳам иштирок этади. Адабиётшунос олим Д.Қуронов метафорани лексик ва матн ичидаги метафораларга бўлади ҳамда биринчисининг мазмуни бир сўз доирасида англашилиши мумкин бўлса, иккинчисининг маъноси бошқа сўзлар билан алоқада ойдинлашишини таъкидлайди². Бу айни очик ва ёпиқ метафоралардир.

Биз ўзимиз таҳлилга тортган 200 та тўртликда қўлланилган метафораларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

1. Очик метафоралар:

а) от сўз туркуми воситасида ясалган: *работ, карвонсарой, тўр, арслон, бўри, ит, қил, бурж, очиқувчи, тўювчи ҳинду, олтин камар бозлаб юрувчилар, юрувчи, неъмат соҳиби, меҳнат соҳиби, ўтқир кўз, соқ қулоқ, кенг кўнгил, зойиб киши, одамлар боши, тили ёлгон, таглик киши, денгиз, қаттиқ тугун, қўли узун, тили тўғри.*

б) феъл сўз туркуми воситасида ясалган: *юзига тупурмоқ, оёққа қўймоқ, қориндан чиқмоқ, қоринга кирмоқ, бўйин бермоқ, оти шуҳрат*

¹ Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – М.: Наука, 1979. – С. 162.

² Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Халқ мероси, 2004. – Б. 128.

қозонмоқ, құл кўтармоқ, тил очмоқ, бағирга олмоқ, бўйинини қайирмоқ, кўзи дадиллашмоқ, қул йиғмоқ, икки кўз сув ичмоқ, юз кўрсатмоқ, тилидан захар сочмоқ, қилич урмоқ, боши айланмоқ, кўнгилга эргашимоқ, ширин жон бермоқ, куни ёримоқ, кулиб очилмоқ, ўзини яширмоқ, оёқ урмоқ, рўпарада учмоқ, огиз очмоқ, бу дунё қочади, ўзини куйдирмоқ, кўнгилни кўтармоқ, кўзни сақламоқ, халқумни покламоқ, юзини ёритмоқ, томоқни тиймоқ, кўксини янчмоқ, кўзини чиқармоқ, қут билан суямоқ, бўйин кўтармоқ, жиловни тескари етакламоқ, ҳазм қилмоқ, тожи буюклашмоқ, ҳавас бўйинини синдирмоқ, куни туғмоқ, ёқа тутмоқ, чуқур қазилмоқ.

2. Ёпиқ метафоралар: *беглик пойдевори, беглик томири, эзгу ўрин, қайғу эшиги, гадолик тўни, маърифат эшиги, тўғрилиқ йўли, кўнгил сири, жон риштаси, кўз чаимаси, гафлат уйқуси, юз суви, ҳақиқат куни, тириклик суви, кўчар пайти.*

Бадий таржима қилишдан мақсад бир тилдан иккинчи тилга сўзларни луғавий ўгириш эмас, балки уларнинг маъзида яшириниб ётган маънони юзага чиқаришдир. Таржимоннинг аслият моҳиятини нечоғлик тўғри ва тўла тушуниши унинг сўз бойлиги кўламини тўғри белгилашига, пухта ва аслиятга энг яқин таржима асарини яратишига асос бўлади. “Муаллифнинг индивидуал услубини ва унинг асардаги миллий ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишдек муҳим вазифани ҳал қилиш йўлидаги қийинчиликлар маълум даражада лексика ва фразеологияни таржима қилиш масалалари билан боғлиқ”¹. Бошқа бир тилдаги метафораларни она тилида қайта яратиш, бизнинг мисолимизда эса “Қутадғу билиг” тўртликларидаги метафораларни бошқа (рус ва инглиз) тилларига таржима қилиш шунчаки иш бўлмай, балки таржимондан чуқур билим, диққат-эътибор, шунингдек, туркий халқлар маданияти, уларнинг яшаш ва тафаккур тарзи, миллий кадриятлари, ўзига

¹ Андреев В.Д. Некоторые вопросы перевода на русский язык болгарской художественной литературы // Теория и практика перевода. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1962. – С. 432.

хос миллий-маънавий анъаналари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишни ҳам талаб қилади.

Тарихдан маълумки, X-XI асрлардаги туркий халқлар турмушини чорвачилик ва деҳқончиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, ўша давр шоир ва ёзувчиларининг ижодларида ҳам ўз аксини топиши табиий ҳол эди. “Қутадғу билиг”даги қатор байтларда ҳайвон номларига асосланган метафоралар кузатилади. Улуғ адиб бу ўринда айрим ҳайвонлардаги табиий хусусиятларини инсонларга кўчиради:

- **Arslan** – арслон – *тил, мард, бир сўзли, маккор;*
- **böri** – бўри – *очкўз, амалдор, бой, хушёр; мард, лашкарбоши, душман, ўлим;*
- **qözi** – қўзи – *билимдон, хушёр, ожиз, фарзанд, оддий халқ;*
- **at** – от – *кучли, учқур, тобут;*
- **qöy** – қўй – *халқ, эргашувчи, мулойим, фарзанд;*
- **büği** – буғу – *зийрак, чопқир;*
- **it** – ит – *разил, очкўз, насткаш, билимсиз;*
- **qırǵı** – қирғий – *баландпарвоз, виқор;*
- **qulan** – қулон – *тезкор, тутқич бермас, машаққат;*
- **jılqı** – йилқи – *авом халқ, билимсиз, нодон, очкўз, ёмон хулқли;*
- **toqlı** – тўқли – *оддий халқ, ҳимоясиз;*
- **tönguz** – тўнғиз – *ҳужумкор;*
- **adıǵ** – айиқ – *шиддаткор.*

Асарнинг “Беглар қандай (бўлиши) кераклигини айтади” бобида Ўгдулмиш йўлбошчи (бег) сифатларини таърифлар экан, жумладан, ушбу тўртликни келтиради:

Кур арслан болу бэрсә ытқа башы,
Бу ыт барча арслан болур өз туши.
Қалы болса арсланқа ыт башчысы,

Бу арслан болур барча ыт сақышы (2013-2014).

Кўргин, агар арслон ит(лар)га бош бўлса,
Бу итлар барчаси унинг тенгида арслон бўлади.
Агар арслон(лар)га ит бошчи бўлса,
Бу арслон (лар) барчаси итга тенг бўлади.

Бу ерда гап лашкарбоши ҳақида бормоқда. Муаллифнинг назарида лашкарни бошқарадиган шахснинг жисмоний ва маънавий фазилатлари бошқаларникидан ортиқ ва кўп бўлиши керак. Акс ҳолда, унинг ўзи бошқаларга тобе ва қарам бўлиб қолади, бошқаларнинг олдида тили қисик бўлади. Тўртликда муаллиф арслон образи орқали мард, адолатли лашкарбошини назарда тутса, ит образи орқали пасткаш ва нокас кишиларни танқид остига олади. Демакки, ҳайвонлардаги ижобий ва салбий хусусиятлар бевосита инсонларга кўчирилади. Ушбу метафоралар орқали лашкарбоши (умуман ҳар қандай бошлиқ ҳам) мард, адолатли бўлса, бу сифат лашкарда ҳам ўз аксини топиши, билимсиз, кўрқоқ ва пасткаш одам бош бўлган лашкарда ҳатто жасур ва мард кишилар ҳам иложсиз қолиши таъкидланади.

Эътибор қилинса, Қ.Каримов транскрипцияда “кур” шаклини қайд этгани ҳолда, табдилда уни “кўргин” деб талқин қилган (бу, эҳтимол, техник хато бўлиши ҳам мумкин). Муаллиф транскрипцияни асарнинг Наманган нусхаси асосида амалга оширган. Олим ўз китобининг кириш қисмида ушбу транскрипция ҳам том маъноси билан “Қутадғу билиг” тилини тўла тиклаш эмаслигини ва бу борадаги илк қадам эканини таъкидлаб ўтган эди¹. Ушбу транскрипцияга асосланган А.Касиева таржимада журъатли, кучли, ботир, кўрқмас шер оддий шерга айланиб қолган, деган хулосага келади². Бунга асос бўлган нарсга эса мазкур (ўзбекча нашрдаги 2013 ва туркча нашрдаги 2347) байтларининг В.Мей ва С.Н.Иванов таржималарида битта таянч сўз “kur”

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилида тавсиф Қ.Каримовники. – Т.: Фан, 1971. – Б. 38.

² Касыева А. Метафоры связанные с образами животных в поэме Ю.Баласагуни “Қутадғу билиг” и адекватность их в перевода на английский язык // *Social bilimler Dergisi: Материалы международной конференции.* – Бишкек, 2005. – С. 28.

(“смелый”, “отважный”, яъни “кўрқмас”, “ботир”)нинг эътибордан четда қолгани, унинг “ташлаб юборилганлиги” деб кўрсатилади. Бу фикрга тўла қўшилиш керак.

Таҳлилга тортилган тўртликлардаги метафораларни инглиз тилига ўгириш тажрибаси икки таржима мисолида аслият билан қиёсланганда таржимонларнинг турли таржима тамойилларидан фойдаланганликлари аён бўлади. Мутаржимлар метафорани метафора билан ўгириш, тўртлик ичида метафора мазмунини бериш, метафорани таржимада ташлаб кетиш каби йўлдан борганлар.

“Таржимада аслиятдаги муаллиф қўллаган оҳангдорликни юзага чиқарадиган поэтик унсурларни кўпроқ қайта яратиш ва уларнинг бошқа кўринишларидан ҳам фойдаланиш таржимада ҳам фикрни бўрттириш ва кучайтиришга, аслият мазмунини таржима тилида ҳам тўла сақлашга имкон яратади”¹.

Юқоридаги тўртликнинг икки инглизча таржимасини кўриб чиқамиз.

Метафорани метафора билан таржима қилиш

В.Мей таржимаси:

Whenever a lion o'er dogs takes the lead –
Then any poor cur roars like lions, indeed!
But if some poor hound o'er the lions should reign –
Then lions would look just like curs, once again! (2047-2048)

Мазмуни:

Қачон шер итлар устидан бошчи бўлса,
Унда ҳар қандай дайди ит ҳам шердек наъра тортади.
Аммо агар ярамас този шерлар устидан ҳукмрон бўлса,
Шерлар яна гўё дайди итга ўхшаб қолади.

¹ Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 1998. – Б. 95.

Бу ўринда кўриниб турибдики, тўртлик аслиятга мос ҳолда, бадий санъатлари сақланган ҳолда ўгирилган. Аслиятдаги ит образи таржимада “roog cur – дайди ит”, “roog hound – ярамас този” сўзлари орқали аниқлаштириб берилган ва бу мутаржимнинг маҳорати сифатида таъкидланмоғи лозим. Аслиятдаги “ит” “арслон” билан зиддиятда олинганида туркий халқлар учун пасткашликнинг, номуносибликнинг, ярашиқсизликнинг рамзи сифатида уларнинг онг ва туйғуларида тегишли ассоциацияни уйғота олади. Инглиз тилли адабий муҳит доирасида эса бунинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун ҳам таржимон бу “ит”нинг одатий, оддий ит бўлишидан қаноат топа олмайди. Ана шу бадий-эстетик зарурият унга мазкур сўз олдидан “roog – дайди”, “roog – ярамас” сифатини келтиришни тақозо этади.

Энди ушбу тўртликнинг Р.Денкофф томонидан амалга оширилган таржимаси билан танишайлик:

A dog is leonine
If he gets a lion's head;
Give the dog's head to the lion.
He becomes canine instead (107).

Мазмуни:

Агар шернинг бошини олса (эга бўлса),
Ит ҳам шер кабидир.
Агар ит бошини шерга берсанг,
У шубҳасиз итга ўхшаш (итсимон) бўлади.

Р.Денкофф тўртликнинг вазини ўзгартирган бўлса-да, унинг қофия хусусиятларини сақлашга ҳаракат қилган. Аслиятдаги метафоралар ҳам инглиз тилида қайта яратилган. Мутаржим аслиятдаги “ит” метафорасини инглиз тилига иккита вариантда “dog – ит” ва “canine – итга ўхшаш (итсимон)” тарзида беради. Метафора таржимада анча конкретлаштирилиб, яъни аслият мантиғига мос равишда ўгирилган. Чунки аслиятга кўра

арслонга ит бошчилик қилса, у итга (физиологик жиҳатдан) айланиб қолмайди, балки унинг хатти-ҳаракати итникига ўхшайди. Бу борада Р.Денкоффнинг таржима услуби жуда ўринли. Ушбу ҳолат С.Н.Иванов таржимасида ҳам жуда ўринли ҳал қилинган.

Когда над собаками лев – голова,

Любая собака похожа на льва.

А если над львами главенствует пес,

Собачьего будут все львы естества! (2047-2048)

Кўринадики, аслиятдаги “арслон”ни “лев” ва “ит”ни “сабака”, “пес”, “собачьего” тарзида берилиши тўртлик мазмунини тўла сақлашга хизмат қилган.

Энди ушбу байтнинг Р.Р.Арат томонидан туркчага ўгирилган таржимасига эътибор қаратайлик:

“Arslan köpeklere baş olursa, köpeklerin her biri kendi karşısındakine arslan kesilir” (2047) – “Арслон итларга бош бўлса, итларнинг ҳар бири қаршисидаги каби арслон бўлади”.

Мазкур байтнинг тўртта тилдаги таржимасидан маълум бўлдики, “kur” нима учундир уларнинг барчасида тушиб қолган. Биргина Қ.Каримов бу сўзга эътибор берган. Афсуски, бу сўз транскрипцияси “kur” тарзида эмас, балки “көг” шаклида акс этган. Шунинг учун ҳам табдилда “кўргин” сўзи пайдо бўлган.

Тўртлик ичида метафора мазмунини бериш

“Қутадғу билиг”даги метфоралар орасида инсон тана аъзоларига асосланган метфораларнинг салмоқли ўрни бор. Муаллиф бундай метфораларни *баиш* – бош, *кўз* – кўз, *йуз* – юз, *тил* – тил, *бағир* – жигар (бағир), *бўйун* – бўйин, *адақ* – оёқ ва бошқа тана аъзолари номлари воситасида яратган. Бу уларнинг инсон ҳаётида бажарадиган вазифаларидан келиб чиқади. Бу сўзларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам бадий тасвир воситаси сифатида анча фаол қўлланилади.

Таржимашуносликда бир қанча муҳим масалалар қатори, мақол, матал, идиомалар, сўз ўйинлари, метафоралар ва образли ибораларни таржима қилиш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга.

Р.Денкофф ва В.Мейлар “Қутадғу билиг” тўртликларидаги метафораларни инглиз тилида қайта яратишда уларнинг мазмунини бериш йўлидан ҳам борганлар. Бунга улар тамомила ҳақли. Бу борада атоқли таржимашунос олим А.В.Федоров: “Фразеология масалалари ва турли тилларда сўзларнинг ҳар хил бирикишига оид умумий муаммо таржима амалиёти билан бирга таржима назарияси учун ҳам ғоят муҳимдир. Чунки турли тилларда моддий маъноси бир хил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб вазибалари бир-биридан фарқ қилиши таржимон учун катта қийинчиликлар туғдиради”¹, – деган хулосага келган. Албатта, шеъриятда қўлланилган метафораларни доим ҳам бошқа тилда метафора билан беришнинг иложи йўқ. Бунинг бош сабаби тилнинг миллий хусусияти, поэтик табиати ва ифода имконияти билан ҳам изоҳланади.

Асарнинг “Ўгдулмиш элигга улуғ ҳожибликка қандай киши (бўлиши) кераклигини айтади” бобида улуғ ҳожиб бўлувчи киши сифатларини аниқ ва равшан кўрсатиб берган. Муаллифнинг фикрича, ҳожибнинг юзи чиройли ва ёқимли бўлмоғи лозим, чунки у ҳар кун одамлар билан кўришади. Чиройли кишини кўрганда инсоннинг баҳри-дили очилади. Бунинг исботи сифатида ушбу тўртликни келтиради:

Эди эдгу нәң бу киши көрки йуз,
Бу йуз көркингә сув ичәр эки көз.
Қута көрклугуг көр қылын өзкә фал,
Ишиң эдгу болға қамуғ сөзни уз (2429-2430).

Кишининг кўрки (бўлган) юз жуда яхши нарса,
Бу юз кўркидан икки кўз сув ичади.

¹ Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – М.: Изд-во Литература на иностранный язык, 1958. – С. 216.

Не бахт, кўрклини кўриб ўз ҳақингда ҳукм қил,
Иш(лар)инг хайрли бўлади, ҳар қандай сўзни кес.

Тўртликдаги “икки кўз сув ичади” чиройли нарсани кўрганда худди сув ичган ниҳол ёки инсон каби дадиллашиш, кўз қувониши, дил яйраши каби ҳолатларнинг метафорик шаклидир. Мазкур тўртлик В.Мей томонидан қуйидагича талқин этилган:

If your Lord is handsome, and good in your eyes,
Then tears of sheer happiness there will arise!
A wise, handsome man's a good banner, you know,
And you will be blessed, and will stand speechless so! (2467-2468)

Мазмуни:

Агар шоҳинг чиройли бўлса,
Кўзларингдан ҳақиқий бахт кўз ёшлари тўкилади.
Доно, гўзал одам яхши бўлади, билгин,
Ва сенинг бахтинг кулади ҳамда жим қоласан.

Аввало, таржимада аслиятнинг мазмуни бир оз ўзгарганини кузатиш мумкин. Мазкур тўртликда алоҳида олинган битта ижтимоий табақага мансуб бўлган айни бир кишининг чиройи ҳақида эмас, балки умуман ҳар қандай инсоннинг ташқи қиёфаси ҳақида гап кетмоқда. Таржимада эса бу нисбатан конкретлашган ҳолда, айнан шоҳ (lord)нинг чиройи тўғрисида гап боради. Тўртлик мантиғига эътибор қилинса, гап ҳожиб бўлувчи кишининг чиройи ҳақида юритилаётганлиги маълум бўлади. Чунки айни боб Ҳожибнинг фазилатларини акс эттиради. Демак, таржимада тўртликка мажбурий равишда қаҳрамон киритилган.

Тўртликдаги метафорани қайта яратиш масаласига келганда, мутаржим муқобил усул танлаганини кўриш мумкин. Аслиятдаги метафора “сув ичар эчки кўз – икки кўз сув ичар” тарзида ифодаланган. Унга инглиз тилида “tears of sheer happiness there will arise – ҳақиқий бахт кўз ёшлари тўкилади” метафораси муқобил сифатида келтирилган. Таъкидлаш жоизки, бу билан

аслиятдаги метафоранинг асосий мазмуни очиб берилган. Тўғри, аслиятдаги хурсандчилик маъноси киши кўзининг қувонишини акс эттириш орқали берилса, таржимада у кишининг ич-ичидан хурсанд бўлиши тарзида ифодаланмоқда. Таржимада муаллиф услубини бера олиш учун бадий тасвир воситалари, жумладан метафораларни танлай ола билиш ва уларни маромига етказиб таржима қилиш муҳим аҳамиятга эга. Метафора ёки метафорик бирикмаларни ўзгартириб ўгириш айрим ҳолларда асар тилидаги поэтик маънонинг камбағаллашувига, тасвирнинг заифлашуви ва унинг бадий-эстетик қимматига салбий таъсир этиши мумкин. Мутаржим бу тўртлик таржимасида гўёки шохнинг чиройи билан барча нарса яхши бўлади, деган фикрни илгари сураётгандек. Бизнингча, В.Мей таржима жараёнида “Қутадғу билиг”нинг бошқа тиллардаги таржималари ва улар бўйича олиб борилган илмий ишларга мурожаат қилганда, бундай ғализликлар келиб чиқмас эди.

С.Н.Иванов таржимаси:

Сколь благостен вид красоты для очей!

Как будто во взор твой струится ручей.

Краса – это доброе знаменье, знай,

Да будешь ты благ, и – не надо речей! (2467-2468)

Таъкидлаш керакки, тўртликнинг русча таржимасида аслиятдаги гўзал метафора ўзига хос шаклда – ўхшатиш (во взор твой струится ручей) воситасида қайта яратилган. Кўринадики, аслиятда мавжуд бўлмаган қаҳрамон русча талқинда ҳам йўқ. Демак, В.Мей таржима жараёнида ижодий кўшимчалар киритган. Шунга қарамасдан, В.Мей шеърий таржимаси ўзида аслиятнинг оҳангини акс эттира олган. Бу тўртликни Р.Денкофф қуйидагича ўгирган:

It is propitious when your eyes,

Upon fair beauty gaze.

The eyes revive as with cooling water,

When they see a handsome face (121).

Мазмуни:

Жуда ёқимли бўлади агар кўзинг
Ҳақиқий гўзалликка тикилса.
Кўзларинг чиройли юзни кўрса,
Худди совуқ сув теккандек тиниқлашади.

Р.Денкофф таржимасида аслиятдаги метафора “The eyes revive as with cooling water – *Худди совуқ сув теккандек тиниқлашади*” тарзида муқобил таржима қилинган. Метафора мазмуни тўртлик ичида очиб берилган, таржима мазмуни аслиятга яқин.

Таржима ўта мураккаб жараён ва мутаржимнинг хатосини топиш осон, лекин таржима тамойиллари бўйича фикр мағзини чақиш асосий вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун метадораларни айна аслиятга мос ҳолда муқобил вариант билан ўғираар экан, буни мутаржимнинг ютуғи сифатида тан олиш лозим. Шунга қарамасдан, метафора мазмунини сақлаб қолишга уриниш тўртликнинг яхлит мазмунини сақлаб қолиш билан тенг эмаслигини тан олиш керак.

Метафорани таржимада ташлаб кетиш.

“Қутадғу билиг”да исломий мотивлар акс этган ўринлар ҳам талайгина бўлиб, бундай ғоялардан бири бу Аллоҳга шукроналик тушунчасидир. Асарнинг кўп ўринларида Аллоҳга шукрона келтириш ҳар бир мусулмон учун фарз эканлиги таъкидланади. Булардан ташқари, Худонинг марҳаматисиз ҳеч бир иш унмаслиги, амалга ошмаслиги уқтирилади. “Шарк этикаси, Ғарб олимлари тўғри таъкидлаганларидек, маърифат этикасидир. Унинг қадимги илдизларига назар солсак, у бошланишидаёқ илмий маърифатни улуғлаб, тарғиб қилиб майдонга чиққанини кўриш мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб ана шу ўлмас анъаналарни ўз ижодида давом эттирди”¹. Асар қахрамонларидан бири Ўгдулмиш элигга ўзини қандай қилиб билимли

¹ Азимов И., Саидов М. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари. – Т.: 1993. – Б. 19.

ва доно бўлганини тушунтирар экан, аввало бу Аллоҳнинг инояти эканини айтади. Бу фикр мазмуни мана бу тўртликда ифодаланган:

Байат фазлы бирлә ағырлар кулуғ,
Билиг қапғы ачлур оңарур йолуғ.
Билиг билсә кундә қутадуру куни,
Нәчә ма кичиг эрсә болды улуғ (1781-1782).

Худо қулини ўз фазли билан улуғлайди,
Унга маърифат эшиги очилади, йўли тўғри бўлади.
Агар киши билим билса, кунлари бахтли ўтади,
Қанчалик кичик бўлмасин, у улуғ бўлади.

Тўртликдан кўриниб турибдики, худонинг фазли билан кишида илмга қобилият пайдо бўлади. Бу тушунча ҳозир ҳам мавжуд. Яъни, илмли ва маърифатли бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Тўртликда муаллиф “Билиг қапғы – маърифат эшиги” метафорасини моҳирлик билан қўллайдиги, бу ўз навбатида тўртликнинг образлилигини юзага келтирган ҳамда унинг таъсирчанлигини кучайтирган, бир сўз билан айтганда, шу орқали тўртликнинг бадийлиги таъминланган.

Агар тўртликнинг инглизча таржималари таҳлил қилинса, умуман бошқача поэтик манзарани кўриш мумкин. Инглиз таржимони В.Мей талқинида ушбу гўзал метафора умуман акс этмаган:

God's grace to his slave will bring every respect.
With God's grace alone, happy roads he'll select.
And happier days to him knowledge will send,
The small man attains greatest things in the end (1813-1814).

Мазмуни:

Худонинг марҳамати қулига ҳурмат келтиради,
Фақат худонинг марҳамати билан у бахтли йўллари топади.
Ва билим унга бахтлироқ кунларни юборади,
Кичик киши охирида буюк нарсаларга етишади.

Таржимада тўртликнинг умумий мазмуни очилган, бироқ, аслиятдаги “Билиг қапғы – маърифат эшиги”, яъни билим дарвозаси маъносидаги метафора на метафора тарзида, на мазмунни бериш шаклида акс этган. Таржима назариясидан маълумки, мутаржимнинг аслиятдаги бадий санъатлардан воз кечиши асарнинг бадий қимматига таъсир қилмай қолмайди. Дарҳақиқат, юқорида келтирилган таржимада ҳам китобхонни хаяжонга соладиган ва унга эстетик завқ берадиган энг нозик нуқта сўниб қолган. Бизнингча, мазкур метафорани инглиз тилида “Door of wisdom, door of knowledge” тарзида беришнинг имконияти ҳам мавжуд эди. Тўртликнинг охирги мисрасидаги мазмуннинг инглизча талқинига ҳам қўшилиб бўлмайди. Аслиятда “билимли киши ёш бўлса ҳам у улуглар қаторида бўлади” маъноси акс этгани ҳолда таржимада “кичик киши охирида (!) буюк нарсаларга эга бўлиши” таъкидланмоқда. Балки бунинг сабабини тўртлик таржимасида шаклни сақлашга интилиш ёки бу таржиманинг воситачи тилдан амалга оширилганлиги билан изоҳланар. Аммо воситачи тил, яъни С.Н.Ивановнинг русча таржимасида тўртлик маромига етказиб, метафора ҳам, тўртликнинг яхлит мазмуни ҳам деярли тўлиқ қамралган ҳолда берилганлигини кўриш мумкин:

Рабам божья милость дарует почет:

Дверь знанья открыв, правый путь им дает.

Познание пошлет им счастливые дни:

И малый достигнет великих высот! (1813-1814)

Аслиятдан қилинган таржима воситачи тилдан қилинган таржимадан анча яхши чиқиши тажрибалардан маълум. Бироқ воситачи тилдаги таржима маромига етган бўла туриб, унинг воситасида амалга оширилган таржиманинг сифатли ёки сифатсиз чиқиши таржимон маҳоратига боғлиқ, албатта. Фикримизча, бу ўта эркинлик ва шаклга қаттиқ боғланиб қолиш натижаси бўлиши мумкин.

Ушбу тўртлик Р.Денкофф таржимасида аслиятга муқобилроқ чиққанини кузатиш мумкин:

Through grace of God his way is straight.
Wisdom to him now opens her gate;
Fortune's sun shines daily brighter.
And he though once small now is great (99).

Мазмуни:

Худонинг марҳамати билан унинг йўли тўғри бўлади.
Унга маърифат (ўз) эшигини очади.
Тақдир куёши кундан-кун порлайди,
Агар кичик бўлса, энди у улуг бўлади.

Аслиятдаги “Билиг қапғы – маърифат эшиги”нинг инглиз тилида “Wisdom to him now opens her gate – унга маърифат (ўз) эшигини очади” тарзида ўгирилиши метафоранинг тўлиқ мазмунини очиб беради. Албатта, бу ерда метафора жонлантиришга айланган ҳолда тақдим этилаётганини инобатга олиш керак. Зеро, “бадий таржимада аниқликка эришиш фақат ёзувчининг индивидуал услубини акс эттириш орқали амалга ошади. Услубни беролмаган таржимон аниқликни даъво қила олмайди”¹.

Шуларни назарда тутган ҳолда, биз Р.Денкофф тўртлик таржимасида аслият муаллифининг бадий санъатлардан моҳирона фойдаланиш услубини таржимада қайта ярата олган, деган тўхтамга кела оламиз.

¹ Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.166.

3.3. Тазод таржимаси хусусиятлари

“Қутадғу билиг”даги фаол шеърий санъатлардан яна бири тазоддир. Маълумки, тазод шеъриятда кенг қўлланади. Фақат унинг наср (проза)даги қўлланишига нисбатан антитеза, шеъриятда эса тазод атамаси қўлланади.

Тазод инглиз тилида antithesis – (антитеза) номи билан юритилади. “Антитеза стилистик усуллардан бири бўлиб, қарама-қарши маънолар асосига қурилади ва воқеликнинг ёрқин ва тимсолли бўлишини таъминлайди. Инглиз тилида антитезанинг икки тури мавжуд бўлиб, улар мантикий антитеза ва луғавий антонимлардир”¹. Луғавий антитеза антоним сўзларнинг луғавий маъносига асосланади:

Мантикий антитеза бевосита контекст табиатидан келиб чиқиб яратилади. Унда маъноси бир-бирига зид бўлмаган сўз ва иборалар ишлатилиб, матндаги воқелик тазодни юзага келтиради.

“Тазод бадиий тасвирий восита сифатида энг аввало маълум бадиий образнинг ички хусусиятларини ёрқин гавдалантиришга хизмат қилади. У шоир кўзда тутган ғоянинг жонли ва таъсирчан тарзда юзага келишини таъминлайди, шу билан бирга, ижодкорга турмушнинг бутун мураккаблиklarининг, маълум бадиий образнинг ички хусусиятларининг тўлароқ очилишида қулай воситадир”².

Юсуф Хос Ҳожиб асардаги қаҳрамон ва образлар ички хусусиятларини янада ёрқинроқ кўрсатишда кўплаб бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъатлардан фойдаланганки, улар асарнинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилган. “Қутадғу билиг” тўртликларида муаллиф бир-бирига зид маъноли (антоним) сўзлардан фаолфойдаланади. Бундай жуфтликларнинг умумий миқдори 200 дан ортади.

Муаллиф қўллаган тазодлар ўзининг ҳаётийлиги ва образлилиги билан аҳамиятли. Асарда кўпроқ *ақи-саран* (сахий-бахил), *тўру-куч*

¹ Musayev Q. English Stylistics. – Т.: Adolat, 2003. – P.184.

² Исҳоқов М. Раҳмонов Н., Содиков Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Б. 408.

(адолат-зулм), *қувазлик-кўнгли қусқи* (кибрлилик ва кўнгли кичик (камтар)лик), *чигай-бай*, (камбағал-бой) *севинч-қадғу*, (севинч-қайғу, алам), *висал-фирақ* (висол-фироқ), *авин-йиғла* (овунмоқ-йиғламоқ), келир ҳам барир-менгу қалир (келиб кетар (вақтинчалик) -мангу қолар (абადий), *билиглиг-билигсиз* (билимли-билимсиз), кўни-эгри (тўғри-эгри) этәр-бузәр (яшнатади-бузади), осал-сақ (ғофил-соғ) каби инсон табиати билан боғлиқ хусусиятларни акс эттирувчи антоним сўзлардан кенг фойдаланилган. Бундан ташқари, *каранқу-йула* (қоронғилик-машъала), *сув-ўт, қузғун-қуғу* (қузғун-оққуш) *ипар (қора)-кафур(оқ)*, *йағиз йер-йашил кўк* (қора ер - яшил кўк) сингари табиат билан боғлиқ ва бошқа кўплаб зид маъноли сўзлар воситасида тазодлар яратилган. Бевосита тўртликларга келганда эса, уларнинг қўлланишида бир қатор ўзига хосликларни кўриш мумкин.

Муаллиф тазод санъатини қўллар экан, бир-бирига зид маъноли сўз ва ибораларни шундай ишлатадики, байт сўнгида юзага қалқиб чиқувчи мазмун нафис ва таъсирчан ҳолда намоён бўлади.

Икки таржимоннинг асар тўртликларида қўлланилган тазодларни инглиз тилига ўгириш тажрибалари ўрганилганда, бир миллатга хос бўлган тафақкур тарзининг бошқа бир миллат тафаккур тарзи билан табиий тарздаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўзга ташланади.

Асарнинг “Кунтуғди элиг тўғрисида”ги бобида Юсуф Хос Ҳожиб шоҳ фазилатлари ва сифатлари тўғрисида фикр юритар экан, подшо доимо ҳушёр ҳамда сезгир бўлиши ҳамда асло ғафлатда қолмаслиги лозимлигини таъкидлайди. Бунга мисол қилиб мазкур тўртликни келтиради:

Удуғлуғ бу сақлықны өгди эрэн,
Осаллық билә өлди эр миң тумән.
Осал болма сақлан қамуғ ишдә сән,
Осайуқ арутты экәгудә сан (432-433).

Эр кишилар ҳушёрлик ва соқликни мақтадилар,
Ғофиллик сабабли минг туманлаб кишилар ўлиб кетди.

Барча ишда сен ғофил бўлма, (ўзингни) сақла,
Ғофиллик (кишини) икки дунёдан оздиради, деб билгин.

Кўринадики, ҳушёрлик ва соқлик ҳар бир киши, айниқса, подшо учун ғоят муҳим фазилат. Тўртликда “удуғлуғ – ҳушёрлик” ва “осаллиқ – ғофиллик” сўзлари ёрдамида гўзал образли тазод яратилганки, бу тўртликнинг мазмунига ва оҳангига нафислик бағишлайди. Юсуф Хос Ҳожиб мазкур тўртлик орқали инсонлар орасидаги икки фазилатга эътибор қаратмоқда. У ҳушёрлик ва ғофилликни ўзаро солиштириб, улардан бири кишини мақтовларга сазовор қилса, иккинчиси одамни дунёдан оздириши ва бу охир-оқибат таназзулга олиб келишини таъкидлаш воситасида ўқувчини ҳар ишда ҳушёрликка чорлайди ва ғофилликдан қайтаришга уринади.

Таржимачилик тажрибасидан маълумки, назмий таржимага караганда насрий таржимада мутаржимлар ўзларини эркинроқ ҳис этадилар. Шунга қарамай, асар тўртликларини шеърӣй шаклда инглиз тилига ўгириш олим-мутаржимнинг юксак жасорати намунасиدير.

Тўртликнинг Р.Денкофф таржимаси:

Vigilance is a quality praised of man;
How many died with a carelessness their pretext.
Be careful then, awake from heedless sleep,
You'll gain the good of this world and the next (54).

Мазмуни:

Ҳушёрлик кишини улуғловчи фазилат,
Қанча киши ўзларининг ғофилликлари туфайли ўлиб кетдилар.
Ҳушёр бўл, ғафлат уйқусидан уйғон,
Шунда бу дунё ва у дунё саодатига эришасан.

Мутаржим аслиятдаги тазодни инглиз тилида ҳам тазод билан бера олган. Тазод учун хизмат қилган сўзлар таржимада ҳам муқобил сўзлар

воситасида ўғирилган ва аслиятдаги нафис поэтик жозиба инглиз тилли китобхонга тўла етказилган.

Инглиз таржимони В.Мей асарни инглиз тилига тўла шеърий таржима қилиб, бу борада салмоқли ютуқларга эришган. Шеърий таржима борасида тўғри таъкидланганидек, “проза таржимаси қанчалик мушкул бўлмасин, аммо шеърий асар таржимасида таржимон олдида яна қўшимча қийинчиликлар пайдо бўлади. Таржимон шеърдаги ритм, қофия, банд, оҳангни қайта яратиши лозим”¹. Бундан ташқари, шеърий таржимада аслият поэтикасини борлигича ва ундаги бадий санъатларни имкон қадар аслият услубига яқин таржима қилиш таржиманинг адекватлиги учун жуда муҳимдир.

Тўртликнинг русча талқинида ҳам аслиятдаги тазод муқобил таржима қилинганлигини кўришимиз мумкин:

Опасливой зоркости – честь и хвала,
Беспечность к гибели многих вела!
В делах не плошай, ведай зоркий расчет:
Беспечность тебя в двух мирах подведет (442-443).

Воситачи тилдан аслият ўрнида фойдаланган В.Мей ҳам тўртликни бадий санъатлар ҳамоҳанглигида таржима қила олган:

To sharp sight and vigilance — honour and praise,
For carelessness leads many men to their graves.
So don't make mistakes, keep a sharp eye on all.
From careless neglect between two worlds you'll fall! (442-443)

Мазмуни:

Ўткир нигоҳ ва ҳушёрлик ҳурмат ва мақтовдир,
Ғофиллик кўп кишиларни қабрга бошлайди.
Шунинг учун хато қилма, ҳамма нарсага ўткир нигоҳ билан қара,
Эҳтиётсизлик қилсанг, икки дунё ўртасида йиқиласан.

¹Расулий М. Ўзбек адабиётидан рус тилига қилинган таржималарга бир назар // Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 165.

В.Мей таржимаси ўзининг шеърий нафосати билан аҳамиятли. Бир-биридан узоқ оилага мансуб тилдаги асарни шеърий ўгириш (гарчи воситачи тил орқали бўлса-да) таржимон учун осон иш эмаслиги барчага маълум. Бу борада мутаржимнинг юксак поэтик маҳорати мазкур таржима орқали ҳам яққол кўзга ташланади. Аслиятдаги нафис тазод санъати инглиз тилида ҳам ўз нафосатини йўқотмаган.

Таржимонларнинг тазод санъатини қайта яратиш маҳоратини бошқа бир тўртликда ҳам кўриш мумкин:

Укуш қадрини ҳам укушлуғ билир,
Билиг сатса билгә билиглиг алыр.
Нәку билгә тэлвә билиг қадрини,
Билиг қайда болса билиглиг билир (460-461).

Заковат қадрини ҳам заковатли (киши) билади,
Доно билим сотса, билимли олади.
Нечук билгай телба билим қадрини,
Билим қайда бўлса, билимли билади.

Тўртликда муаллиф илм қадри англовчи кишини “укушлуғ – заковатли” деса, унинг қадрини англамас кишини “тэлвә – телба” деб атайди ва инсонлар ўртасидаги икки фазилат ўзаро қиёсланади. Байтнинг Р.Денкофф талқини:

The price of wisdom,
Is known to the wise,
The jewel of wisdom,
Only fools despise (55).

Мазмуни:

Билим қадри
Донога маълум.
Заковат жавоҳирини,
Фақат аҳмоқлар ёмон кўради

Асосий мазмун таржимада тўла акс этган. Аслиятдаги тазод таржимада “wise – доно” ва “fools – аҳмоқлар” воситасида тўла қайта яратилган. Зеро, “таржимада аслиятдаги муаллиф кўллаган оҳангдорликни юзага чиқарадиган поэтик унсурларни кўпроқ қайта яратиш ва уларнинг бошқа кўринишларидан ҳам фойдаланиш таржимада ҳам фикрни бўрттириш ва кучайтиришга, аслият мазмунини таржима тилида ҳам тўла сақлашга имкон яратади”¹.

С.Н.Иванов талқини:

Лишь мудрый и ведает цену познанием,
Почтенье к ученью даруется знанием.
Дано ли знать цену познания безумным?
Понятье о знаниях живет лишь в разумном (472-473).

В.Мей таржимаси:

The wise man alone values knowledge aright,
Respects words of wisdom, which bring people light.
Do fools really know what true knowledge is worth?
No, that is the work of the learn'ed on earth! (472-473)

Мазмуни:

Доно киши билим қадрини тўғри баҳолайди,
Инсонларга ёруғлик келтирувчи билим сўзларини хурмат қил,
Телбалар аслида билим қадрини биладиларми?
Йўқ, бу (яъни билим қадрини билиш) билимлиларнинг ишидир.

В.Мей таржимасига асос бўлган русча талқинда ҳам тазод санъати моҳирлик билан қайта яратилган. Тўртликни назмда ва айни пайтда шеърий санъатларига зиён етказмай таржима қилиш мутаржимларнинг юксак маҳорати намунасидир. В.Мей талқинида русча таржимага нисбатан ҳам образлироқ манзарани кўришимиз мумкин. Яъни мутаржим таржимада билимга қўшимча

¹ Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 1998. – Б. 95.

сифатлаш (which bring people light – инсонларга ёруғлик келтирувчи) кўшади ва бу тўртлик мазмунини янада кенгайтиради.

Таржималардан маълум бўладики, тўртлик аслиятга мос ҳолда шеърий, айни пайтда қофия ва тазодни сақлаган ҳолда таржима қилинган аммо, “*билиг сатса билгә билиглиг алыр – доно билим сотса, билимли олур*” мазмунидаги халқона ҳикмат икки инглизча таржимада ҳам назардан четда қолган. Ваҳоланки, бу ҳикмат русча талқинда “Почтение к учению даруется знаньем” тарзида аслиятга муқобил ифодаланган.

Р.Денкофф ва С.Н.Иванов талқинларида имкон қадар шаклий ихчамликка интилиш сезилса, В.Мейда тўртлик мазмунига бир оз кенгроқ ёндашиш кўзга ташланади.

Асарнинг “Бегларга вазир бўлгувчи қандай киши бўлиши кераклигини айтади” бобида вазир бўладиган киши сифатлари яққол кўрсатиб берилган. Юсуф Хос Ҳожиб вазир бўладиган кишига нисбатан “уруғлуғ – зоти улуғ, таглик, насли тоза” ва бу лавозимга нолойиқ кишига нисбатан “уруғсыз – зоти паст, таги паст” сифатларини қўллайди. Таглик киши – вафоли, таги паст киши – нопок бўлишини таъкидлайди. Бироқ, маснавийдаги мазкур фикрларни ҳикмат билан тасдиқловчи қуйидаги тўртликда вазирликка нолойиқ киши сифатини кўрсатишда муаллиф “уруғсыз – таги паст” сифатини такрор ишлатмай, ўрнига “арығсыз – нопок”ни қўллайди. Бу ҳам муаллифнинг юксак сўз санъаткори эканини кўрсатади:

Уруғлуғ кишиләр қылынчы силиг,

Вафа бирлә халққа йадығлы әлиг.

Арығсыз қылынчы вафасыз жафа,

Нәчә ма йәтурсә шакар ҳам йилиг (2163-2164).

Таглик кишиларнинг хулқи аъло бўлади,

Вафо билан халққа қўл узатадилар.

Нопокнинг хулқи – бевафолик, жафо,

Агарчи у шакар ва илик едирса ҳам.

Тўртликда “уруғлуғ – таглик, насли тоза” ва “арығсыз – нопок” воситасида тазод яратилган. Гарчи бу сўзлар ўзаро антоним бўлмаса-да, тўртлик мазмуни ва мантиқига кўра зидланиш маъносини беради. Чунки, “айнан антоним бўлмай, балки умумий мазмунда зидлик сезилса ҳам тазод бўлади. Бундай ҳолатларда тилшуносликда “контекстуал антоним” тушунчаси қўлланилади”¹.

Р.Денкофф мазкур тўртликни қуйидагича таржима қилади:

The nobly born knows propriety;
He serves the people with loyalty.
The base-born only lies and cheats,
Although he serves dainties and sweets (111).

Мазмуни:

Насли тоза киши тўғрилики билади;
У одамларга чин дилдан хизмат қилади.
Таги паст киши фақат алдайди ва мижғовланади,
Гарчи у лаззатлар ва ширинликлар тортиқ қилса ҳам.

Аслиятдаги тазод матний бўлгани ҳолда таржимада у айнан луғавий антонимларга асосланмоқда. Кўринадики, мутаржим тазодга олинган сузни таржимада ўзгартирган. Тўртликнинг мазмуни умумий тарзда очилган. Ҳар ҳолда, бу инглиз тили эгалари учун (гап Америка ва Европа адабий муҳити устида бормоқда) тасаввур ва идрок этишга енгиллик туғдиради. Натижада, асардаги ғоявий-бадий бутунликнинг нисбатан тўлароқ етиб бориши учун замин ҳозирланади.

Тўғри, мазкур тўртликдан аввалги байтларда (таржимада) қўлланилган айрим сўзлар (nobly born, base-born) аслиятдан фарқли равишда ўзгарган. Бунинг сабаби, бизнингча, мутаржим аслиятдаги “арығсыз”ни “уруғсиз” деб тушунган ва уни “the base-born – таги паст” деб таржима қилган. Р.Денкофф тадқиқотларидан маълумки, у таржима жараёнида Ж.Клоусоннинг “XIII аср

¹ Аллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. – Т.: 2005. – Б. 5.

туркий тили этимологик луғати”дан кенг фойдаланган. Бироқ, мазкур сўзнинг айнан таржимаси байт рақами билан келтирилган (Arig’siz – unclean, impure, wicked KB 2194, 2198¹) бўлса-да, уни бошқача талқин қилган. Ваҳоланки, мазкур луғатда “Urug’siz – not well born ҳам берилган. Бизнингча, тўртлик мантиғига асосан инглиз тилида ҳам мазкур луғатда берилган “unclean, impure, wicked” каби сўзлардан бирини қўллаган маъқул бўлар эди.

Туркий тилдаги тўртликда асосий ғоя лавозим эгасининг вафоси, садоқати устида бормоқда. Агар бундай кишининг келиб чиқиши муносиб аждодларга боғланган бўлса, унинг ўзи хулқ-атворида кўра ҳам муносиб, гўзал бўлади. Айни пайтда, ундан келадиган нафнинг миқёси ҳам катта бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб уни “халққа йадығлы элиг”, яъни халқ учун қўли очик бўлишини таъкидлайди. Р.Денкофф тўртликдаги асосий ғоявий-бадий нуктани тўғри илғаган. Шунга кўра, таржимада ҳам бу нарса нисбатан тўғри акс этган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тўртликда қўлланган “шакар ва илик едирмоқ” соф туркий муҳитга хос бўлган реалликлардир. Буни таржимада, айниқса, этник, географик ҳамда тил оиласига кўра мутлақо узок бўлган бошқа бир тилда акс эттириш мумкин бўлмаган ҳолдир. Шунинг учун ҳам “Although he serves dainties and sweets – Гарчи у лаззатлар ва ширинликлар тортиқ қилса ҳам” тарзидаги ўғирма энг муносиб вариант сифатида қабул қилиниши мумкин.

Таржиманинг асл нусхага адекватлиги мазмуннинг тўғри талқин қилиниши билан белгиланади. Аммо бунда таржима матнидаги бадий-тасвирий воситаларнинг асл нусхага монандлиги ёки унга яқинлиги ниҳоятда муҳимдир. Бир таржиманинг аслиятга қанчалик яқинлигини кузатишда икки ва ундан ортиқ вариантларни қиёслаш кўпроқ натижа беради. “Таржиманинг адекватлиги эса ҳар икки матннинг мазмун ва ифода томонларини таққослаш йўли билан аниқланади. Таққослаганда

¹ Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-thirteen-century Turkish. – London: Oxford University Press, 1972. – P. 219.

эса асл нусха билан таржиманинг бир неча вариантини (агар бўлса) олган маъкул”¹. Тўртликнинг В. Мей таржимаси:

A man of good standing is noble from birth.
He helps the poor people for all he is worth.
Though you stuff with sweetmeats the bowels of low-born,
He'll always be bitter, regard you with scorn (2197-2198).

Мазмуни:

Обрўли кишининг насли тоза бўлади,
У камбағалларга имкон қадар ёрдам беради.
Зоти пастнинг косасини ширинликлар билан тўлдирсанг ҳам,
У доим зарарли бўлади ва сенга нафрат билан қарайди.

Таржимадан кўринадики, аслиятдаги тазод В.Мей талқинида ҳам ўзгарган. Бунинг боиси ҳам унинг русча таржимага асосланганлигидир. С.Н.Иванов мазкур тўртликни қуйидагича ўгирган эди:

Мужи родовитые знатны по роду,
Их верность — надежная помощь народу.
Хоть сахаром пичкай утробы безродных,
Жестокость присуща безродному сброду! (2197-2198)

Таржимоннинг таржима жараёнида “Қадимги туркий луғат” (Древнетюркский словарь)дан фойдаланганлиги шубҳасиз. Бироқ, мазкур луғатда ушбу сўз (Ариғсиз – *нечистый, низкого происхождения, презренный*) ва айни мисра (Арығсыз қылынчы вафасыз жафа – *поступки презренного вероломны и отталкивающий* (QVK 116/2))² тарзида айнан келтирилган бўлса-да, С.Н.Иванов уни айнан олишдан сақланган. Зеро, рус таржимони асарнинг вазни ва қофия тизимидаги ўзига хосликларни ҳам акс эттиришга кучли даражада интилгани учун луғатдаги таржимадан айнан фойдалана олмас эди.

¹ Саломов Ф., Жўраев К., Олимов С. Таржима санъати ва санъат таржимаси // Таржима санъати. 4-к. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 133.

² Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С. 52.

Шеърый таржимада бадий санъатлар таржима қилинар экан, аввало аслият муаллифининг услуги, асарда акс этган миллий ўзига хосликларни маромига етказиб таржима қилиш асар мазмуни, унинг ўқувчига эмоционал таъсири ва бадий жозибасини ўзга тилда нисбатан тугалроқ тарзда қайта яратилишини таъминлайди.

“Қутадғу билиг”даги шеърый санъатларни инглизчада қайта яратиш масаласи икки инглизча таржима мисолида таҳлил этилганда, кўп ҳолларда уларнинг таржимада бой берилганлигини кузатиш мумкин. “Қутадғу билиг”нинг асрлар оша севиб ўқиладигани, ўнлаб тилларга қайта-қайта таржима ва табдил этиладиганининг боиси нимада? Аввало, бу асардаги шарқона фалсафий дидактика, қолаверса, унинг нафис поэтикаси, ундаги жозибадор тасвирий воситалар ва асарнинг мазмун тўқислигидандир.

Кунтуғди элиг зоҳидликни ихтиёр этган Ўзғурмишни саройга келишга таклиф этиш учун элчи сифатида Ўғдулмишни юборади. Узоқ вақтдан бери кўришмаган қариндошлар дийдорлашадилар. Уларнинг қайғу-аламлари кетиб, қалблари севинчга тўлади. Ушбу ҳолатнинг шеърый ифодаси куйидаги тўртликда акс этган:

Қамуғ ғайиб ғазләр көрушсә өзүн,
Сақынч болды қысға, сәвинчи узун.
Нә көрклүг болур, көр, киши адрылыб,
Саламат қавушса эки өз өзүн (3260-3261).

Ҳамма ғойиб (яъни айрилган) кишилар ўзаро кўришишса,
Алам қисқа, севинч узун бўлади.

Қандай ажойиб бўлади, кўр киши айрилиб,

Икковлон ўзаро саломат топишса.

Тўртликда узоқ вақт кўришмаган қариндошлар учрашгандаги кайфият ва бундаги икки ҳолат ўзаро қиёсланган ҳолда тасвир этилган. Бу ерда мазкур ҳолатнинг тасвирига тазодлар катта таъсир кўрсатиб турибди. Бунга “сақынч” ва “сәвинч”, “қысға” ва “узун”, “адрылыб” ва “қавушса” зид

маъноли сўзлари орқали эришилган. Мазкур тазодлар тизими Ўгдулмиш ва Ўзгурмишнинг муайян ҳолатдаги кайфиятларини ўқувчига фавқулодда аниқ кўрсатади.

Энди мазкур ҳолатнинг рус ва инглиз тилларида берилиши қандай бўлган деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Танишишни В.Мей таржимасига асос бўлган С.Н.Иванов таржимасидан бошлайлик:

Когда бы все свиделись после разлуки,
Окрепло бы счастье, исчезли все муки!
Сколь это прекрасно, когда разлученным,
Даруется благо друг другу дать руки! (3300-3301)

Русча таржимада аслиятдаги тазодга олинган “Сақынч болды қысға, сэвинчи узун” “Окрепло бы счастье, исчезли все муки” ҳолида аслиятга муқобил таржима қилинган. Бироқ, мазкур таржима асосида ўгирилган инглизча таржима тўғрисида бундай деб бўлмайди. Тўртликнинг В.Мей таржимаси:

When kinsmen unite, after long separation,
All ways become right, there is only elation!
When you are together, and side by side stand,
O, what a great pleasure to grasp a warm hand! (3300-3301)

Мазмуни:

Узоқ айрилиқдан сўнг қариндошлар бирлашса,
Ҳамма йўллар тўғри ва фақат хурсандчилик бўлади.
Қачонки сен ёнма-ён, бирга турсанг,
О, иссиқ қўлни қисиш қандай роҳат!

Тўртлик таржимаси равон ўқилса-да, унда аслиятдаги шеърини санъат бой берилган. Мутаржим аслиятдаги тазодни бериш имкониятига эга бўлган ҳолда ундан воз кечиши жоиз эмас. Биз бу ҳақда олим Санжар Сиддиқнинг бир фикрини О. Наҳанов мақоласидан келтирайлик: “таржимон ўзи таржима қилаётган асар муаллифининг ижодий ёрдамчиси, ҳамкори бўлиб, у айтмоқчи

бўлган ғоявий мақсадни ўз тилида тўла ва пухта яратиши, ўзини муаллиф билан бир қаторда асар учун масъул санаши, таржима асарнинг бошқа тилдаги тўлиқ нусхаси эканлигини унутмаслиги лозим”¹. Бу фикр таржимонга қўйиладиган талабни тўғри кўрсатиб бера олади. Бизнингча, аслиятдаги тазодга олинган “сақынч ва сэвинч” сўзларини инглиз тилида grief – горе, печаль, огорчение, беда, бедствие ва joy – радость, веселье удовольствие, счастье, long – длинный ва short – короткий, краткий, краткосрочный² сўзлари орқали (Биз қуйироқда шу маънони ифодалаш учун Р.Денкоффнинг “care” сўзидан фойдалангани билан танишамиз) ифодалаш мумкин эди. Шунда шеър ғоясини юзага чиқараётган асосий шаклий-поэтик унсурлар ҳам сақланиб қолган бўлар эди.

“Қутадғу билиг”да қўлланилган ҳар бир услубий восита асарнинг умумий композициясига монанд ҳамда адибнинг услубий ўзига хослигига уйғун бўлиб, таржима жараёнида уларни назардан соқит қилиш асарнинг бадиий жозибасига салбий таъсир этиши муқаррар. Таниқли олим Қ.Каримов тўғри таъкидлаганидек, асар тилининг жозибали чиқишида муаллифнинг синоним, омоним, антоним каби тил воситаларидан ўринли ва моҳирона фойдалана билиши катта роль ўйнаган. Бу воситалардан фойдаланиш орқали Юсуф Хос Ҳожиб, биринчидан, айтилаётган фикрни алоҳида таъкидлаб, бўрттириб кўрсатиш, унга ўқувчининг диққатини жалб қилиш каби мақсадларга эришган бўлса, иккинчидан, у ўша давр туркий адабий тилининг мана шундай бой имкониятларга эга бўлганлигини намоёниш қилиб, бу тилда йирик бадиий асарлар яратишнинг барча воситалари мавжудлигини амалда исботлаган³. Шунга кўра, бу унсурларнинг таржима матнида нисбий тугаллик билан акс этиши асар ғоявий-бадиий мундарижасини идрок этишда ҳам, шоир шахсиятини тасаввур қилишда ҳам, қолаверса, тўртликлардаги

¹Наҳанов О. Ўзбек таржимачилигининг барҳаёт граждани // Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 121.

² Англо-русский словарь. Составитель В.К.Мюллер. Изд.14-ое. – М.: Русский язык, 1988. – С. 316, 386, 431, 665.

³Бу ҳақда қаранг: Каримов Қ. Илк бадиий дoston. – Т.: Фан, 1976. – Б. 147.

бадий-эстетик жозибани кўрсатиб беришда ҳам мислсиз аҳамият касб этади.
Назаримизда, Р.Денкофф таржималари бу талабларга анча мувофиқ:

When absent kin are seen again,
Joy is long and care is short.
Happy those who, once separate,
Are joined again no more to part (148).

Мазмуни:

Кўрмаган қариндошни яна кўрганда,
Севинч узун, ташвиш қисқа бўлади.
Шундай кишилар бахтлики, бир бора ажралишиб,
Яна ажралмаслик учун (яна)топишганлар.

Қиёсдан кўринадики, тўртликдаги тазодни Р.Денкофф аслиятга монанд холда joy – севинч ва care – ташвиш тарзида тўғри талқин қила олган. Бунинг устига, у тўртликдаги барча тазод жуфтликларини ҳам сақлаб қолишга эришган. Long ва short – узун ва қисқаликни, separate ва join again – ажралмоқ ва қайта топишмоқ маъноларини билдиради.

Буларнинг ҳаммаси аслият ва таржима орасида ниҳоятда хилма-хил боғланишлар мавжудлигини кўрсатади. Бу боғланишларнинг бир қисмини изоҳлаш мумкин бўлса, бир қисмининг юзага келиш сабабларини дабдурустдан топиш ва шарҳлаш катта куч ва меҳнатни талаб қилади. Аммо шу нарса аниқки, фақат шеър санъатлари таржимаси йўналишининг ўзиёқ бу соҳадаги ранг-баранг талқинлар учун кенг имкониятларни очиб беради.

Таъкидлаш ўринлики, Юсуф Хос Ҳожиб юксак даражадаги санъаткор сифатида асарнинг бошқа қисмларида бўлгани каби, тўртликларда ҳам шеърини санъатлардан жуда ўринли фойдалана олган. Шеър санъатларининг бадий асар таркибидаги ўрни тасодифий эмас. У шоирнинг поэтик иқтидорига боғлиқ холда намоён бўладиган унсурдир. Шунинг учун ҳам шеърини санъатларнинг таржимадаги намоён бўлиши ҳам таржимон маҳоратини белгилашдаги асосий мезонлардан бири бўлиши мумкин. Шунга кўра, биз асар тўртликларида устувор

мавқе тутган айрим санъатларни кўриб чикдик. Жумладан, асарда тамсил санъати анча катта мавқега эга. Шоир улардан тўртликлар таркибида ҳам жуда маҳорат билан фойдаланган. Айти пайтда асар таржимонлари С.Н.Иванов, В.Мей ва Р.Денкофф тўртликларда қўлланган тамсил санъатини қайта яратишда салмоқли ютуқларга эришганлар.

Айрим ҳолларда бу санъат таржимада акс этмагани кузатилди. Бу санъатни инглиз тилида тўлароқ акс эттиришда Р.Денкофф аслиятга анча яқин келган. Баъзан мутаржимнинг тамсилий образларни ўзгартириб таржима қилиши тўртликнинг мазмун моҳиятига мос тушмаган. Р.Денкофф талқинларининг баъзиларида ижодий қўшимчалар қилиш тамсилнинг таржимада тўла акс этиши ва унинг инглиз китобхонига тушунарли бўлишида муҳим роль ўйнаган.

Тамсил таржимасида С.Н.Иванов ҳам катта ютуқларга эришган, айрим ўринларда тамсилий образларни тўла англамаслик натижасида бу санъат рус тилида тўла акс этмаган ва бу ўз навбатида В.Мей инглизча талқинида ҳам акс этган.

Таржимон В.Мей ҳам бу борада ўзига хос йўл тутиб, бу нозик бадий санъатни таржимада моҳирона қайта ярата олган. Шу билан бирга, унинг эркинлик ва шакл сақлашга уриниши устун бўлганлиги сабабли айрим тамсиллар таржимада акс этмаган. Баъзи ўринларда биргина сўзга эътибор қилмаслик тўртликдаги тамсил мазмунини тескари маъно англатишига олиб келган. Аммо айрим ўринлардаги ижодий қўшимчалар тамсилнинг маъно ифодасини таржимада янада кучайтирган.

Метафорани инглиз тилида қайта яратишда гоҳ В.Мей, гоҳ Р.Денкофф аслиятга яқин келганликларини кўриш мумкин. Таҳлилларимиздан кўринадики, метафорани доим ҳам метафора билан таржима қилишга эришиш мутаржимдан чуқур билим, маҳорат, илмий ва адабий тайёргарлик асосида кенг қамровда ёндашувни талаб этади. Икки тилдаги образлиқлар

ўртасидаги мутаносибликлар метафораларни инглиз тилида ҳам метафора билан бериш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Таржима жараёнида мутаржимлар метафорани метафора билан ўгириш, тўртлик ичида метафора мазмунини бериш, метафорани таржимада ташлаб кетиш тамойилларидан фойдаланганлар.

Р.Денкофф талқинларидаги баъзи аниқлаштиришлар метафора мазмунининг янада тўлароқ очилишига хизмат қилган.

С.Н.Иванов аслиятдаги метафораларнинг кўпчилигини таржимада ҳам бадий санъат даражасида акс эттира олган.

В.Мей таржималарида метафоралар мазмуни бир қадар очилган бўлса-да, уларнинг асосий мантиғи таржимада сусайган. Айрим ўринларда кўшимча қаҳрамон киритиш таржимада аслият мантиғининг бузилишига олиб келган.

Тўртликларда қўлланилган санъатлар орасида тазод ўзининг жозибаси ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради ҳамда у муаллифга хос бўлган юксак поэтик маҳоратнинг намоён бўлишига тегишли имкон яратади.

Кўп ўринларда аслиятдаги тазодлар инглизчада ҳам тазод билан моҳирона ўгирилган. Айрим ҳолатларда тазодга олинган сўзлар ўзгартириб таржима қилинган бўлса ҳам, аслият мазмунини очишга эришилган.

С.Н.Иванов тазод санъатини таржимада ҳам тўла акс эттира олган. В.Мей айрим ўринларда ижодий кўшимчалар киритган ва бу тўртликнинг таржимада янада мазмунли талқин этилишини таъминлаган. Баъзи ўринларда воситачи тилда бу санъат маромида берилгани ҳолда инглизча таржимада тўла акс этмаган.

В.Мейнинг таржимада аслиятга эмас, балки воситачи тилга асосланиши ва шеърий шакл ва эркинликка катта эътибор қаратиши, гоҳида тўртликлардаги тазодларни инглиз тилида бериш имконияти бўла туриб, уларни бошқа йўллар билан ифодалашга уриниши натижасида таржимада айрим мазмуний ғализликлар келиб чиққан.

ХУЛОСА

Тадқиқотимизнинг натижаси ўлароқ, юртимизда қутадғу билигшунослик мактабининг шаклланиши, асарнинг жаҳон адабий жараёнига кириб боришини кузатиш ҳамда “Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча ва русча бадий таржималарини аслият билан қиёсий ўрганиш каби масалалар юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда “Қутадғу билиг” устида фаннинг турли соҳаларида жиддий монографик тадқиқотлар олиб борилди ва бу ишлар давом этмоқда.

2. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб “Қутадғу билиг” жаҳоннинг кўплаб туркийшунос олимлари назарига тушди ва у турли соҳаларда тадқиқ этила бошланди. Унинг ўнлаб тиллардаги транскрипция, табдил ва таржималари яратилди.

3. XX асрнинг охири эса асарнинг дунё адабий муҳитига кириб боришида алоҳида давр бўлди. Бу пайтга келиб асарнинг иккита инглизча (Р.Денкофф ва В.Мей) таржимаси яратилди.

4. Таржимонлар тўртликларни “Қутадғу билиг” асосий матнининг таркибий қисми деб қараганлар ва уларни юксак тайёргарлик ва масъулият билан асарнинг умумий мазмунидан йироқлашмай, таржима қилишга уринганлар. Р.Денкоффнинг асар тўртликларини шеърий таржима қилиши асарни инглиз тилли адабиёт ихлосмандларига назмий етказишдаги илк кадам бўлди ва кейинги шеърий таржималарга йўл очиб беради.

5. Тўртликларнинг бадий хусусиятларини қайта яратишда таржимонлар улардаги шаклий нафосатни, жумладан, қофия шаклини таржимада ҳам сақлаб қола олганлар. Бу борада С.Н.Иванов ва В.Мей кўпроқ муваффақиятга эришганлар.

6. В.Мей таржималари шаклий жиҳатдан мукамал кўринишга эга бўлгани ҳолда аслият мантиғи таржимада ғализлашган ўринларнинг борлиги

мутаржимнинг бевосита аслиятга эмас, балки воситачи тилга асосланганлиги билан ҳам белгиланади. Айти пайтда, тўртликлардаги бадий тасвир воситалари, шеърий санъатлар ва бошқа поэтик унсурларни семантик жиҳатдан қайта яратишда С.Н.Иванов ва Р.Денкоффнинг устунлиги яққол сезилади.

7. Мутаржимлар тўртликлар композицияси ва тил хусусиятларини сақлашга уринганлар. Бу жиҳат кўпроқ С.Н.Иванов ва В.Мей таржимасида кўзга ташланади Тўртликларнинг асосий ғоясини очиб беришни мақсад қилган Р.Денкоффнинг айрим таржималарида уларнинг серқирра маънога эга қисмлари инглиз ўқувчисига тушунарли бўлиши учун соддалаштириб ўгирган.

8. Аслиятдаги мақолларнинг қарийб барчаси сўзма-сўз ёки мазмунни бериш орқали ўгирилган. Бунинг натижасида мақолларнинг ўзига хос шеърий хусусиятлари, улардаги қофия ҳамоҳанглиги йўқолган. В.Мей талқинларининг кўпчилигида шаклий жиҳатга бўлган эътиборнинг кучлилиги сабабли аслиятдаги халқона ҳикматлар таржимада акс этмай қолган, айрим ўринларда асар тили таржимада ўта замонавийлашиб кетган. Бу ҳолат воситачи тил – русча таржимада ҳам мавжуд. Бироқ, С.Н.Иванов талқинларининг аксариятида аслиятдаги халқона ҳикматлар тўла очиб берилган. Р.Денкофф ҳар бир мақолнинг умумий мазмунини бўлса-да, таржимада сақлаб қола олган.

9. Асардаги афоризмлар мазмун-мантиғини беришда Р.Денкофф бир қадар устунликка эга бўлса-да, айрим ўринларда аслият маъносини тўғри тушунмаслик натижасида баъзи афоризмлар мазмуни таржимада ўз аксини тўлақонли топмаган. В.Мей асарни шеърий тарзда ўгиришда катта муваффақиятга эришганига қарамай, афоризмлар таржимасида аслият мазмунини таржимада тўла бера олмаган. Бунга шеърий шаклни сақлашга интилиш, маълум даражадаги бирёқламалик сабаб бўлган.

10. Тамсил санъатини қайта яратишда С.Н.Иванов ва В.Мей яхши натижаларга эришиш билан бирга баъзи ўринларда аслият мантиғини тушуниб етмаслик натижасида тамсил санъати таржимада акс этмай қолган ва аслият мазмунига шикаст етган. Бу таржимада поэтик маҳорат устунлигига интилиш билан изоҳланади. Р.Денкофф талқинларининг баъзиларида ижодий қўшимчалар қилиш тамсилнинг таржимада тўла акс этиши ва унинг инглиз китобхонига тушунарли бўлишида муҳим роль ўйнаган. Таржимонлар тажрибасида тамсилий образларни ўзгартириш ва ортиқча қисқартиришлар аслият мазмунига соя солган.

11. Асар тўртликларидаги метафораларни инглиз тилига ҳам метафора йўли билан таржима қилиш мумкин ва бунга икки тилда ҳам мазкур бадиий санъатнинг мавжудлиги имкон беради. Р.Денкоффнинг метафорик образларни аниқлаштириши аслият мантиғини таржимада тўлароқ очилишига сабаб бўлган. В.Мей талқинларида ҳам метафоралар ўзига хос тарзда қайта яратилган ва баъзи ҳолларда бу санъат таржимада акс этмаган. С.Н.Ивановда бу санъат тури аксарият ўринларда аслиятга муқобил ҳолда акс этган.

12. Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларидаги тазод санъати инглизчага аксарият ҳолларда аслиятга мос ўгирилган. С.Н.Иванов ва В.Мей талқинида айрим ҳолларда мавжуд луғатларга мурожаат қилмаслик натижасида тазод таржимада акс этмаган ва аслият мазмуни хиралашган. Р.Денкофф талқинларида эса тазодлар санъат даражасида акс этган.

13. Воситачи тил В.Мей таржимасига ўзига хос таъсир кўрсатган. Айрим ўринларда воситачи тилда аслият мантиғи маромида бўлгани ҳолда, таржимада мазмун ғализликлари ҳам келиб чиққан.

14. “Қутадғу билиг” асарининг инглизча таржималари ўзбек-америка-инглиз адабий алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таржималар қадимги туркий адабиётнинг ўзига хос жиҳатларини замонавий инглиз тилли китобхонларга таништирувчи муҳим манбалар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбек тилида

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 38 б.
5. Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1998. – 144 б.
6. Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 2005. – 160 б.
7. Ахметова А.К. Педагогические взгляды Юсуфа Хас Хаджиба Баласагунского (по поэме “Қутадғу билиг”): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т., 1990. – 24 с.
8. Азимов И., Саидов М. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари. – Т.: 1993. – 117 б.
9. Абдурахмонов Ғ. “Қутадғу билиг” ва унинг таржималари // Шарқ машъали. – Тошкент, 1998. – № 1-2. – Б. 58-63 .
10. Абдурахмонова Б. Таълим босқичларида “Қутадғу билиг”ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари: Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: 2007. – 24 б.
11. Абдуазизов А. “Қутадғу билиг” инглиз тилида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1993. – № 28 (3236).
12. Алиев. А. “Қутадғу билиг” ва “Девону луғот ит-турк”нинг Наманган шеваларига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 5. – Б.35-37.

13. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.
14. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 283 б.
15. Бақоева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: Филол. фан. д-ри. ... дис. – Т.: 2004. – 314 б.
16. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 557 б.
17. Владимирова Н. Бадиий асар таржимасида миллий хусусиятни сақлаш масаласи // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1957. – № 6. – Б. 64-67.
18. Денкофф Р. Бахту тахтга элтувчи билим. Инглиз тилидан З.Содиқов таржимаси // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2005. – № 11. – Б. 152-158.
19. Ёқубов А. “Қутадғу билиг”да давлатчилик концепцияси. – Т.: Халқ мероси, 1997. – 64 б.
20. Жўраев К. Шеърӣ таржималарни адабий ва фольклор алоқалари йўриғида қиёсий ўрганиш: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т.: 1987. – 48 б.
21. Жўраев О. Мажозий дидактик талқинлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 196 б.
22. Жўраев О. Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратишдаги маҳорати // Адабий мерос. Ўзбек адабиёти тарихидан материал ва тадқиқотлар. Илмий асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1982. – № 1. (21). – Б. 58-62.
23. Жуманиёзов З. “Равшан” достонининг немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008. – 25 б.
24. Исҳоқов М., Раҳмонов Н. Содиқов Қ. Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – 442 б.
25. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Zarqalam, 2006. – 114 б.

26. Исомиддинов З. Яқин туркий тиллардан шеърӣ таржима хусусиятлари. (“Манас” эпоси таржимаси мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1991. – 22 б.
27. Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2003. – 128 б.
28. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”да келишик категорияси: Филол. фан. ном. дис. – Т., 1962. – 194 б.
29. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”ни транскрипция ва тавсиф қилиш принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970, – № 5. – Б. 28-34.
30. Каримов Қ. Восита келишиги (“Қутадғу билиг” материаллари асосида) // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Тошкент, Фан, 1977. – Б. 47-54.
31. Каримов Қ. Илк бадий дoston. – Т.: Фан, 1976. – 223 б.
32. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шохнома” // Общественные науки в Узбекистане. – Тошкент, 1965. – № 8. – Б. 27-30.
33. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент, УзФА, 1961. – Б. 26-29.
34. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг тузилиши ва вазни // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 66-21.
35. Кароматов Х. Ўзбек адабиётида “Қуръон” мавзулари: филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Т., 1992. – 46 б.
36. Кононов А.Н. Баласоғунли Юсуф ва унинг “Қутадғу билиг” достони ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 5, – Б. 3-14.
37. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 278 б.
38. Маматқулов М. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 2004. – 130 б.
39. Мингбоева С. “Қутадғу билиг”ни дилимга жо қилиб олсам // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2005. 16 декабрь.

40. Неъматов Ҳ. Юсуф Хос Ҳожиб. Ўзғурмишнинг ўлими (“Қутадғу билиг”дан) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – № 1. – Б. 64-65.
41. Нурмуродов Й. Ўзбек фольклорини ўрганиш тарихи ва уни олмон тилига илмий-адабий таржима қилиш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1983. – 19 б.
42. Наҳанов О. Ўзбек таржимачилигининг барҳаёт граждани // Таржима санъати: мақолалар тўплами. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б.121-124.
43. Очилов Э. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 1994. – 134 б.
44. Олимов С. Алишер Навоий асарларидаги шеърини санъатларни таржимада қайта яратиш ва шакл бериш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т.: 1985. – 26 б.
45. Олимов С. Қофияга мингашган сўзлар // Таржима санъати: мақолалар тўплами. 5-китоб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 114-117.
46. Orzibekov R. O‘zbek lirik she’riyati janrlari. – Т.: Fan, 2006. – 353 б.
47. Расулий М. Ўзбек адабиётидан рус тилига қилинган таржималарга бир назар // Таржима санъати: мақолалар тўплами. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 114-117.
48. Раҳмонов Н. Кўҳна битиктошлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 126 б.
49. Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 331 б.
50. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 222 б.
51. Саломов Ғ., Жўраев К., Олимов С. Таржима санъати ва санъат таржимаси // Таржима санъати: мақолалар тўплами. 4-китоб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 114-117.

52. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 384 б.
53. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 244 б.
54. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983-190 б.
55. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Т.: Фан, 1980. – 58 б.
56. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Т.: O‘qituvchi, 2005. – 390 б.
57. Сидиқов Қ. Худо ва менинг ҳуқуқим // Маърифат гулшани. – Наманган, 2005. – № 6.
58. Собиров М. “Бобурнома” Виллур Текстон таржимасида: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т.: 2001. 132 б.
59. Содиков З. “Қутадғу билиг” таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Т.: Фан, 2007. – 171 б.
60. Содиков З., Сидиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг янги таржимаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2007. 6 апрель – № 14 (3894).
61. Содиков З. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари: Филол. фанлари номзоди дисс... – Т., 1994. – 134 б.
62. Содиков Қ. Эски уйғур ёзуви. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 40 б.
63. Содиков Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли кўлёмаси ва асар вариантчилиги масаласи // Адабий мерос: ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. Илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 1998. – № 1-2. – Б. 29-34.
64. Содиков Қ. Туркий матннавислик тарихидан // Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000, – Б. 146-204.
65. Тўхлиев Б. Билим – эзгулик йўли. – Т.: Фан, 1990. – 56 б.
66. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ва айрим жанрлар тақомили (Маснавий, тўртлик, қасида). – Т.: Асп-Матбуот, 2004. – 119 б.

67. Тўхлиев Б. Қадимий ёзма ёдгорлик. – “Қутадғу билиг” нашрлари ҳақида қисқача обзор // Ўзбекистон кутубхонашунослиги: Кутубхоначилик назарияси ва практикасига оид мақолалар тўплами. – № 12. – Т.: 1982. – Б 151-165.
68. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асари. – Т. Ўзбекистон, 1991. – 64 б.
69. Тухлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ва туркий фольклор: Филол. фан. док. ... дисс. – Т.: 1991. – 322 б.
70. Умаров Э. “Қутадғу билиг”даги бир ибора тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 6. – Б. 64-66.
71. Фитрат А. “Қутадғу билик” // Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 11-16.
72. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари Ҳамидулла Болтабоев талқинларида. 1-китоб. Қайта ишланган ва тузатилган иккинчи нашр. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2008 - 424 б.
73. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. I том. – Т.: Фан, 1977. – 326 б.
74. Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар Т. Мирзаев, А. Мусақулов, Б. Саримсоқов. – Т.: Шарқ, 2003. – 510 б.
75. Ўзбек халқ мақоллари. Нашрга тайёрловчилар: М. Афзалов, С. Худойберганов, С. Иброҳимов. – Т.: Ўздабийнашр, 1958. – 168 б.
76. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Халқ меъроси, 2004. – 224 б.
77. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Жаҳонгашта “Бобурнома” – Т.: Фан, 1996. – 362 б.
78. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 2001. – 96 б.
79. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – 240 б.
80. Ҳаққул И. Эътиқод ва ижод. – Т.: Фан, 2007. – 248 б.
81. Холбеков М. Таржима назариясининг лингвистик тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. – № 4. – Б. 14-23.

82. Хўжанова Г. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ҳақиқатлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 188 б.
83. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 971 б.
84. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг Ҳозирги уйғур тилига таржима. – Пекин: Миллатлар нашриёти, 1984. – 414 б.
85. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи Боқижон Тўхлиев. – Т.: Юлдузча, 1989. – 192 б.
86. Yusuf Hos Hojib. Qutadg’u bilig (Saodatga eltuvchi bilim). Hozirgi o’zbek tilida bayon qiluvchi va so’zboshi muallifi Boqijon To’xliyev. – Т.: Cho’lpon, 2007. – 199 б.
87. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2002. – 707 б.

Рус тилида

88. Абдурахманов Г.А. К переводу “Кутадгу билиг” на русский язык // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4. – С. 94-98.
89. Абрамович Г. Введение в литературоведение. – М.: Просвещение, 1979. – 352 с.
90. Ахметова А.К. Педагогические взгляды Юсуфа Хас Хаджиба Баласагунского (по поэме “Кутадгу билиг”): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 1990. – 142 с.
91. Андреев В.Д. Некоторые вопросы перевода на русский язык болгарской художественной литературы // Теория и практика перевода. Ленинград, ЛГУ, 1962. – 214 с.
92. Баролина И.В. Поэма “Кутадгу билиг” // Юсуф Хас Хаджиб. Наука быть счастливым. Перевод Н.Гребнева. – Т.: Гослитиздат, 1969. – С.146-149.
93. Бородина В.А. Восприятие поэзии востока. – М.: Диля, 2001. – 221 с.

94. Бертельс Е.Э. Изречение Ибрахим ибн Адхама в “Кутадгу билиг”. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.
95. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международная отношения, 1975. – 289 с.
96. Валитова А.А. К вопросу о классовой природе караханидского государства // Труды Киргизского филиала АН СССР. – Фунзе: Киргосиздат, 1942. – С. 127-130.
97. Валитова А.А. К вопросу о мировоззрении Юсуфа Баласагунского (политические поучения среднеазиатского мыслителя XI века) // Краткие сообщения Института народов Азии. – М.: Наука, 1964, – № 71. – С. 99-125.
98. Валитова А.А. К изданию критического текста и перевода “Кутадгу билиг” // Краткие сообщения Института народов Азии. – М.: Наука, 1961. – № XVII. – С. 77-88.
99. Валитова А.А. О некоторых поэтических особенностях “Кутадгу билиг” – М.: Из-во Восточной литературы, 1960. – 214 с.
100. Валитова А.А. О некоторых терминах в “Кутадгу билиг” // Краткое сообщение Института народов Азии. – № 63. – М.: Наука, 1962. – С.111-123.
101. Валитова А.А. Отражение легенды об Александре Македонском и нищем шах-заде в “Кутадгу билиг” // Краткие сообщения Института народов Азии. – М.: Наука, 1964. – № 65. – С. 124-129.
102. Валитова А.А. Юсуф Баласагунский и его “Кутадгу билиг” // Краткие сообщения Института востоковедения АН СССР. – М.: Наука, 1952. – № 4. – С. 56-63.
103. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международная отношения, 1980. – 342 с.
104. Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Советский писатель, 1980. – 255 с.
105. Дунаевский Е. О переводе газели Хафиз. Лирика. – М.: Советский писатель, 1935. – 224 с.

106. Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур // Сравнительная литературоведение. Восток и запад. – Л.: Наука, 1979. – 71 с.
107. Иванов С.Н. Юсуф Баласагуни. Благодатное знание. – Л.: Наука, 1990. – 556 с.
108. Каримов Қ. Некоторые вопросы композиции, метра и жанра “Кутадгу билиг” // Советская тюркология. – Баку, 1973. – № 2. – С. 134-38.
109. Кляшторный С.Г. Эпоха "Кутадгу билиг" // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4, – С. 82-86.
110. Кононов А.Н. Слово о Юсуфе и его поэме “Кутадгу билиг” // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4. – С. 3-12.
111. Каптилов В.В. Трансформация художественного образа в поэтическом переводе // Теория и критика перевода. – Ленинград: Ленинградский университет, 1962. – С. 34-38.
112. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. Вторая половина VIII-XI веков. – М.: Наука, 1983. – 261с.
113. Касыева А. Метафоры связанные с образами животных в поэме Ю.Баласагуни “Кутадгу билиг” и адекватность их в перевода на английский язык // Sosial bilimlar Dergisi: Материалы международной конференции. – Бишкек, 2005. – С. 147-149.
114. Кузин О. Русская метафора и практика её перевода на узбекский язык: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: 1983. – 26 с.
115. Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – М.: Наука, 1979. – 352 с.
116. Лилова А. Введение в общую теорию перевода. – М.: Высшая школа, 1985. – 352 с.
117. Малов С. Е. “Кутадгу билиг”. Факсимиле // Советское востоковедение. – Москва, 1948. – С. 327-328.

118. Попович А. Проблемы художественного перевода. – М.: Высшая школа, 1980. – 99 с.
119. Радлов В.В. Кутадгу билиг. Факсимиле уйгурской рукописи императорской и королевской библиотеки в Вене. – СПб.: 1890. – 246. с.
120. Русские писатели о переводе. XVIII-XIX вв. (Сборник статей) – Л.: Советский писатель, 1960. – 696 с.
121. Самойлович А. Дополнение к предложением Радловым и Томсеном к переводам одного стиха “Кутадгу били г” // Доклады Академии наук, серия В. – Москва, 1928. – № 2. – С. 23-25.
122. Самойлович А. Из поправок к изданию и переводу “Кутадгу билиг” // Доклады Российской Академии наук, серия В. - Москва, 1924. – С. 148-151.
123. Сорока О.П. Жизнь классики (четыре перевода “Мертвых душ”) // Контекст. Литературно-теоретические исследования. – М.: Наука, 1977. – С. 199-203.
124. Современные теории и методики обучения иностранным языкам. Под общей редакцией Л.М.Федоровой, Т.И.Рязанцевой. – М.: Экзамен, 2004. – 318 с.
125. Стеблева И. В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. // Тюркологический сборник. К 60-летию Н.А.Кононова. – М.: Наука, 1966. – С. 246-254.
126. Семчинский С.В. Некоторые вопросы перевода румынской художественной литературы на украинский язык. / Теория и критика перевода. – Л.: Ленинградский университет, 1962. – С 127-131.
127. Стеблева И.В. К вопросу о происхождении жанра – Туюг. / Тюркологический сборник. – М.: Наука, 1970. – С 135-137.
128. Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в тюркоязычную поэзии. / Проблемы литературы и эстетики в странах Востока. – М.: Наука, 1964. – С. 214-242.

129. Стеблева И.В. Поэзия орхоно-енисейских тюрков // Народы Азии и Африки. – М., 1963. – № 1. – С. 146-150.
130. Стеблева И.В. Поэзия тюрков V-VIII вв. – М.: Наука, 1965. – 148 с.
131. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – М.: Наука, 1976. – 214 с.
132. Стеблева И.В. Поэтика “Кутадгу билиг” // Советская тюркология. – Баку, 1970, – № 4, – С. 94-100.
133. Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М.: Наука, 1971. – 299 с.
134. Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. – Т.: Аср-матбуот, 2004. – 214 с.
135. Тухлиев Б. Краткий обзор изданий о древнейшем письменном памятнике “Кутадгу билиг” // Библиотекосведение Узбекистана: Сборник статей по теории и практике библиотечного дела. Выпуск 11. – Ташкент, 1981. – С. 129-140.
136. Тухлиев Б. Поэтика “Кутадгу билиг” Юсуфа Хас Хаджиба. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: 1982. – 147 с.
137. Турдубаева Н.Ш. "Кутадгу билиг" Жусупа Баласагына и его переводы на тюркские языки: Дис. ... канд. филол. наук. – Бишкек: 2001. – 148 с.
138. Фазылов Э.И. Лексика “Кутадгу билиг” в древнетюркском словаре // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4. – С. 165-168.
139. Федоров. А.В. Введение в теорию перевода. – М.: Изд-во. Литература на иностранный язык, 1958. – 374 с.
140. Федоров В.В. Ответы на четыре вопроса // Наше время такое. – М.: Современник, 1973 – С. 265-269.
141. Федоров В.В. Магнитное поле стиха // Наше время такое. – М.: Современник, 1973 – С.75-78.
142. Холбеков М. Узбекская классическая литература во французской культуре XVII-XX вв. – Самарканд: Изд-во. СамГУ, 1990. – 116 с.

143. Щербак А.М. О фонетических особенностях “Кутадгу билиг” и древне уйгурском консонантизме // Советская тюркология. – Баку, 1970. – № 4. – С 20-23.
144. Юсуф Хас Хаджиб. Наука быт счастливым. Перевод Наума Гребнева. Художественная литература, – Т.: 1963. – 117 с.
145. Якобсон Р. Работы по поэтике. – М.: Прогресс, 1987. – 464 с.

Бошқа тилларда

146. Arat R.R. Kutadgu Bilig I: Metin – Ankara: 1979. – 656 s.
147. Arat R.R. Kutadgu Bilig II Çeviri. Turk Tarih Kurumu Basımevi. – Ankara: 1994. 6-baskı. – 477 s.
148. Dankoff R. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, University of Chicago Press, 1983. – 281 p.
149. Dankoff R. “Inner Asian Wisdom Traditions in the Pre-Mongol Period” // JAOS №101/1. 1981. – P. 87-95.
150. Dankoff R. Textual Problems in Kutadgu Bilig // Journal of Turkish Studies 3. 1979. – P. 89-99.
151. Dankoff R. On Nature in Karakhanid Literature // Journal of Turkish Studies 4. 1980. – P. 27-35.
152. Dankoff R. Some Notes on the Middle Turkic Glosses // Journal of Turkish Studies 5. 1981. – P. 41-44.
153. Dankoff R. Qarakhanid Literature and the Beginnings of Turco-Islamic Culture // Central Asian Monuments (ed. Hasan B. Paksoy, – Istanbul, 1992. – P. 73-80.
154. Dankoff R. Yusuf Khass Hadjib // Encyclopedia of Islam. New Edition. Vol. XI. 2001. – P. 359-60.
155. Dankoff R. Kelly J. Mahmud al-Kashgari, Compendium of the Turkic Dialects (Diwan Lugat at-Turk), Cambridge, Mass. Part I: 1982 (Pp. xi + 416). Part II: 1984 (Pp. iii + 381). Part III: 1985 (Pp. 337 + microfiche)

156. Devereux R., Yusuf Khas Hajib and the “Kutadgu Bilig” // Muslim Word. 51. 1961. – P. 229-330.
157. Erdal M. Variable Forms in the “Qutadgu Bilig” // Besinchi Milletlerarasi Tuerkoloji Kongresi. Teblikler, Bd.1/1, – Istanbul, 1985. – S.79-88.
158. Жусип Баласағун. Қутти билик. Коне турки тилинен ағдарғанжәне алғисўзи жазған А.Эгеубаев. – Алматы: Жазушы, 1986. – 246 с.
159. Jelani H. Karya Ketatenaragaan Meleyu Yang Terakhir // Kitap Kumpulan Rinkas Berbetulen Lekas, – Malaysia: Sari 19. 2001. – P. 133-158
160. Karomatova K.M., Karomatov H.S. Proverbs – Maqollar – Пословицы. – Т.: Mehnat, 2000. – 398 b.
161. May W. Yusuf Balasaguni Beneficent Knowledge. – М.:, 1998. – 510 p.
162. Mittler R., Art. Yusuf Has Hacib. Moralist // R.M., Ottoman Turkish Writers, – New York, 1988. – P. 182-183.
163. Musayev Q. English stylistics. – Т.: Adolat, 2003. – 348 p.
164. Nazarov B. Kutadgu bilig: One of the First Written Monuments of the Aesthetic Thought of the Turkic People // 30th meeting of PIAC, held at Indiana University, Bloomington, 1987.
165. Radloff W. Das Kutadku Bilik des Jusuf Chass-Hadschib aus Balasagun. Teil 1: Der Text in Transkription. Teil 2: Text und Uebersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo – St. Petersburg: 1891. – 252 p.
166. Valitova A.A. On Some Poetical Trends of “Qutadgu bilig.” – М.: Oriental Literature Publishing House, 1960. – 24 p.
167. Yusuf Balasaguni. Nauka Est Scastliva. Translata Hrebcih. – Praha: Novi Orient, 1961. – 248 s.

Луғатлар

168. Кошғарий М. Девону луғот ит-турк. Индекс-луғат. – Т.: Фан, 1967. – 545 б.
169. Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 272 б.

170. Русча-ўзбекча луғат. Икки томли. – Т.: ЎЗСЭ, 1983. Т. I – 808 с. Т. II – 798 с.
171. Англо-русский словарь. Составитель В.К.Мюллер. М.: Русский язык, 1985. – 980 с.
172. Англо-русский словарь. Составитель В.К.Мюллер. Изд. 14-ое. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 912 с.
173. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2 том. – М.: Рус тили, 1981. Т. I – 631б., Т. II – 715 б.
174. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006.
175. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
176. Русско-английский словарь. – Санкт-Петербург: Литера, 2000. – 344 с.
177. Узбекско-русский словарь. Под редакцией А.К.Боровков. – М.: ГИС, 1959. – 839 с.
178. Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – 299 б.
179. АBBY Lingvo первый шаг. Электронный словарь. Выпуск: 10.01.19. Артикул: 4361.
180. Clauson G. An etymological dictionary of pre-thirteen century Turkish. Oxford University Press, 1972. – 760 p.
181. Macmillan English dictionary. For advanced learners. Bloombury Publishers Pls. Printed and bound in China. 2002. – 1692 p.

Интернет манбалари

182. vlib.iue.it/carrie/texts/carrie_books/paksoy-4/2-1.html - 74k.
183. <http://oel.bik.org.kg/ru/view/50/>.
184. www.libr.e-taraz.kz/cgi-bin/book/bookcont.cgi?idcont=467&type=doc.
185. http://www.uzas.uz/uzbl/jamoat_fondi_loyihasi_materiallari/janr_xususiyatlar_i_lisoniy_yondashuv.mgr